Саид Аҳмад

Хандон писта

Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan kechiktirilmagan holda topshirilishi shart

Ilgarigi berilmalar miqdori______________

САИД АҲМАД

ХАНДОН ПИСТА

Ҳажвлар

Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти
Тошкент-1994

"Хазина" ижодий илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси нашри.

Ўз2
С21

Муҳаррир — Ўткир Ҳошимов

Саид Аҳмад.
Хандон писта: Ҳажвлар. 1994.-96б.

Агар Ўзбекистонда иккита миллионер бўлса, биттаси—Саид Аҳмад. Битта бўлса ҳам—шу одамнинг ўзи. Лекин унинг хазинаси корчалонларнинг ҳавасини келтириб, рекетчиларнинг қулоғини динг қиладиган миллионлар эмас. Саид Аҳмаднинг бойлиги унинг миллионлаб ўқувчилари! Ўзбекистонда бу адибнинг китоблари кириб бормаган хонадон йўқ, десак лоф бўлмайди.

Қўлингиздаги китобга севимли ёзувчингизнинг кейинги йилларда ёзган ҳажвий асарлари жамланган. Улар сизнинг қалбингизга қувонч олиб киришига ишонамиз.

Ўз2

TOSHKENT SHAHAR «BILIM» AXBOROT-KUTUBXONA MARKAZI
№

$\frac{4702620201-81}{М352(04)-94}$ *Қатъий буюртма* © Саид Аҳмад, 1994

ISBN 5-635-01383-X

ЛАБ ҲАҚИДА ДОСТОН

(*Булғуси ажойиб романдан боб*)

Дунёда нима куп, лаб куп. Ер юзида қанча одам булса шунча бир жуфтдан лаби бор. (Бир одамда туртта лаб булишига ишонмайман).

Шундай лаблар борки, курганда эсинг оғиб қолади. Ёқут лаб, ғунча лаб, шакар лаб, чуччайган лаб, юпқа лаб... Мен унақа маҳаллий аҳамиятга эга булган лабларни писанд қилмай қуйганман. Туғри, илгари тушунмай юрган онгсиз пайтларимда жумҳурият аҳамиятига эга бунақа лабларга маҳлиё булиб, маҳалламдан утиб кетган пайтларим булган. Энди-чи, йуқ! Энди мен халқаро аҳамиятга молик булган бир лабнинг шайдоси булиб қолганман.

Бу лаб... уни таърифламоққа авторучка ожиз, қил қалам нимжон, машинка ночор.

Мен бу лабни биринчи марта Тошкент аэропортининг халқаро йуллар майдонида, Кавказ томондан учиб келган машҳур бир ижодкорнинг лабига қапишиб турганда курган эдим. Албатта, мен шоир эмасман, бу қапишишни нима дейди, упич дейдими, буса дейдими, билмайман. Ҳозир куриб турганим манзара упичга ҳам, бусага ҳам ухшамасди, уни рухсат берсанглар, суриш деб қуяқолай.

Ўшанда меҳмоннинг бу узоқ суришдан дами қайтиб, юзлари кукариб кетганини ҳали-ҳали куз олдимдан кетказолмайман. (Агар уша меҳмон мен булганимда унинг ичига туфлаб юборардим).

Унинг шу куриниши меҳмоннинг ичидан нимаиндир суриб олаётганга ухшарди. Шунда мен беихтиёр бу лаб халқимизнинг миллий ғуруридир, деб юборганимни билмай қолибман.

Бир министрнинг отаси улганда у ҳам жанозага келиб, фарёд урганча ювғучининг олдига кириб, мурданинг лабидан упганини курганлар бор.

Ўшанда у ювғучининг олдидан тамшаниб чиқиб, мотамсаро турган министрнинг олдига келди.

—Отахон жаннати одам эканлар. Жуда ширин улик буптилар.

У шундай деб яна тамшаниб қуйди. Министр паст овозда сўради.

—Отангиз ҳали тириклар, а?

—Йуқ, у киши йигирма йил олдин оламдан утганлар.

Министр афсуслангандек бир энтикди.

—Майли, қилган яхшиликларингиз учун қарзимни узмоқчи эдим. Начора, сиз ҳали тириксиз-ку, қарз узишга улгураман.

Шу лаб тугрисида яхлитроқ бир асар ёзиш ниятида уни йигирма йил кузатдим. О, бу лаблар. Кимларни упмади. Саримсоқ пиёз ҳиди келиб турган, тамаки сувидан пурсилдоқ бойлаб кетган, арақ иси гуп-гуп келиб турган лабларга бу лаб муҳрини босди. Амалдорларнинг йулини пойлаб буйнига осилиб улди. Министрларни қувиб юриб улди.

Бу упичларга, бу суришларга унча-мунча лаб чидамайди. Билмадим, агар чармдан булса йиртилиб, пластмассадан булс. едирилиб кетарди. Балки ута чидамли қаттиқ қоришмалар комбинатида ишланган лабдир. Балки у фазога учирилган кемалар маъданидан ясалгандир.

Агар мен шоир булсам, шу лабга атаб достонлар ёзардим. Ҳайкалтарош булсам, ҳайкалини ясаб пойтахтимизнинг қоқ марказига урнатардим. Халқимизнинг ноёб ёдгорлиги сифатида туристлар учун зиёратгоҳга айлантирардим.

ЗАГСдан никоҳ уқитиб чиққан келин-куёвлар шу лаб ҳайкалининг пойига гулдасталар қуйишини истардим.

Алишер Навоий саройда лаби ҳаддан ташқари қалин одамни куриб қолиб, Султондан: "Бу ким?" деб сурабди. Шунда Бойқаро: "Қасрга борсам упавериб, жонимдан безор қилди. Келди-кетдини упиб юрар деб, маош тайин қилмай хизматга олдим" деган экан.

Курдингизми, утмишда ҳам салафларимиз лабга эътибор берганлар...

Қоч, министр, қоч ундан каттароги, қоч ҳоким, қоч исполком, сени упгани лаб келяпти!

"Ж" ҲАРФИ ЁЗИЛГАН ДЕВОР ТАГИДА

(Тарихий воқеа)

Ҳозиргина қозондан сузиб келинган ош уртага қуйилганда, ҳамманинг кузи буги чиқиб турган лагандаги ошга қадалади. Қул чузишга чогланади. Баъзилар "олинг, олинг"ни кутмай ош тепасидаги гуштни узига қарата сура бошлайди.

Борди-ю, шу пайтда биттаси урнидан туриб, уртоқлар, деб қолса, нима булади.? Расво булади!

Шоир уз китобини биров уқиётгандаги аҳволини куриб завқ олади. Ошпаз халқи ҳам шундай. Тепангга келиб туриб оладию, биринчи луқма олган кишининг оҳ, оҳ, зур бупти-ку, дейишини кутади. У ана шу бир огиз суздан завқланиб ўчоқ бошида терлаб-пишиб қилган меҳнатига мукофот олгандек булади.

Бордию., деб айтдим-а! Ана шу бордию бир одам урнидан туриб нутқ бошласа, ҳаммаёқ зимистон булиб кетади. Ошхурларнинг огизга тупланиб қолган сулаклари яна бугзига қайтиб кетади.

—Азиз биродарлар, бугун биз...

Кетди.! Қани энди бу нутқни тухтатиб булса. Кимдир секингина «қисқароқ бўлсин, ош совуб қоляпти,» деди.

Нотиқ унга уқрайиб қаради. Гап айтганнинг дами ичига тушиб кетди. Негаки, нотиқ унинг бошлиги эди. Одамларнинг сабри чидамади.

—Сиз гапираверинг, биз ошни олаверайлик.

Нотиқ бир кукарди, бир бузарди. Лекин нутқини узмади.

—Шундай қилиб Абдумумин акамиз уз ҳаётларида...

—Отамиз тириклар. деди ош қилиб бераётган йигит.

—Гапнинг охиригача эшитинг-да, мен Абдумумин акани улди деяётганим йуқ, у кишининг ҳаёт йуллари тугрисида гапиряпман. Демак, Абдумумин ака Абдусоатдек фарзанд ўстириб қарилик гаштини сураяптилар...

—Э, булди-де, мажлисга келганмизми ё ош егани...

Нотиқ бир зум тухтади. Қулидаги қадаҳни боши узра кутариб негадир тагидан қаради.

—Укагинам, ош топилади, дуст-ёрларнинг дийдори ганимат. Эртага бормизми, йуқмизми, бир худонинг узи билади, вот.

Э, уладиган ахмоқ йуқ, сал иссиқроқ гаплардан айтинг.

—Ёшлар, ёшлар-а, жуда бесабрсизлар-да...

Шу пайт ошпаз Абдусоатнинг олдига келиб қулоғига шивирлади.

—Ошни иситиб келайми, ака?

Абдусоат секин қул юбориб лаганни ушлаб курди. Худди холодильникдан ҳозир олингандек, қулни чақиб оламан дейди.

--Булмасам, —деди нотиқ. —Гапимни қисқа қила қолай. Гапимни тугатишдан олдин бир воқеани айтиб берай. Бир минг туққиз юз олтмишинчи йилмиди, йуқ, олтмиш саккизинчи йил булиши керак. Шу десангиз, Озарбайжон-дан бир дустим телефон қилиб қолди. Ўзингиз биласиз. Боку денгиз буйида. Каспий денгизини биласизларми...

Ошхурлардан бири "Вой дод" деб уриндан туриб кетди. Нотиқ унинг орқасидан норози қараб қолди.

—Нима деяётгандим?

—Боку..

—Туғри, жуда туғри. Памятингиз яхши экан. Боку денгиз буйида, Каспий денгизини аввал Хазар деганлар. Ҳозирги Озарбайжон илгари Хазарбойжон булган. Ўша уртоғим бир куни телефонда Бокуга меҳмонга чақириб қолди. Мен сизларга олтмиш саккизинчи йил, деганим. Янглишган эканман. Тошкент зилзиласидан икки йил олдин, яъни олтмиш туртинчи йили. Хрушчев ишдан тушган йили. Буни аниқ эслаганим шундаки, уртоғим билан телефонда гаплашиб, кучага чиққанимда уйимиз қаршисидаги бинога осиб қуйилган Хрушчевнинг каттакон суратини олти киши туширишаётган эди.

—Ош еймизми, йуқми? —деди тоқати тоқ булиб кетган биттаси.

—Еймиз, албатта еймиз. Ош буладию емаймизми, албатта еймиз-да.

Ёғга чарви аралашган шекилли, ош аста-секин қотиб, гуруч бетини оқ парда урай бошлади.

Галифе шим кийиб, майкачан утирган йигит сапчиб уриндан туриб кетди.

—Ака, мен қулингизда ишлайман-а. Э, ишдан ҳайдаб юборсангиз, ғиринг десам номардман. Ошни еганим булсин.

У шундай дедию ошга қул узатди, узатдию дарров қайтариб олди.

—Ошпаз, опкет бунингни, ош эмас, морожний булиб кетибди. Бор, бошқатдан иситиб кел.

Ошпаз келиб лаганни қайтариб олиб кетди.

—Булмасам, бундай қилсак, —деди нотиқ. —Ош исигунча мен гапимни айтиб олай...

Унинг гапи оғзида қолди. Икки йигит кела солиб икки қултиғидан олиб судраганча биттасига "Ж", яна биттасига "М" деб ёзилган икки хонали будка сиига обориб, орқасига бир тепдилар.

—Ҳой, шошманглар, гапимни тамомлай ахир.

—Э, гапингга... —дея биттаси қалаштириб сукди.

Бу пайт ошпаз иситилган ошни уртага қуяётган эди.

Нотиқ "Ж" ҳарфининг тагида утираркан, буғилиб "уртоқлар" деди.

ГЎШТНИНГ ЗАРАРИ ҲАҚИДА

(1917-1991)

Ҳурматли уртоқ газийта директори!

Газийтангизнинг саккизинчи саҳифасида босилган фан кандидоти Найим Каримупнинг шиғрий қорхатини ўқидиму тепа сочим тик булиб кетди.

Қуй гуштининг бир килоси олтмиш сум булиб турган пайтда қорхатга бало борми. Ўзингизга маълумки, чоризм исканжасида инграган халқ оқ пошшонинг аблаҳлигидан бири икки булмай, кийими жулдур булса ҳам икки юзи қип-қизил, узи думбоққина булиб инсонийлик қиёфасини йуқотган эди.

Улуғ Октябрь инқилоби бундай ярамас ҳолга чек қуйди. Совет фуқаросининг қомати новдадек ингичка булиши шарт эканлигини узбеклар чор Россиясининг чекка улкасида яшашига қарамай дарров тушунди. Халқлар отаси Иосиф Сталин улуғ Лениндан илҳомланиб: "Йуқолсин бойлар!" деди. Бойлар йуқолди. Ғирт камбағаллар қолди. Мамлакатимиз камбағал, одамларимиз камбағал, хазинамиз камбағал, рузғоримиз камбағал булиб қолди. Худо ҳар кимнинг феълига яраша берар экан. Етмиш турт йилдирки ғирт камбағаллик гаштини

суриб келаяпмиз. Бой булишни асло истамаймиз. Бой булсак, албатта синф сифатида тугатилиб кетишимизни биламиз.

Хорижлаги капитал исканжасида фарёдураётган юртдошларимизга қарата: Куринг, ҳавас қилинг, мен совет ватанининг фуқаросиман, деб айтиш ҳуқуқига эга булганимиз оламшумул тарихий воқеа булди. Раҳмат!

Қорхатда гушт тугрисида ҳам анча пасти-баланд гаплар ёзилибди. Очигини айтиб қуяйки, масалани гушт ҳал қилмайди. Шу гушт улгирни емасак улиб қолмасмиз. Гушт емагани учун улса Лев Толстой уларди. Рабиндранат Тагор уларди, ва ниҳоят олти болани боқиб узи гушт емаган Толиб Йулдош аллақачон, аллақачон кукариб чиқарди! Толстойлар, Тагорлар худонинг марҳамати билан энг узоқ умр курган инсонлардир. Толиб Йулдош ҳам иншооллоҳ юз ёшдан ошганлар қаторига кирса ажаб эмас.

Доҳий васиятларига содиқ қолиб, гуштни курсак тескари қараб утиб кетадиган булдик. Натижа ёмон булмади. Ҳаммамиз ёлпасига хипча бел булиб олдик.

Тугри, бу борада принципсизлик қилган пайтларимиз ҳам булди. Айниқса, олтмишинчи, етмишинчи йилларда Брежнев халқ саломатлигини уйламай магазинларни озиқ-овқатга тулдириб ташлади. Уша йилларда унинг кукраги орденга, бизнинг қурсогимиз овқатга тулди. Ана шундан кейин семиришлар бошланди. Қора қош доҳиймиз халқни гуштдан сиқмаганларга этак-этак орденлар сочди, узи ҳам ҳовучлаб олди. Костюмининг орқа томонига ҳам орден тақди. (Олд томонида жой қолмаган эди).

Уша кезларни эслаганда ширин туш кургандек буламан. Қайта қуриш шабадаси эсиб, яйраган кунгилларимиз янада яйраб кетди. Биз қайта қуришни меҳнаткашнинг қорнидан бошладик. Халқ соглигига шикаст етказадиган жамики гушт-ёгларни йуқотдик. Шунинг шарофатидан деҳқомат ака-укаларимиз "Богатир" деган паҳлавонлар магазинига бормай "Детский мир"дан кийим оладиган булдилар.

Сиз, уртоқ газиёта директори, шигрий қорхатни босиб чиқариш урнига гуштнинг инсон саломатлигига қанчалик зарар эканлиги тугрисида мутахассислардан интервью олиб босишингиз керак эди. Афсуски, бундай қилмадингиз.

Қорхатда, қулга тушган одам йигирма-уттиз кишига ош дамлаб, сомса ёпиб, норин қориб, зиёфат қилиши керак, деб айтилган. Умарали Норматуп бир камбағал фан доктори, камтаргина профессор, ҳайратда қоладиган даражада хизмат курсатган фан арбоби, дорилфунуннинг біровга зарари тегмайдиган кафедра мудири ва ниҳоят Ҳамза мукофотининг жимгина лауреатидир. Ойлик маошини учма-уч зурға эллаштирадиган, рузғорга келин аянинг маошини, қизи ва уғлининг стипендиясини қушмаса тирикчилиги танг аҳволга тушиб қолиши мумкин булган ночор оила бошлиғидир.

Рузғорини амал-тақал қилиб утказаётган бир профессоргинага уялмай-нетмай қорхат ёзишга Найим Каримупни ким ва нима мажбур қилди?

Норматуп қули очиқ, мард одам. Қорхатда айтилган жами таомларни бировдан қарз кутариб булса ҳам пишириши мумкин.

Лекин масаланинг бошқа бир томони ҳам бор. Қорхат зиёфатига урганганлар ёмғир хат, шабнам хат, қиров хат, жала хат деган янги-янги одатларни уйлаб чиқармасликларига ким кафил булади?

Уртоқлар, Брежневнинг хатосини такрорламайлик. Гушт ейиш каби утмиш сарқитларидан қанча тез қутулсак, шунча яхши.

Узбекнинг нимаси куп, оши куп. Тирикнинг ҳам, уликнинг ҳам ошини ейди. Никоҳда ош, суннатда ош, марҳумнинг йигирмасида ош, йилида ош. Э, бунақада қадди-қоматдан ажралиб қоламиз-ку!

Биз бу соҳада балет раққосаларидан ибрат олишимиз зарур. Балетчилар бир ойда етти-саккиз кун овқат емай, қоматларини асрайдилар. Биз ҳам шундай қилсак булмасмикан? Овқатни қанча кам есак, қайта қуришга шунча куп ҳисса қушган буламиз.

Йуқолсин қорхат! Йуқолсин ёғли қуй гушти! Йуқолсин қассоб! Йуқолсин хуппа семизлар!

Биз камтар одамлармиз. Булар-булмасга мақтанавермаймиз. Қандайдир бир маҳбус қамоқхонада беш-олти кун очлик эълон қилганини бир йил газиитага ёзишди. Аммо биз етмиш турт йилдан бери эълон қилмасдан оч юрибмиз. Ғиринг дег анимиз йуқ-ку! Чунки уша кунлари пешонамизга коммунизмнинг порлоқ нури тушиб турганди. Коммунизмда ифтор қиламиз, деб етмиш турт йилдан буён туз тотмай руза тутяпмиз. Бу бугунги авлодимизни

коммунизмда яшашига ишонганимиздандир. Нурли даргоҳга хипчагина, кичкинагина булиб кириб борсак қандай яхши. Раҳмат!

Ўзбек пахтакорларининг яна бир отаси (отамиз бунча кўп экан?) Никита Хрушчев ун беш йилда коммунизм қурамиз, деб айтган эди. Шу гапни совутмай, дарров коммунизмни қуриб олсак булар экан. Аттанг, энди кечикдик. Ўн беш йил нима деган гап. Куз очиб юмгунча утди-кетди. Ўша пайтда ун беш йилга кесилиб кетганлар муддатларини утаб қамоқдан қайтиб келарканлар биздан, коммунизм тайёрми, деб сурамоқдалар.

Андижонда қассобларни калтаклашипти. Жуда тугри иш бупти. Нурли даргоҳ сари дадил кетаётган халқимизни семиртирадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатни қоралаймиз. Юнон саркардаси Искандар Зулқарнайн ми, хизмат курсатган артист Ёдгор Саъдиевми "Дастурхон тирикчилигимизнинг ойнасидир" деб айтган экан. Ана шундай тиниқ ойнамизга ҳар хил емишларни қуйиб уни хира, доғ қилмайлик.

Жаннатда курмоқ бор, емоқ йуқ, дейдилар. Коммунизм ҳам худди шунинг узи. Фақат фарқи шуки, унда курмоқ ҳам, емоқ ҳам йуқ. Бори ҳам талонга.

Ҳурматли Норматуп, игволарга учиб қорхат ёзганларга ош қилиб берманг. Акс ҳолда келажак авлод олдида, инсоният олдида юзи қора булиб қолишингиз мумкин.

Найим Каримупдек кандидотларга то фан доктори булмагунча орамизда жой йуқ. У "Қорхат" эмас, ёмонликдан дарак берувчи "Қорахат" ёзганлигини яна бир марта таъкидлаб утамак.

ОФТОБГА ЧИҚҚАН МУШУК

Идора бошлиги эрталаб ишга мушугини ҳам олиб келадиган одат чиқарди. Тиззасига мушукни утқазиб, бир қулида уни силаб, бир қулида ҳужжатларга имзо чекадиган булди.

Йиғин пайтида ҳам коллектив олдида у мушугини силаб туриб нутқ сузлади.

Шунда ходимлардан бирининг ғаши келиб:

—Хужайин, ташқарида ҳаво яхши, офтоб чарақлаб

турибди. Мушукни қуйиб юборинг, офтобда бир яйрасин, —деди.

Хужайин шунақа гапни бир ҳафтадан бери кутарди. У салмоқланиб деди:

—Бу мушук текинга офтобга чиқмайди.

Шу--шу булди-ю, идора ходимлари ойига икки мартадан мушукни офтобга олиб чиқиб уйнатиб келадиган булишди.

Мушукнинг офтобга чиқиши унчалик қиммат эмас. Бир кишига эллик сумдан, холос.

Хужайин бир йилга қолмай мушук пулидан углига "Жигули" олиб берди.

АЗИЗ ВА БОНАПАРТ

(Ёзувчиларнинг Дурмондаги ижод уйидан репортаж)

Азиз Абдураззоқ хона эшигини очиши билан ваннахонада сув шилдираётганини эшитди. Ичкарига кирди. Қулювгичда битта бақалоқ шиша устига жумракдан сув оқаяпти.

—Ё пирим! —деди Азиз ҳайратда.

У эрталаб нонуштадан кейин кучага чиқиб кетганича таксида магазинма-магазин юриб, икки соат давомида анаву улгирдан бирон шиша тополмай қайтиб келаётган эди. Қаранг, худонинг узи бир шиша бақалоғидан юборипти. Уни қулига олди. Қоғози сувда ивиб хати учиб кетибди. Зар қопқоғига қаради. Унда "Париж, Коньяк" деган сўзлар ёзилган. Бу албатта "Наполеон", деган коньяк булса керак, деб уйлади у. О, жуда қимматидан-ку! У шошиб шишанинг бурама қопқоғини очмоқчи булди. Тухтади. Шошма, балки биров янглишиб менинг хонамга ташлаб кетгандир? Ёзувчилар ижод уйининг хоналари бир хил. Қоронғи йулакда рақамини илғаш ҳам қийин. Йуқ, эгаси бошқа.

Қулида бир шиша француз коньяги қилқиллаб... турганда қайси мард узини тия олади? Азиз турди, турди, охири нафс ғолиб келди.

—Абдураззоқов, —деди у узига узи. —Бошингга қунган бахт қушини калтак билан ҳайдама. Оч. Ич! Эгаси янглишган булса, узидан курсин. Нодон булмаса

шундоқ коньякни бировникига ташлаб кетадими! Эгаси келмай туриб оч. Бир-икки қултумини заҳар бости қил.

У шундай дедию шиша қопқогини бураб очди. Копқоқ бир марта очилган экан, дарров бурала қолди. Шиша оғзини ҳидлаб курди. Бай, бай, бай! Ҳиди буйига етган қизнинг буйнидан келадиган исга ухшайди-я!

Шишани деразадан тушиб турган офтоб нурига солиб курди. Бирам тиниқки, орқа томондаги жами нарса аниқ куринади-я. У битта пиёлани тулдириб қуйди. Қурқиб-қурқиб битта хуплади. Томогига, бугзига атир ҳиди урилди. Пиёлани бир симиришда бушатди. Боши бир ёқимли гарангсиди. Иккинчи пиёладан кейин қулогига "Чули ироқ" куйи келди. Учинчи пиёладан кейин Брежневнинг пленумдаги нутқи эшитилди. Брежнев нутқ ирод қилаётганида эшитилиб турадиган тишнинг шақиллаши Қаҳрамон Дадаев чирмандасининг тарақлашини эслатди. Кейинги икки пиёла унга шундай роҳат бағишладики, худди уйланган кунининг эртасидаги оқшом лаззати қайтиб келгандек.

Эшик очилиб, «Азизвой», деган товуш келди. У бошини кутариб эшикка қаради. Унда бошига кемани тунтариб кийгандек қалпоқ билан Наполеон Бонапарт турарди.

—Э, Азиз, бормисан, жуда соғинтирдинг-ку. Мсье Холмирзаевни Бойсунда кургандим, айтдими? Айтган бўлса дуруст, отасига раҳмат.

У келиб диванга утирди. Азизнинг мош-гурунч соқолларига меҳр билан боқди. Алодек қоматига қараб кузлари уйнади. —Кел азизим, шу тарихий учрашувимиз учун биттадан отайлик. Борми?

—Йуқ-да, оғайни, —деди Азиз хижолат чекиб.

—Булмаса Қибрайга чиқиб, дукондан олиб кела қол, —деди Бонапарт қалпогини диванга бепарво ташлар экан.

—Кечирасан, мсье Бонапарт. Пул йуқроқ.

—Сенда қачон пул булгандики, энди булади, —Банопарт деди упкалаб. —Ҳамид Ғуломникига, Асқадникига, Пиримқулникига бор. Биттагина шишани сендан аяшмас. Бир шиша арақ одамнинг хунимики...

Азиз астойдил куйиниб гапира бошлади.

—Шунақа дейсану, Бонапартчик, Ҳамид Ғуломникида Симонов, Асқадникида Мустай, Рамзникида Привалов деганлар утирипти. Пиримқул аканикига қандай

кираман? У кишининг уйларида устод Айний домла утириптилар.

—Оббо, —деди афсусланиб Наполеон. —Булмаса Толибникига гир этиб бориб кел. У қули очиқ, мард одам.

—Иложи йуқ, —деди Азиз. —Беш кундан бери девонайи Машраб билан иккови жазавага тушиб кучаларни, чойхоналарни бошига кутариб газал уқиб юришибди.

—Бўлмаса Мирмуҳсинникига бор. Мени танийди. Кисловодскда бирга дам олганмиз. Йуқ, демайди. Бу масалада у жуда мард.

—Бунниям иложи йуқ, —деди Азиз афсусланиб. —Мирмуҳсин аканикида Хоразмшоҳ, Темур Малик, Жалолиддинлар утиришипти. Ҳозир у ерда матбуот конференцияси буляпти. Яқинига йулаб булмайди.

Бонапартнинг жаҳли чиқиб кетди.

—Қогоз танқислигидан фойдаланиб ҳамманг огзаки адабиётга утиб кетдиларинг, шекилли. Бор, Одил Ёқубовнинг олдига бор. Бермаса ҳафа булишимни айт.

—У роман ёзаман, деб Искандар Зулқарнайнни чақирган экан. Уч кундан бери эшикни бекитиб гаплашгани-гаплашган. Ҳаммаёқ қилич-қалқонга тулиб кетган.

Бонапарт уйланиб қолди. Энди нима қилиш керак, деган савол куз олдида кундаланг туриб қолди.

—Менга қара, Абдулазиз, шу яқин уртада Абдулла Қаҳҳорнинг богини олган бир ёзувчи бор дейишади. Шундан топилмасмикан?

—Топилади. Унда ҳар хилидан бор. Фақат валютага беради.

—Долларгами, лирагами ё франкка?

Банопарт шундай деб чунтакларини титкилай бошлади. Анча уринди. Бирон чақа чиқмади.

—Хотиним, ярамас, чунтагимни қоқлаб қуйган экан.

Буюк саркарда, жаҳонга машҳур император, Москвадан қочган Наполеон билан Дурмон султони, Аргинниниг ихтиёрий депутати Азиз Абдураззоқ иккови узоқ сукутда қолишди. Охири Азиз гапни бошқа ёққа бурмоқчи булиб узига хос, телетомошабинларга, радиотингловчиларга купдан таниш овозда деди:

—Ўзинг биз томонларда нима қилиб юрибсан, огайни?

Бонапарт дәрров жавоб берди. Унинг жавобида қанчалар ғам, қанчалар андуҳ борлиги яримта нокка ўхшаган бурнидан билиниб турарди.

—Москвадан ўз ихтиёрим билан қайтиб кетаётганимда бир кунимга яраб қолар, деб олтинларимни йўлдаги кулга ташлаб кетган эдим. Ўша кулни тополмай қидириб юрибман. Қидириб-қидириб Орол буйидан чиқиб қопман. Оролнинг Ороллиги қолмапти. Мен булганимда... —у шундай дея туриб аламдан куксига муштлади. Қули шапалоқдек орденга тегиб инграб юборди. Жаҳл билан орденни шартта юлиб олди. —Обор, шуни Олой бозорига обориб сотиб кел, ўлдим деганда ўн минг сумга кетади.

—Э, —деди Азиз хафсаласи пир булиб. —Ўтган бозорда Людовик XII нинг орденини зурға икки юз элликка сотганман.

—Мени уша ландавурга тенг қилдингми? Бунақа гапни иккинчи оғзингга олма. У хасиснинг ордени темирдан эди. Меники олтин. Бриллиант бежамлари бор. Ўн мингга кетади!

Азиз унинг қулидан орденни олди, шошганча ҳовли томон кетди. Остона ҳатлаши билан ҳандалак пучоғини босиб олиб, оёғи тойиб кетди.Чалқанчасига йиқилди. Йиқилдию хуши жойига келди. Қараса, қулидаги нарса орден эмас, чойнакнинг қопқоғи.

Шу пайт ҳовлиқиб Исҳоқ Ўктамов келиб қолди.

—Азизжон, —деди у. —Эрталаб келган меҳмон эмнгиздами? Хонангизда бир бақалоқ шиша тула қутирга суртадиган дориси қолиб кетибди. Битта-яримта ичиб қуймасин, деб телефон қилди. Бу дорининг бир томчиси одамни жинни қилади, деб уч марта тайинлади.

Ўктамов энгашиб унинг юзига қаради. Қарадию қурқиб кетди. Меҳмон уч марта тайинлаб айтган иш бошланганга ухшади. "Укажон, сизга нима булди", деб қултиғидан кутарди.

Азиз минғиллади.

—Менинг хонамда Кутузовнинг тепкисини еса ҳам одам булмаган аблаҳ, аферист Наполеон утирипти. Ҳайданг, уни!

—Хуп, хуп, укажон. Наполеон экан-ку. Гитлер булса ҳам Нюрнберггача қувиб борганим булсин.

Азиз кулди. Бу кулги соғ одамнинг кулгисига унчалик ухшамасди.

ҲИНДЧА ҚЎШИҚ

(Соддалар уқимагани маъқул)

Ит кимга дўст—
Эгасига дўст.

Халқ ибораси

Қосимжон машинани гаражга киритиб, дарвозанинг уч жойидан қулфлаб калит уйнаб келаркан, учинчи йулак олдида болаларнинг чиройли бир итни силашаётганини курди. Ит хушёққанидан ҳузур қилиб, кузларини юмиб олган. Ўриндиқда утирган шоп муйловли, лулига ухшаган давангирдек йигит даструмол билан кузларини артиб йиғларди. У анча вақтдан бери йиғлаётган булса керак, ҳовоқлари қизарган, даструмоли жиққа ҳул эди.

—Бу кимнинг ити? —деди Қосимжон.

Болалар йиғлаб утирган кишини курсатишди. Қосимжон бу лули бечоранинг бошига мусибат тушганга ухшайди, деб ёнига бориб утирди.

—Нима булди, дустим! —деди меҳрибончилик қилиб.

Лули жавоб бермади. Қосимжон ҳадеб сурайвергранидан кейин ҳиқиллаб-ҳиқиллаб тилга кирди.

—Э, ака, менинг бошимга тушган мусибат ҳеч бир муминнинг бошига тушмасин. Бу дунёда мен яккаи ягонаман. Бизнинг Молдавияга немис фашистлари яқин қолганда мен турт ёшли бола эканман. Катталар партизанликка кетишибди. Биз бечораларни буёққа эвакуация қилишган. На отамни биламан, на онамни. Детдомда менга Фармон деб от қуйишган экан. Шунча йиллар утди. Мен узимни лули деб юрган эдим. Бу дунёда менинг бор-йуқлигимни суриштирадиган одам булмаган. Яқинда мени Ташқи ишлар вазирлигига чақириб, ота-онам борлигини, улар Руминияда яшаётганликларини, асли отим Алеко эканини айтишди. Руминиядан менга виза келди. Индинга Москва орқали Бухарестга учаман. Бу хушхабардан бошим осмонга етди. Ота-она дийдорига зор эдим.

—Итингизни ҳам олиб кетмоқчимисиз? —деди Қосимжон.

—Йуқ, ака, сиз урис шоири Турғуневнинг "Муму" деган шеърини ўқиганмисиз? Ушанда бир соқов урис итини сувга чуктиради. Мен буни сувга чуктиролмайман. Бу менинг энг яқин дустим. Ит булса ҳам одамнинг гапини тушунади. Иш буюрсам югуриб бориб, бажариб келади. Ишонмайсизми, мана куринг.

—Геббелс, —деди у итга қараб. Ит угирилди. —Чекким келди, дустим.

Геббелс болалар қуршовидан чиқиб Фармоннинг олдига келди. Фармон икки бармоғини лабига босиб, худди папирос чекиб тутунини пуфлаётган ишорасини қилди. Ит тушунди. Тротуар буйлаб ер ҳидлаб кетаверди. Нариги йулак олдида тухтади. Ерда ётган чала чекилган сигарета қолдиғини беозор тишлаб, орқасига қайтди. Фармон унинг бошини, буйнини силаб сигаретани олди. Гугурт чақиб тутатди.

Ҳамма ҳайрон. Бу ит чинакамига гапга тушунар экан. Фармон унга ет, дамингни ол, деди. Гебббелс қорнини ерга бериб, узатилган олдинги оёқлари устига иягини қуйиб кузларини юмди.

Болалардан бири суради:

—У қанақа тилга тушунади, узбекчаям биладими?

—Куп тилларга тушунади, урисчаям, испанчаям тушунади.

Геббелс ит эмас, бало экан.

—Нима қилмоқчисиз? Ё сотасизми?

Фармон бош чайқади:

—Геббелсни уёққа олиб кетиб булмайди. Минг хил испаравка керак. Сотишга кузим қиймайди. Итнинг қадрига етадиган одам топилса, текинга бериб кетардим.

Фармон қидираётган одам шу топда унинг енида утирган эди.

—Мен олай, —деди Қосимжон. —Купдан шунақа итни орзу қилиб юрган эдим.

Иккинчи қаватнинг айвонида панжарага бағрини бериб турган ёшгина жувон гапга аралашди.

—Агар шу итни оладиган булсангиз, гаражда боқасиз. Уйга киритмайман, —деди.

У Қосимжоннинг хотини Анзират эди. Зум утмай пастга тушиб эрини четга тортди.

—Уйлаб қарасам, битта ит керак экан. Ун еттинчида Ҳасан билан Ҳусаннинг туғилган куни. Мактаб-интернатдан келишганда шу итни совға қиламиз.

TOSHKENT SHAHAR

Лули пул олмайман, деяпти, ундоқ [illegible] уйга обкиринг, овқат тайёр. Иссиққина еб олсин.

Қосимжон Фармонни қу[illegible] уйга олиб кирди. Геббелс ҳам унга эргашиб уйга кирди. Қосимжон кириши билан боятдан бери кутариб юрган бир даста калитни телефон столчасига ташлади. Меҳмонни утиришга таклиф қилиб, узи ечингани ичкари хонага кирар экан, лулилар жуда шайтон булади, бу жуда лаллайган экан, етимлик, мусофирлик бечорани шу куйга солган булса керак, деб уйлади.

Чиндан ҳам у жуда уятчан, бировнинг бетига тик қарамайдиган андишали лули экан. Ҳижолатдан бошини кутармайди. Дастурхон попугини ҳимариб, жимгина утирибди. Анзират булғор қалампирига қийма тиқиб димлаган экан, бир лаган қилиб уртага қуйди.

У қиймага гушт шилганда елим халтага турт-бешта суякни солиб қуйган эди. Иккитасини чети учган тарелкага қуйиб олиб чиқди. Геббелснинг тумшуғи олдига қуйди. Ит қарамади. Фармон, еявер Геббелс, дегандан кейин ит суякларни оёқлари орасига олиб ғажий бошлади.

—Жиндак-жиндак қиламизми? —деди Қосимжон.

—Умримда оғзимга олмаганман, —деди Фармон ердан кузини узмай.

Овқатдан кейин чой ичишди. Фармон жавон олдига келиб, китобларни кура бошлади.

—Китобни яхши курар экансиз, —деди Қосимжон.

—Китобнинг садағаси кетсанг арзийди. —дея жаҳон адабиётининг икки юз томлигига ҳавас билан боқди. —Китоб инсонга устоз. Уни уқиган одамдан ёмонлик чиқмайди.

Фармон кетар олдида Геббелсни бағрига босиб, буйинларини силади. Тумшуғидан упди.

—Сен энди шу ерда қоласан, Геббелсгинам. Энди бир умр куришмаймиз.

Унинг кузида ёш курган Геббелс оёқларига суйкалди. Сакраб елкаларига осилди. Фармон ундан куз ёшларини яширмоқчи булардию эплолмасди. Охири, жаҳл билан эшикни очдию шарт чиқиб кетди.

Айрилиқ ёмон нарса. Ҳеч бандаи муминни айрилиқ куйига дучор қилмасин. Бир умр куз олдида туриб қолади.

Анзират яхши оилад[illegible] кўрган асл эди. Жонли-жонсиз нарсаларнинг [illegible]ини сизларди. Дукон-

AXBOROT
INV №

га гушт кептилар", "Қор ёғаяптилар", "Электр учдилар," дерди.

Эр-хотин ичкаридан эски бир адёл опчиқиб, турт буклаб, балконнинг бурчагига жой қилишди. Қолган овқатларни эски пачоқ алюмин товоқчада олиб чиқишди. Худди азиз меҳмонга, жой тайёр, ётасизми, дегандек итни айвонга таклиф қилишди. Ит худди илгарилари ҳам шу жойда ётиб юргандек, туппа-тугри бориб, адёлга қорнини бериб ётиб олди.

Эр-хотин телевизор куришди. Алламаҳал булганда Анзират итдан хабар олгани чиқиб, қайтиб кириб кетди. Ичкаридан, ит ётибдилар, дегани қулоққа чалинди. Чироқ учди. Бирон соат вақт утмай йуғон-ингичка хуррак товушлари келди...

Кучадан эл оёғи узилди. Ҳаммаёқ жимжит булиб қолди.

Пастда бир маст одам ҳиндча қушиқ хиргойи қиларди.

—Овараху...

—Овараху...

Геббелс урнидан туриб, панжарадан пастга қаради. Фармон унга қараб қунғироқ чалаётгандек қилиб, қулидаги калитларни шилдиратиб курсатди. Геббелс тушунди. Ичкарига кириб телефон стулчаси устидаги калитларни эҳтиёт қилиб, овозиниям чиқазмай олиб чиқди-да, пастга ташлади. Фармон илиб олди. Тахминан ярим соатча вақт утиб бояги ҳиндча қушиқ эшитилди.

—Овараху...

—Овараху...

Геббелс яна пастга қаради. Фармон бояги шода калитни отди. Геббелс оғзида илиб олди-да, аста кириб телефон олдига қуйди. Ана шундан кейин у хотиржам булиб урнига ётди.

Эрталаб Қосимжон Геббелсдан хабар олди. Ит бош кутариб унга қаради. Қосим ичида, [illegible] жонивоор, ухламабсан-да, деб қуйди.

Шундан кейин у тошойнага қараб соқолини олди. Сочларини таради.

Ишга кетаётганида хотинининг лабидан упиб, Геббелсга қул силтаб чиқиб кетди.

Орадан беш дақиқалар чамаси утиб-утмай ҳовлиқиб уйга кирди.

—Анзират, Анзират!

Унинг овози жуда хунук эди. Хотини қўрқиб кетди.

—Сизга нима бўлди?

—Мошина, мошина, —деди у энтикиб. —Бизни худо урипти, хотин. Мошина йўқ, ўғри олкетибди!

—Вой, нега йўқ бўлар экан? Дурустроқ қарадингизми? Кеча нима дегандим. Ит гаражда ётсинлар, демаганмидим... Яхшилаб қулфлаган эдингизми?

—Бир эмас, учта қулф урган эдим. Энди нима қиламан?

—Қулф жойида турилтиларми?

—Кўп жоврайвермагин, қандоқ қулфлаган бўлсам, ўшандоқ турипти. Мошина учиб кетмагандир... Мелисани телефони қанақа эди?

—Мен қаёқдан билай? Мелисага ишим тушмаган бўлса. Китобчани қараймиг?

У шундай деб, телефон ёнида ётган китобчани очиб варақлади.

—02 эканлар.

Қосимжон ҳовлиқиб мелисага телефон қилди. Кимлигини айтди. Қанақа мошинлигини айтди. Номерини айтди. Улар ҳозир борамиз, дейишди.

Гўёки мелиса гаражга ундан олдин етиб келадигандек ҳовлиқиб чиқиб кетди. Барибир салкам икки соатдан кейин етиб келишди. Гаражга аввал мелиса итини киритишди. Ит дарров қайтиб чиқди. Капитан гараж ичига кириб, ит ҳид ололмайди, ерга бензин тўкиб кетибди ярамас, деди. ГАИ ходими қулфларни текшириб кўрди. Биттаси жуда антиқа қулф экан, ҳайрон қолди.

Қосимжон бу қулфни Сочида бир денгизчидан сотиб олганини айтди, Мамлактимизда бошқа бунақа қулф йўқ.

Анзират ҳам гапга аралашди:

—Бунақа қулф биттайдилар. Калитлари ҳам битталар.

—Барака топкур, синглим, бир пас жоврамай туринг. Миям ачиб кетди,-- деди мелиса майори.

У шундай деб Қосимжондан мошинанинг ранги қанақалигини, бирон жойи қирилганми, пачоқ бўлганми, умуман бирон ерида белгиси борми, деб сўради. Қосимжоннинг жавобларини дафтарига ёзиб олди.

—Энди бундай қиламиз, манави учала қулфни олиб кетиб, экспертизадан ўтказамиз. Уч кундан кейин мелисага бориб учрайсиз, —деди майор.

Ёнбошида қизил жияги бор мошин жўнаб кетди.

Қосимжон гараж дарвозасидаги учта илгакни сим билан боглаб, афсус-надоматлар билан уйга қайтди.

Оёқ товушини эшитган Геббелс эшик томон ҳура бошлади. Эшик қулфида калит тиқирлаганида, безовталаниб акиллади. Эшик очилди. Геббелс думини ликиллатиб Қосимжоннинг туфлиларини ялади. Анзиратнинг атрофида гир-гир айланди. Қосимжон унинг бўйинларини маъюс силади.

Қосимжон кеча хотинининг гапига кириб итни гаражга киритиб қўйганда бунчалик кургиликлар булмасди. Айб ўзида булганидан Қосимжон хотинининг кузига қараёлмасди. Нима булди? Ял-янги мошин эди. Уни яйрабгина минмаган ҳам.

Дам олиш куни Ҳасан-Ҳусанларни мактаб-интернатдан опкелиб далаларга опчиқиб уйнатмоқчи эди. Шунча пуллик нарса бир кечада йуқ булди қўйди.

—Хотин, —деди у. —Ўзимиз билан узимиз овора булиб Геббелс бечорага овқат ҳам берманмиз. Товогига бир нима солиб қўй, еб олсин.

—Ташвиш тортманг, итимиз овқат еганлар. Бир коса сутга нон буктириб берганман.

—Булмасам мен бирров ишхонамга бориб келай. Сен уйда ўтиратур. Қолган-қутган нарсаларимизни ҳам угри шилиб кетмасин.

—Ҳой, шошманг. Менам ишга бориб келаман. Ташвиш қилманг. Уйда ит борлар.

—Тақинчоқларингни эҳтиёт қил. Кур ҳассасини бир марта йуқотади. Маҳаллага угри оралапти. Тақинчоқларингни ҳам боплаб кетишмасин. Ўгри бир марта кирган уйига иккинчи қайтиб кирмайди, деган гапга ишонма. Ўгрида инсоф нима қилади.

Анзират тортмадан тилла билакузукларини, марваридларини, зирагу узукларини шошиб олди-да, стулга қўйди. Ҳаммаси жойида. У тақинчоқларини румолчага тугиб жавон устидаги самоварнинг ичига солиб қўйди. Энди бу нарсаларини одам тугул қуш ҳам тополмайди, деб қўйди.

Иккови ишга жунаб кетишаркан, Қосимжон уларни кузатгани йулакка чиққан Геббелснинг бошини силади.

—Хужайин, энди буёги ўзингизга қолди. Хушёр буласиз-да, —деди.

—Овқатингизни товоққа солиб қўйганман, —деди Анзират. —Бўкмасдан енг.

Ит ҳамма гапга тушунгандек бош эгиб тураверди. Ана шундан кейин эр-хотин жанозага кетаётгандек ғамгин бир алпозда чиқиб кетишди.

Орадан ярим соатча вақт утди. Геббелс балконда ётибди. Унинг уйчан кузлари нима ишлар қилсам буларкин, деган маънони англатарди, пастдан ҳиндча қушиқ эшитилди:

—Овараху...

—Овараху...

Ит югура солиб бир сакраб жавон устига чиқди. Самоварни тутқичидан тишлаб ётқизди, тугунчани олди. Тишлаб гилам тушалган полга сакради. Кучада Фармон уни кутиб турарди. Геббелс тугунчани отди, у илиб олди.

Бугун Қосимжоннинг бормаган жойи қолмади. Шаҳар мелисаси бошлигига учрашди, прокурорга борди. Бир юрист уртогиникига бориб маслаҳат солди. Шаҳар ҳокимининг қабулхонасида икки соат утириб, киролмади. Ҳориб-чарчаб қайтиб келаётганида тоғаси учраб қолди.

Қосимжон мошин олаётганда турт минг сум пули етмай тоғасидан қарз олган эди. Атайин қилгандек тоғаси қизини чиқазадиган булиб қопти. Пулини қистади. Қосимжоннинг ранги бузга ухшаб оқариб кетди. Хуп, хуп, эртага етказаман, деб хайрлашди.

Чарчаб, қорни очиб, уйга келса, хотини овқат қилмапти. Ишхонасидаги буфетдан унта пирожки олиб келган экан, олдига қуйди.

—Геббелсга бердингми? —деб суради Анзиратдан.

—Турттасини еб олдилар, —деди у бир итга, бир эрига қараб.

Қосимжон тоғасининг пул қистаётганини хотинига қандоқ қилиб айтади! У лабларини қоғоз сочиқ билан артаркан, хотинига, ёнимга утир, деди.

—Менга қара, тоғам қизини чиқазадиган булиб қопти. Шунга...

Унинг гапи оғзида қолди. Анзират сакраб туриб кетди. Уёқдан буёққа юраркан, вой улай, вой улай, деб жоврарди.

—Менга қара, ҳовлиқма, одамнинг бошига бундан ҳам оғир мушкуллар тушиши мумкин. Бизга нима бупти. Куч-қувватимиз бор, ишлаб топамиз. Сенга "Жигули" экан-ку, "Волга" олиб бераман. Уч фоизлик заёмимиз бор эди. Шуни олчиқ.

—Сотасизми? —деди хотини.

—Бошқа иложи йуқ. Жами беш минг сумлик заёмимиз булиши керак. Турт мингини бериб қарздан узиламиз. Ҳасан-Ҳусанлар туғилганда тоғам саккиз юз сумлик гилам совға қилган эдилар. Ҳозир уша гиламлар уч ярим минг сумдан сотиляпти. Биз уша қолган минг сумни туёнага қайтарамиз.

—Икки қулимизни бурнимизга тиқиб қолаверамизми? Хонавайрон булдик-ку.

—Ҳовлиқма, узингни бос! Ўлимдан бошқасининг чораси топилади. Ишқилиб улим булмасин. Қушалоқ уғлонларимиз омон булишсин. Опчиқ уша заёмларни.

Хотини бир даста заёмни улик кутаргандек мотамсаро юриб олиб чиқди. Қосимжон санаб, стул четига қуйди.

—Ютуқ-путуқ чиқмаганмиди? —деб сурадн у ютуқ чиқмаганини билса ҳам эҳтиёт шартдан.

—Э, улсинлар, ун бир йилдан бери бир тийин ҳам чиқмайдилар.

—Обориб телефон тагига бостириб қуй. Тонг отмай олиб боришим керак. Эрта азонда қуй бозорига бораман, деётган эди.

Анзират заёмларни газетага ураб, телефон тагига бостириб қуйди.

Иккови ниҳоятда чарчаган эди. Ётишдию ухлаб қолишди. Геббелс тиқ этса, бошини кутариб, ниманидир кутиб ётарди. Ниҳоят тун ярмида пастдан ҳиндча қушиқ эшитилди:

—Овараху...

—Овараху...

Геббелс урнидан туриб телефон томонга қараб юрди...

Қосимжон билан Анзиратнинг эрталабки аҳволини тасвирлайдиган машинкамнинг ҳарфлари синиб кетса булмайдими? Бу воқеа ёзилган қоғозларим ёниб кетса булмайдими!

Анзиратнинг "Геббелсгинам, заёмлардан ҳам айрилиб қолдик", деб йиғлаётганини қандоқ тасвирлаш мумкин? Бу сатрларни уқиётган китобхоннинг юраги бардош берармикан?

Қистаманг, қистаманг, азиз уқувчим! Бу ёғи нима булди, деб сураманг. Қулимни кесиб ташласангиз ҳам, қаламимни синдириб ташласангиз ҳам ёзолмайман.

Бу манзарани ҳатто Фирдавсий ҳам, Навоий билан Толстой ҳам тасвирлаолмайди!

Қистаманг. Мен бир ожиз ёзувчингизман, холос.

Абдулла Қодирий тирилиб келсаю, шу ҳикоямни ўқиса, ё пешонамдан ўпади, ё орқамга бир тепади.

МИНГ ЙИЛЛИК ЖАНЖАЛ

(Широ-ҳажвий ҳикоя)

Бухоронинг тор, айланма кўчаларидан бирида, кўпдан тиғ тегмаганидан башарасини жун босиб кетган бир чол, ўзи тенги, саксондан ошган чолни ҳассаси билан уриб, қувиб келяпти. Кўчада ўйнаб юрган болаларнинг гапига қараганда бундан уч соат олдин ҳам қувлаб ўтган экан. Ким билади, у эрталабдан бери шу ал позда қувиб юргандир. Икки азамат йигит уларнинг йўлини тўсиб, тўхтатди. Қаранг-га, шунча қувлашиб, ҳансирашмайди. На бўйнида, на пешонасида тер бор.

—Нима бўлди? —деди йигитлардан бири.

—Э, қўй, бачам, —деди қувиб келгани. —Бо бу ярамас ўзимнинг ўртоқим. Эрталаб турсам, кадуда нос қолмапти. Манаву расвонинг эшигини қоқиб носингдан битта чектир, десам нима дейди бу андешасиз. Битта ўптирсанг бир отим нос бераман, дейди. Бо мен унга Амирнинг баччасиму?

—Алдайди бу гаранг. Бо бунинг қулоқини том босган. Мен унга битта ўптир, демагон. Тўхтаб тур, дегон.

—Ёлгон айтгон забонингни лайлак чўқисин. Сан мани шарманда қилгон. Энди мен Бухоройи шарифга қандоқ қилиб саримни кўтариб юрай?

—Э —деди қочгани. —Бо санинг жун босган руйингга ман зорми?

—Мани аҳмоқ дема. Нсаллайнинг вақтига ҳам сан мани Амирнинг баччаси, дегон.

—Алдайди. Мен бундоқ демаган. Бу ярамас Амирнинг бир ўгай хохарини* Нуротага олиб қочкан. Шунинг учун ман уни Амирнинг поччаси дегон.

---

*Хохар — опа демоқ.

Икковининг гапи қовушмади. Яна қувлашиб кетишди.

Улар шу қувлашганича саксон бешдан, тўқсон ёшга етгунча қувлашди.

Маҳалла аҳли уларни яраштирмоқчи бўлди. Энди иш битганда қувлагани яна жанжал бошлади.

—Бу палаъназ мени хотин, дегон. Қандоқ чикин мен хотин булай. Ман эркак. Баданимга испаралкам бор.

Қочгани ҳам бўш келмади.

—Сени хотин дегон булсам, забоним куйсин. Мен сени олтин дегон.

Хулласи, уларни яраштириб булмади. Бу жанжал, бу тортишув, бу қувди, бу қочди, Минорайи калон қурилган йили бошланган, куҳна жанжал эди.

Келинг, уларнинг ишига аралашмайлик.

Мен эса аста узоқлашар эканман, қулоғимга шу сузлар чалинди.

—Бу менга сендак ҳезалак борми, дегон.

—Э, қулоқинг қурсин, сенда сим злак борми, деб ман айтгон.

—Сан мани урисчалаб иди на... дегон.

—Ёлғон, сапсем ёлғон. Бу гарангнинг қулоқига капалак кириб, ичига ўлгон. Энди сен, чикон-чикон қилмай тур. Афшонага навруз байрами булган; ушанда шу журамни куриб, ийди на... дейишим билан йуталим тутиб, сузимни уртаси узилиб қолди. Хўп деса, майли, бошқатдан айтаман. Ийди навруз муборак, журам. Қани, айтинглар шу гапнинг қаери ганда экан?

Қолган гапларни эшитолмадим. Арк устидан бир самолёт вағиллаб утиб, ҳеч нарсани эшиттирмади.

НАПАЛЕОН МАМАЖОНОВ

Бу воқеани ёшлигимда тушимда курганманми, ўнгимда курганманми, эсимда йўқ. Балки ёшлик пайтларимда уз кўзим билан кургандирман, ё бировдан эшитгандирман. Лекин айтиб берса арзигулик воқеа.

Маҳалламизда Мамажон лўмбоз деган девдек киши буларди. Бўйи унчалик дароз эмасди-ку аммо энига қаричлаб ўлчаса икки газдан ошиқ чиқарди. Ўтирганда думбаси қуймоққа ухшаб ёйилиб кетиб уч газча доира ясарди. Қорни шу қадар осилиб кетгандики, утирганда

ерга ёзса бир курпачалик жойга нари кетиб қоларди. Киндиги қичиганда қули етмай, оташкурак билан қашларди.

Унинг фарзандлари эсли-ҳушли, топармон-тутармон, тукис, ҳамиятли булишди. Улар уз оталарини сира укситиб қуйишмасди. Ювинтириб, кийинтириб туришарди. Чол урнидан туролмас, ташқарига чиқолмасди. Шунинг учун ҳам болалари у утирган полнинг тагидан тешик очиб, пақир осиб қуйишганди. Чол ортиқча қийналмай, азият чекмай, утирган ерида ишини битқазаверарди.

Бир куни ҳовлига узбекча биладиган битта урис билан Абдуллажон деган биолог олим кириб келди. Чол билан қуюқ куришиб, ортиқча чайналмай, мақсадни айтиб қуяқолишди.

—Сизга бир илтимос билан ҳайвонот боғи маъмурияти номидан келдик. Африкадан олиб келган туяқушимиз овқатдан заҳарланиб, улиб қолди. Туяқушнинг бу хилидан дунёда атиги иккитагина қолганди. Макиён бизда, хурози Буюк Британияда. Яқинда уни Лондонга обориб хурозига бостириб келгандик. Раҳматлидан икки дона тухум қолган. Уларни бостириб чиқаришга биронта узига мос парранда йуқ. Шу ой ичи бостирмасак палаға булиб қолади. У ҳолда тарих бизни кечирмайди. Агар шу тухумларни йигирма кун босиб берсангиз жаҳон фанига буюк ҳисса қушган булардингиз. Номингиз тарих саҳифаларига олтин ҳарфлар билан ёзиларди. Балки бирон илмий марказ ҳовлисига ҳайкалингиз қуйилиши ҳам мумкин. Йуқ деманг, агар муваффақият билан очиб чиқарсангиз сизни умрбод нафақа билан таъминлашни ёзма равишда расмийлаштирамиз.

Мамажон лумбоз, кечирасизлар, Мамажон ота уйланиб қолди. Нима деса экан? Модомики иш шу даражага етган экан, шу арзимаган юмуш билан бутунлай йуқолиб кетаётган парранданинг наслини сақлаб қолар экан,йуқ, дейиш гуноҳ-ку. Йуқ, деса худонинг ғазабига учрамай-дими? Чол узини уёққа-буёққа ташламай, дарров хуп, деди.

—Опке, туяқушнинг тухумини, ўзим яхшилаб босиб, очиб чиқариб берганим булсин.

Ўша куни тушликка қолмай ҳайвонот боғидан усталар келиб уйларни оқлашди. Деразаларга оқ докалар тутишди. Полларни ярқиратиб ювиб чиқишди. Эшик ва

дераза тутқичларини спирт билан артишди. "Хонага халатсиз кириш ман қилинади", деган ёзув осиб қуйишди.

Кечга яқин иккита пар ёстиққа эҳтиёт қилиб ётқизилган, ҳар бири Мирзачулнинг қовунидек келадиган тухумларни усти очиқ "Волга"да мелиса қўриқчилигида олиб келишди.

Отахоннинг купчиган хамирдек хил-киллаб турган қорнининг киндик томони тагига патнис тиқиб аста кутаришди. Ўрис олим қорин тагига эмаклаб кириб иккита тухумни қуйиб чиқди.

Шундан кейин айвонга иккита йиғма кароват қуйилиб, устига оҳорли оппоқ ғилоф кийдирилган курпа-ёстиқлар тушалди.

Мелисадан одам келиб, куча бошига мошин киришини тақиқловчи белги билан "объезд" деган тахтача илиб қуйди.

—Отахон, —деди узбек олим. —Менинг фамилиям Абдуллаев. Манавунинг фамилияси Соколов, билиб қуйганингиз яхши.

Икки олим унинг атрофида гирди-капалак булиб айланишар, сув деса сув, ош деса ош, оғзидан чиқмай муҳайё қилишарди. Кунига уч-турт маҳал қултиғига филнинг иссиқлигини улчайдиган бир ярим газ келадиган ҳарорат улчагични қуйиб куришарди. Йуталса иккови баббаробар сакраб туришарди.

Шу алпозда йигирма икки кун утди. Ҳамон жужадан дарак йуқ.

Бир куни Абдуллаев отага деди:

—Отахон, синглим қизини чиқазаётган эди. Бир кунга рухсат берасиз. Эрталабки ошни утқазаман-у орқамга қайтаман, сизга Соколов қараб туради.

—Боравер болам, бемалол туйингни утказиб келавер, —деб унга рухсат берди Мамажон ота.

Авжи саҳар пайти эди. Осмон тула юлдузлар бирин-кетин куз юма бошлаган фараҳли тонг палласида чолнинг киндиги тагида бир нима чирс этгандек булди. Сал утмай кетма-кет чирсиллаган товуш қайтариловерди. Худди уша ерида нимадир ғимирлаётганга ухшади. Ўхшади эмас, росмана ғимирлади. Чол қурқиб кетди. У урис тилини яхши тушунарди-ю, гапиришн "твоя-моя" эди.

—Сакалуп, —деди у ташвишли бир товушда. —Моя живут землетресения делает

Соколов аввалига чол нима деётганига тушунмай серрайиб турди. Кейин бирдан уйингa тушиб кетди. Шу уйнаганича кучага чиқиб, икки йигитни бошлаб кирди.

—Ну-ка, патсани, бабайский живут подниимим.

Икки йигит чолнинг қорнини курланинг қатини очаётгандек қилиб кўтариб туришди. Соколов қорин тагига эмаклаб кириб кетди-ю сал утмай иккита лумбоздек жужани кутариб чиқди.

—Айда маладес, айда Мамаджан, —деб қичқирарди у. —Один петух, одина маржа, айда маладес.

Агар йулингиз тушиб қолса, шаҳримиздаги ҳайвонот боғига бир киринг. Албатта киринг. Паррандалар сақланадиган жой олдида бир дам тўхтанг. Тепасига "Мамажон отанинг фарзандлари", деган ёзув илинган катакка қаранг. Унда етти-саккизта туяқуш жужаси диконглаб уйнаб юрипти. Буни қарангки, гердайиб юрган битта жужахурозини Напалеон Мамажонов деб чақиришар экан.

Ишонмадингиз-а? Майли, ихтиёр узингизда.

БЕБОШ ҚАЛАМНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

(*Турсунбойнинг олтин кони*)

Абдулла Қаҳҳорнинг боғига Турсунбой деган бир паҳлавон йигит тез-тез келиб турарди. У боғда гулларнинг тагини чопар, ут юлар, дарахтларни суғорарди. Абдулла ака ундан пулни аямасди. Кибриё опа утин ёрдириб, дарахтларнинг қуриган шохларини кестириб Абдулла акага билдирмай пул берарди. Абдулла ака ҳам унга машина ювдириб Кибриё опага билдирмай чунтагига пул солиб қуярди. Турсунбой кетар чоғида Абдулла ака: қани Кибриё, Турсунбойнинг меҳнат ҳақини беринг, деб яна икки киши номидан пул беришарди.

Бир куни боққа Ҳабиб Абдуллаев, Ҳалил Раҳматуллин, Муҳаммаджон Ўрозбоев ва Ҳадича Сулаймоновалар малинахурликка келишди. Дастурхон тукин. Ҳабиб ака Ўзбекистоннинг ер ости бойликлари туғрисида, олтин ҳам жез ҳам, нефть ҳам истаганча топилишини гапириб утирарди.

Шу пайт боғ этагида ут юлаётган Турсунбой дарахт панасига келиб, Абдулла акани имлаб чақирди. Абдулла

ака нима гапи бор экан, деб ёнига борди. Турсунбой уни етаклаб боғ этагига бошлади. Нимаиндир астойдил ҳаяжонланиб гапирарди. Бир оздан кейин Абдулла ака кула-кула қайтиб келди.

—Нима гап, тинчликми? —деди Ўрозбоев.

—Турсунбой тушмагур олтин кони топибди. Эртага бориб иккаламиз қазиб олайлик, деяпти. Ўзингиз қазиб олаверинг, менда олтин куп, дедим.

Меҳмонлар бу содда, довдир одамнинг гапидан кулиб қўя қолишди.

Кечқурун Турсунбой юз-қулини ювиб сурига келиб утирди. Абдулла ака бояги гапни сўради. Турсунбой нима деганини эслолмади. Абдулла ака қанча айлантирса ҳам нима деганини билмади.

Олтин кони масаласи унинг калласига бир келиб қайтиб кетган эди. Абдулла ака ундан энди нима қилмоқчисиз, —деб сўради.

—Қишлоққа бориб қариндош-уруғларни шилдим. Ҳамма жиянларимдан, тоғаю поччаларимдан уч сўм-уч сўмдан олдим. Ҳозир белимда эллик етти сулкавой бор. Белим бақувват пайтида Москвага бориб бир уйнаб келмоқчиман. Ўшанақаси Наманганга ҳам утиб келаман, —деди Турсунбой.

—Абдулла ака унга ҳазил қилди.

—Мен ҳам бирга борардиму пулим йўқ-да.

—Ташвишланманг, Абдулла ака, эллик етти сум икковимизга бемалол етади. Ортганига совға-саломлар оламиз. Вақтимиз бўлса Хрушчевни ҳам бирров кўриб чиқамиз. Ўзбекларнинг одамгарчилигини курсатиб қуйайлик.

Маслаҳат билан икковлари Москвага борадиган, харажатларни Турсунбой кутарадиган булди.

Эрталаб нонушта пайтида Абдулла ака, энди нима қиламиз, деб сўради. Турсунбой кеча нима тўғрида гаплашганини бутунлай унутган. У вокзалнинг орқасидаги касалхонага бориб, тоғасини кўриб келмоқчилигини айтди...

Абдулла ака оламдан ўтгандан кейин Турсунбой кўринмай кетди. Ким билади, у Хрушчев билан учрашдими, ўзбекнинг кимлигини кўрсатиб қўйдими, билолмадик.

ҚИЛИЧ КЕСОЛМАГАН БОШЛАР

Ғафур Ғулом Аҳмаджон заргар деган бир қадрдони билан боғ сайрига бориб, беш кун қолиб кетди. Хаёл билан бўлиб уйга огоҳлантириб кетиш эсларига келмабди.

Беш кундан кейин қайтиб келиб, уйга қандоқ киришни билмай, ўйланиб қолишди. Аҳмаджон ака кўчадаги автомат телефондан Ғафур аканинг уйига қўнғироқ қилди:

—Муҳаррам опа, ховотир олманг, Ғафур ака бизникида эдилар. Андижондан меҳмонлар келишган эди, қўзғолишнинг сира иложи бўлмади. Бугун албатта борадилар. Хотиним бечора меҳмон кутаман, деб чарчаб қолди.

Муҳаррам опа жавоб қилди:

—Хотинингиз сизни қидириб бизникига келганлар. Ҳозир ёнимда турииптилар. Трубкани берайми?

Аҳмаджон ака бўшашиб трубкани жойига илиб қўйди.

Иш чатоқ. Энди ҳеч қанақа баҳона ўтмайди.

—Аҳмаджон, —деди Ғафур ака. —Қўлга тушдик. Эгилган бошни қилич кесмайди. Айда кетдик.

Икки ўртоқ даструмолларини оқ байроқ қилиб эшикдан киришди.

—Таслим бўламиз, бир қошиқ қонимиздан кечинглар, —дея гуноҳ қилган ёш боладек ҳиқиллаб тураверишди.

Муҳаррам опанинг кечиришдан бошқа иложи қолмаган эди.

ҚАЙСИ ОЙБЕК?

Ойбек ака янги асар устида ишлаётганда жуда хаёлчан бўлиб қоларди. Бир марта кўришган одам билан кўзи тушиб қолса, яна кўришаверарди.

Домла Союз деворий газетасининг 1 май сонида: "Ойбек янги романини тугатиш арафасида" деган ахборотни ўқиб туриб:

—Ойбек? Қайси Ойбек, оббо ғудайган-е, —деб юборди.

Шундан кейин ҳуши ўзига келиб, деворий газетага, кечирасиз-да, деб, залга кириб кетди.

БЕЛИМДАН ЮҚОРИСИ ИШЛАМАЯПТИ

Союзда мажлис буладиган эди. Ойбек билан Ғафур Ғулом учрашиб қолишди.

—Ғофир, —деди Ойбек. —Мажлисга кирасан-а? Бир куп масалалар бор.

—Мазам йуқроқ, —деб баҳона қилди Ғафур Ғулом.

—Ия, нима булди, уртоқ?

Ғафур ака чап кукрагини курсатиб, шу ерим қаттиқ оғриб турипти, деди.

Бироздан кейин иккови яна учрашиб қолишди.

—Ғофир, мажлисга кирасан-а, бир куп масалалар бор.

—Мазам йуқ, —деди Ғафур ака.

—Ия, нима булди, уртоқ?

Ғафур ака аввал қайси кукрагини курсатганини унутиб унг кукрагини курсатди.

—Шу ерим жуда оғриб турипти.

—Боя чап кукрагим оғрияпти дегандинг. Энди унг кукрагингни курсатяпсан. Мени лақиллатяпсанми, ғудайган?

Ғафур Ғулом дарров жавоб қилди.

—Э, оғайни, умуман белимдан юқориси мутлақо ишламай қуйди.

Ойбек аканинг унга раҳми келди.

—Ундоқ булса дарров уйингга бор. Шоферга айтаман, обориб қўяди.

Ғафур ака унга миннатдорчилик билдириб, машинага утирди-ю дусти Аҳмаджон заргарнинг туйига равона бўлди.

ЛУЧЧАК ШАФТОЛИ

Хоразимлик шоир Раҳим Бекниёз умрида луччак шафтолини курмаган экан. Абдулла Қаҳҳорни кургани боғига кирганда домла дастурхонга ялтираб турган бир сават луччак шафтоли қуйди.

—Ия, —деди Раҳим Бекниёз, —домла, бу шафтолиларнинг жуни қани?

Абдулла Қаҳҳор жавоб қилди:

—Раҳимжон укам, сиз келасиз, деб шафтолиларни

Қибрайдаги сартарошхонага олчиқиб жунини қирдириб келдим.

—Раҳмат, раҳмат домла, бекорга овора бупсиз-да, —деб миннатдорчилик билдирди Раҳим Бекниёз.

"КАЗБЕК" ТЕКИНГА ТУШДИ

Бир шоир (хозир Халқ шоири унвонини олган) Шайхзода домладан 200 сум пул қарз олиб, бермай қочиб юрганди.

Домла пулдан кўнгил узолмай юрарди. Бир куни у Туроб Тула билан учрашиб қолди.

—Бир иш бор, шоир афандим. Агар эпласангиз осонгина 150 сум ишлаб оласиз. Бир шогирдимиз мендан 200 сум пул қарз олган. Шу қарзни сизга 50 сумга сотаман, оласизми?

—Инсоф қилинг, Шайх аха, —деди Туроб Тула. —Миртемир домла уша шоирга қарз берган 500 сум пулни менга уч сумга сотдилар. Агар хуп десангиз, уша икки юз сумингизга икки сум берай. Ундиролмасам нақд икки сумга куйиб қолишим мумкин.

Шайхзода уйланиб туриб қулини силтади.

—Бупти. Унмайдиган 198 сумдан нақд икки сум яхши. Бугун унг ёнбошим билан турган эканман, икки қадам босмасимдан икки сум ишладим. Қани, чиқазинг шоир. Бир пачка "Казбек" текинга тушди!

ҚОВУН ТУШИРАЙ ДЕБМАН-КУ!

Миртемир домла кейинги пайтларда яхши эшитмайдиган булиб қолгандилар. Туйғун деган шоир вафот қилган куни жанозага машинасиз борақолай, деб кучадан такси тухтатдим. Қарасам таксида домла Миртемир бир қучоқ гул кутариб утириптилар. Аввалига, китобхонлар билан учрашувдан келяптилар, деб уйладим. Аммо ёнларидаги уриндиқда бир коробка "Торт" билан турхалтада иккита коньякни куриб ҳайрон булдим.

—Йул булсин, домла? —дедим.

—Туйғунникига. Союздан телефон қилиб соат иккида Туйғунникига келинг, дейишди. Туйга қуруқ бормай, деб магазиндан у-бу олдим.

—Домла, —дедим, —Туйғунникида туй булаётгани йуқ. Бечора бандаликни бажо келтирипти. Пешин намозида жанозаси уқилади.

—Ия, ия, оз булмаса қовун туширай депман-ку.

У шундай, деб шофернинг елкасига қулини қуйди.

—Бутам, орқага қайт. Манавуларни уйга ташлаб, кейин борамиз. Домла менга угрилиб:

—Жанозадан кейин бизникига келамиз. Иккавимиз манавуларни ичиб Туйғуннинг "поминка"сини утказамиз, —деди.

ҚАЙТИБ БЕРМАСАНГ ҲАМ МАЙЛИ

Туйғун Ёзувчилар уюшмасида партком секретари эди. Ўша кезлари ёзувчилар пайдар-пай қамалиб турган пайт. Собир Абдуллани "Алпомиш" пьесаси учун нари обориб, бери опкелиб турган эдилар. Собир ака ана олиб кетади, мана олиб кетади, деб кечаси кийимини ечмай, тайёр булиб, тиқ этса эшикка қулоқ солиб ётарди.

Союздан секретар ўрис хотин телефон қилиб эрталаб соат унга зудлик билан ўртоқ Туйғун Шукуржоновга учрашинг, деб хабар қилди.

Собир ака Саодат опа билан, бола-чақалари билан, кўришолмай қолсак хайр энди, деб халлослаганча уюшмага етиб келди. Қабулхонада бир соат утирди, икки соат утирди, уч соат утирди. Туйғун у ёққа утади, индамайди, бу ёққа утади, индамайди. Охири, тоқати тоқ булган Собир Абдулла эшикни очиб қурқа-писа ичкарига муралади. Туйғун:

—Киравер, Собир. Бу ерда нима қилиб юрибсан? —деб суради ундан.

—Соат унга чақирган экансан. Нима гап, тинчликми? Очиғини айтавер, ҳаммасига тайёрман.

Туйғун унинг гапларига тушунмай ҳайрон эди.

—Айтавер, айтавер, нима гап?

Туйғун узоқ ўйлагандан кейин гапи ёдига тушди:

—Ҳа энди эсимга тушди. Рузғорга пул қолмаяпти. 50 сум қарз сурамоқчи эдим. Шунга чақирдим. Ойлик чиққанда қайтариб бераман.

Собир ака севиниб кетди. Ёнидан бир даста пул олиб столга ташлади.

Саида Зуннунова катта ёзувчи, атоқли шоира бўлгани билан аёллигига бориб Саид Аҳмад акани қаттиқ рашк қилар эдилар. Бир куни Саид Аҳмад ака кийиниб бир жойга бориб келаман, дебдилар-да, уйдан чиқибдилар. Кўнглига шубҳа оралаган Саида опа кийиниибдилару орқама-орқа кетаверибдилар. Буни Саид Аҳмад ака сезиб, Янгиариқ маҳалласидан то ҳозирги Амир Темур хиёбонигача пиёда кетибдилар. Саида опа ҳамон кузатиб келяптилар. Саид Аҳмад ака хиёбонга бориб, бир оз айланибдилар, бировни кутгандек соатга қараб-қараб, ортга яна пиёда қайтибдилар. Янгиариқ билан хиёбон ораси тахминан 8 километр. Ўрдага келганда Саида опа домланинг уйга қайтаётганига ишонч ҳосил қилиб, такси ёллабдилар.

Саид Аҳмад ака уйга келса, Саида опа диванда беҳол инқиллаб ётибдилар.

—Нима бўлди? - дедилар Саид Аҳмад ака ўзини билмасликка олиб.

—Ким билади, эрталабдан бери икки тиззам зирқираб оғриб, кўз очирғани қўймаяпти. Юролмаяпман, Ўзингиз чой дамлаб ичақолинг.

Саид Аҳмад ака қаҳ-қах уриб кулдилар.

—Менга қаранг, эрингиз аёл кишининг кўзини ўйнатадиган ҳусида тенгсиз бўлмаса, нимасини рашк қиласиз...

Саид Аҳмад ака бугунги 'саргузашт'ни атайин қилганини айтганда Саида опа ҳам оғриқ аралаш кулиб юбордилар.

Ушбу сурат худди ўша дамда олинган эди.

Бевалик қурсин, аламингни сигаретдан олар экансан.

Бу хонадонда нонхўрлик эмас, кулгихўрлик бўлади.
Аҳмаджон Мелибоев ва Ғулом Гофуровлар кулавериб, тўйганларини билмай қолишди.

—Гўштни камроқ тўғра, болам. Бунақада хонавайрон қиласан-ку!



—Итим туғса ҳам йўқлаб келаверасизларми. Шу кучукчани ялаштириб келсам қутуламанми?!

Бугун табиатим равшан, биронта жонон тушимга кирадиёв

—Шу икки юз сумнинг ҳаммаси сенга. Қайтиб бермасанг ҳам майли.

У шундай деди-ю тезроқ уйга бориб, бола-чақаларини тинчитиш учун хонадан ўқдек отилиб чиқиб кетди.

ЮР. ЮВАМИЗ!

Урушнинг охирларида "Бадавлат келин" деган бир ҳикоям "Ёш Ленинчи" газетасида босилган эди. Ҳикояда урушдан қайтиб келиб уйланолмай юрган бир йигитнинг заёмдан 25 минг сўм пул ютгани ва шу пулга уйланиб олгани тасвирланган эди.

Ҳақиқатан ҳам ўша йилларда тирикчилик оғир, қимматчилик эди. Йигитлар туйга пул тополмай осонгинаси шу, деб фронтдан уйланиб қайтишаётган эди.

Ўша ҳикоямни "Қизил Ўзбекистон" газетасида "Совет воқелигимизга туҳмат, фаровон ҳаётимизни қоралаб курсаттан" деб ёзишди.

Ўша куни редакция олдида, хафа булиб турган эдим Ғафур ака келиб қолдилар. Аҳволимни куриб, сенга нима булди, деб сўрадилар. Мен газетада уриб чиққанларини айтдим. Домла кулдилар.

—Вой тентаг-е. Шунга хафа булиб утирипсанми? Биласанми, уша вақтда мени уриб чиқмаган газета қолмаган. Ҳатто Қуйлиқдаги корейслар газетасида ҳам дуппослашган. Бу ҳам майли-я. Ачавотдаги лулилар маҳалласида чиқадиган "Қизил лули" деворий газетасида ҳам "Ғафир Ғилом вараг народ" деб ёзган. Фельетон бўлмаган ҳофиз ҳофизми, газетда урилмаган ёзувчи ёзувчими. Айда, кетдик. Газетада урилганингни ювамиз.

Кечгача Ғафур ака билан юриб хафачилигим ёзилиб кетганини билмай қолибман.

МАЗА БИЛМАСЛИК ДАРДИ

Дилда дардинг бўлмаса,
Сардафтаримни ковлама.
МАШРАБ

Бир ошнам бор. Овқатнинг мазасини билмайди. Паловми, шовлами, шурми, нордонми, унга барибир. Ишқилиб, овқат бўлса бас.

Бир куни ундан, маза билмайсанку еган овқатингдан қандай роҳат қиласан, деб сурадим.

—Таним роҳат қилганини ўзим билмаслигим мумкин. Ҳаёт учун мазанинг аҳамияти йўқ. Гап мазмунда. Қозонга гўшт тушганини, ёғу гурунч тушганини куриб турсам, бўлди, бу масаллиқларнинг инсон ҳаёти учун қандоқ аҳамияти борлигини биламан.

—Шакар билан тузни қандоқ фарқ қиласан? —деб сурайман ундан.

—Бу жуда осон нарса. Масалан столнинг бир томонига жичча туз, яна бир томонига жичча шакар сепиб қуяман. Пашша талагани шакар, пашша таламагани туз. Пашша талаганидан бир қошиғини чойга соламан, пашша таламаганидан ярим қошиғини туғралган помидорга сепаман.

Мана шунақа таъм билмайдиган одамнинг қўлига шеър тушиб қолса (худо бу кунлардан асрасин) нима буларди?

Менимча мана бундоқ булади-ёв!

"Шеър энига, яъни горизонтал уттиз беш ҳарфдан иборат (9 см). Юқоридан пастга, яъни вертикал 14 сатр (25 см). Еттита ухшатиш (биттаси жонсиз нарсага, олтитаси жонли нарсага ухшатилган). Туртта муболаға (Иккитаси тоққа, биттаси боққа ва яна биттаси денгизга қиёсланган). Жонворлардан; булбул, товус ва фил. Булбул 35 грамм, товус 4 кг. Фил олти тонна. Жами: 600435 кг.

Чет сузлардан форсча битта, арабча иккита, татарча битта, урисча битта, қорақалпоқча битта. Шеър охирида шоирнинг тахаллуси битта.

Қаранг: Бу шеър таҳлили эмас. Чайқовчининг уйи тинтилганда топилган буюмларга тузилган милиция акти.

Албатта инсон боласи учун маза билмаслик бир дард. Аммо адабий танқидчиликда маза билмаслик нафақат дард, дард устига чиққан чипқон.

Шеър бу куй. Уни суз билан таърифлаб бўлмайди. Қани, ким "Муножот"ни суз билан тушунтириб беради?

Шеър шоирнинг дилига ғойибдан тушган нур. Шу нур шоир юрагидан чиқиб шеърхоннинг юрагига кучади. У мудраган ҳужайраларни уйғотади. Томирларини дутор ипидек таранг тортиб чертади. Йиғлатади, кулдиради. Бутун вужудингни аллақандай ҳузур, аллақандай май-

инлик, аллақандай ҳазинлик чулғаб олади. Шеър куй, шеър дард. У дилда айтилмай қолиб кетган армон...

Шеърни улчаб булмайди. Заргар тарозига ҳожат йуқ. Шеър тарози ўқувчи қалбида.

Гаранглар қушиқ конкурсларида ҳакамлик қилса, суқирлар рассомларга ранг танлашни ургатса, ҳид билмаслар гулзор оралаб юрса, алам қилмайдими?

Муҳтарам уқувчи, "мақола автори биринчи сатридан то охиригача ҳаммага отнинг калласидек танқидчига тош отибди", деб уйламанг. Худо ҳаққи, бу гап хаёлимга ҳам келмаган. Агар бевош, тизгинсиз қаламим мендан сурамай қоғозга ёзиб қуйган булса, менда айб йуқ.

МАСАЛИ ГУРБА*

Бир пошшо мушугини силаб, тахтда мудраб утирган эди. Нариги пошшодан базмга таклиф қоғози келди. Пошшо шоша-пиша бошига тож кийиб, совғасини қултиқлаб йулга тушди.

Базм чинакамига шоҳона булди. Саройни айтмайсизми, ҳашамлари кузни олади, дейди. Дастурхонда дунёнинг жами бурчидан олиб келинган ноз-неъматлар бор. Пошшо оёғига нимадир суйкалаётганини сезди. Энгашиб стол тагига қараса, мушуги. Жонивор пошшога эргашиб, изма-из келган экан. Пошшо бирон сезмасин деб икки этигини жуфтлаб мушукни беозор қисиб утираверди.

Қайтишда пошшо мушугидан суради.

—Зиёфат зур булди-а. Мен пошшо булатуриб бунақа меваларни курмагандим. Қалай, базм сенга ёқдими?

Мушук бош чайқади.

—Менга ёқмади. Шундоқ катта саройда битта ҳам сичқон йуқ экан.

ҚИССАДАН ҲИССА

Адабиётимиздан сичқон қидирадиганлар купайиб кетмадимикин?

---

*Гурба—мушук.

БИР СИҚИМ ХАНДОН ПИСТА

Искамейка узра ўлтирса нечалар роҳат қилиб,
Кавшимиз лойи билан биз устида ётмоғимиз.

ТАВАЛЛО.

Эркакдир, аёлдир, ёши бир жойга борганда боладан чиқиб қоларкан. Қимизхон билан Усмонжон ҳам худди шунақалардан эди. Уларнинг болалари уйли-жойли бўлиб кетишган. Келинлари билан тил топишолмай рўзғорини бўлак қилиб қўйишган.

Қимизхон ҳар дам олиш куни невараларини қанчалик орзиқиб кутса, кетишларини ҳам шундоқ бесабрлик билан кутарди.

Бола деган у-буга тегмаса, идиш синдирмаса, бола бўладими! Улар шкаф тепасига чиқиб, полга сакрашганда жавондаги идиш-товоқлар жаранг-журунг қилиб кетади. Остонага ташлаб қўйилган ҳўл латтага оёқ суртмай уйга киришади. Кечгача кўчанинг ярим тупроғи уйга киради.

Неваралар эсларини таниб олгунларича ана шунақа эдилар. Энди уларнинг овозлари дўриллаб, юзларига ҳуснбузар тошган, кафтларига туфлаб тош ойна олдида сочларини силашади.

Қимизхоннинг эри Усмонжон қўйдек ёввош одам. Гап сўрамасанг кечгача ундан садо чиқмайди. Қимизхонни озода дейиш ҳам кам, жуда озода дейиш ҳам тўғри келмайди. Уни "сапсем" озода, яъни ғирт озода, деса тўғри бўлади. Унинг уйлари ёғ тушса ялагудек. Ёстиқ жилдлари, кўрпа ғилофлари оҳорлаб дазмолланган. Усмонжоннинг таъбири билан айтганда, бу уй-жой эмас, балниса.

Усмонжон отпускага чиққан. Ишхонадаги "отлиқлар" ёзда отпуска олиб, Усмонжонга ўхшаган "пиёдалар"нинг отпускаси қиш чилласига қолган. Бир ҳисобда шуниси ҳам дуруст. Ташқарида совуқ қақшатиб турипти. Ўзингдан чиққан ҳовурдан олдингдаги одам кўринмайди. Бозордаги олма-анорлар тошдек қотган. Деҳқонлар ўраларини очмай совуқ қайтишини кутишяпти. Бир кило сабзи одамнинг баҳоси. Кўчага чиққан эркакларнинг мўйловлари қиров бойлаб моржга ўхшаб уйга қайтишяпти. Туфласанг, тупугинг ерга қарсиллаб тушади. Эшикларнинг ташқари томонидаги тутқични ушласанг, қўлингни чиппа

олади. Бундай пайтда кимга қийин, постдаги мелисага қийин. Шундоқ совуқда қайси эсини еган кучага чиқади?

Қимизхон бугун ишдан эрта қайтди. Ишхонасидаги иссиқ сув қувури ёрилиб, хоналар совуб кетипти.

Эр-хотин аптекадек, топ-тоза уйда ҳузур қилиб утиришарди. Эшик тепасидаги қунғироқ шитоб билан жиринглади. Усмонжон шу совуқда қайси бефаҳм одам келди экан, деб эшикни очди. Остонада шоп муйловли, семиз бир киши ҳансираб турипти. Орқасида эллик ёшлардаги қора духоба қулбола камзул кийган, икки лаби бичилган хотин, худди диаграммага ухшаш буйи бири-бирида баланд уч угил бола, сочининг учига пилик тақилган беш ёшлардаги қизча турарди. Уларнинг оёқлари остида иккита чемадон, икки-учта сумка, ичига нимадир солинган қоп. Муйловли киши икки оғир чемоданни учинчи қаватга кутариб чиққунча терга пишиб кетган. Бурнидан, иягидан чак-чак тер томарди. У ҳозиргина пешона терини артган қулини узатиб, Усмонжоннинг панжаларини пилчиратиб куришди. Ундан гуп этиб офтобда қолган хом тери ҳиди келди.

—Парпивой акам сизга кулдан-куп дуо дедилар.

Усмонжон бу, Парпивой дегани ким булдийкин, деб уйлаб қолди. Бундан бир ярим ойларча олдин водийдаги шаҳар маиший хизмат комбинати чиқарган маҳсулотларнинг сифатсизлиги туғрисида тушган аризаларни текширгани борганди. Комбинат идораси туғрисидаги ҳовлида туй булаётган экан. Уни ҳам қуярда-қуймай олиб киришди. Қимизхоннинг овқатига урганган Усмонжон дастурхонга қул урмади. Сочиқ билан пашшаларни қуриб утирди. Туй эгасининг кунглига келмасин деб, тақсимчадан бир сиқим хандон писта олиб чақиб еди. Бутун бошли туйдан егани шу булди.

Туй эгаси ҳукуматнинг дуконида сотиладиган бодрингга ухшаш узун, шу бодрингдек гавдаси эгилган киши экан. Суҳбат асносида у кишининг исми Парпивой экани, олис бир райондаги бурдоқичилик базасида қатнаб ишлайдиган бош ахрайник экани маълум булди. Улар чиқиб кетишаётганда Парпивой Усмонжонга ана энди қадрдон булиб қолдик. Бир дастурхондан насиба едик. Бундан буён бир-биримизникига борди-келди қилайлик, деб унинг адресини ёзиб олганди.

Усмонжон уйини уйлаб булгунча меҳмонлар йулакка кириб булишган эди.

Муйлов чемоданларни бурчакка қуяркан, Парпивой

ака, Усмонжонникида бир-икки кун туриб, суҳбатини олинглар, жуда бамани одам деб тайинлаганлар, ҳайрият уйда эжансиз, деди.

—Ўша сиз туйда чақиб еган хандон пистадан бозорга бошқа келмай қуйди. Усмонжонга бир-икки кило юборай деб Парпивой ака икки-уч марта бозорга тушиб чиқдилар. Унақасидан келмапти. Ўша тўйда икки чунтагини тулдириб, солиб берсам буларкан, деб куп афсусландилар.

Ўзбекчилик, келган одамни кет, деб булмайди. У гаранг бир алпозда меҳмонларни хонага бошлаб кирди. Ошхонадан чиққан Қимизхон нималар булаётганига ақли етмай ҳайрон булиб турарди. Муйлов унга, "яхшимисан келин", дея ичкарига кириб кетди. Улар қор кечиб келишган эди. Этикларига илашган қор иссиқ уйда эриб, полда кулмакчалар пайдо булди.

Усмонжон хотинига нима дейишни билмай серрайиб турарди.

—Хотин, деди Усмонжон, —емоқнинг ҳусмоғи ҳам бор, деб бекорга айтишмаган. Емай ҳам улай, бир қисм хандон писта чақиб егандим.

Қимизхон чой олиб кирди. Муйлов чойнак қопқоғини очиб, ия, памил экан-ку, келин, туқсон бешдан дамла, деди. Қимизхон чой олиб кираётганда димоғига аллақандай қуланса ҳид урилди. У худди урада ачиб қолган селитрали сабзи ҳидига ухшарди. Қимизхон қайтишда бурнини кафти билан тусиб утди. Бурчакда бели букчайиб ётган этик қунжидан қатирма булиб кетган пайтава осилиб ётганини курмади.

Муйлов чой устида Тошкентга келишдан мақсадини айтди.

—Шу десангиз, Усмонжон укагинам, бир жиянимиз чақувдан қамалиб қолган. Базадан ун битта новвосни сотган, дейдимис, семиз новвослар урнига озғин, қари сигирларни алмаштириб қўйган дейдимис, ишқилиб бола бечора туҳмат балосига йўлиқиб, қамалиб ётибди. Шунга передача беришга келдик. Овқатни шу ерда пишириб оборамиз-да. Гушт ола кетай, десам Парпивой ака, ундай қилманг, Усмонжон хафа булади дедилар. Кейин, Усмонжонга айтгин, прокурорми, судми, милиса бошлигими, ишқилиб шулар билан гаплашсин деб тайинладилар.

Кеча ишхонада руйхат билан гушт беришган. Усмонжонга ҳам икки кило теккан эди. Қимизхон гушт

билан картошка қовуриб олиб кирди. Муйлов гўштни оғзига соларкан «ия музлаган гўштми-ей», деди. Кейин ҳай, майли, деди-ю столдаги арақни пиёлага тўлдириб ичиб юборди. У ичдими, ичига қуйдими, Усмонжон билолмай қолди.

—Укам, бошқа йуқми?

Усмонжон ҳижолатлик билан "йуқ" деди. Шундан кейин Муйлов чемодандан бир шиша олиб ичди.

—Танишиб олганимиз яхши булди. Уч-турт кун отамлашамиз. Усмонжон укам, биз Парпивойга куёв булишдан ташқари шогирд ҳисобламиз. Базада мен у кишига сменшикман. Уйда ун битта новвос, йигирма олтита қуй, туртта бия бор. Емдан қийналмаймиз. Базада бари бор. Ем дейсизми, комбикорм дейсизми, серобгарчилик. "Жигули"нинг юкхонасида кунига, икки марта шаҳар ҳовлига ем опкелишимиз бор. Буни қаранг, мустақиллик шарофати билан биз бечораларнинг ҳам елкамизга офтоб тегиб қолди. Шу дейман, ҳукумат мелисаларни ҳам йуқ қилса эди, ишлари юришиб кетарди.

Суҳбатдан маълум булдики, Муйлов Парпивойга куёв ҳисобида экан. Нима бало, кеч уйланганми, болалари ҳали ёш. Кеч фарзанд курган экан бечора, деб уйлади. Унинг бу уйини Муйлов сезиб турган экан, тушунтира кетди.

—Укагинам, бу кеннойингизга загсда патта кесилмаган. Биринчисидан туққизта бола бор. Бечора гирой буламан деб роса туғди. Туққизинчисини туғдию узимизнинг тилда айтганда бракка чиқиб қолди. Шунга қарашиб турар деб буни олганман. Парпивойнинг угай синглиси. Бахтимни қаранг, Ҳасан-Ҳусан туғиб берса буладими! Кундошлар бир-бирига душман булади, деган гап бекор экан. Опа-сингилдек яшашяпти. Бири молга қараса, бири менга қарайди. Биласизми, Усмонжон, худо севган бандасига Ҳасан-Ҳусан беради. Ҳасан_Ҳусанларни уриб булмайди, сукиб булмайди. Шундоқ қилсангиз худо қаҳрига олади. Сизга ҳам эгам Ҳасан-Ҳусан неваралар берсин.

Кеч кириб қолди. Болалар бир-бирига майиз отиб уйнай бошлашди. Боссанг майиз гиламга сақичдек ёпишади. На ота ҳай, деди, на она. Муйлов уст-устига уч марта эснади. Болалар мультфильм курамиз дейишса ҳам, булди, ётиш, деди. У ечиниб ётаркан Усмонжонга нимадир деди.

Усмонжон ошхонаға кирди. Хотини иягига кафтини

тираб қошлари чимирилганча утирарди. Усмонжон қурқаписа:

—Келин пайтавамни ювиб қуйсин деяпти, —деди.

—Белини уқалаб қуйиш керак эмасмикин? Бир камим бижғиб кетган пайтавани ювишмиди. Э, меҳмонингиздан ургилдим.

У шундай дедию, ётоқхонага кириб бир метр сурп олиб чиқди. Қоқ уртасидан тариллатиб йиртди. Эски пайтавани чупга илиб ахлат челагига ташлади.

Меҳмон смонам хуррак тортаркан. Деразалар зириллайди. Хотини тинимсиз кекиради. Қизи қирт-қирт қилиб бошини қашлайди.

Усмонжон эрталаб туалетга кирса меҳмон с'вини туширмай чиқиб кетган экан. Деразаларни очиб, хоналарни шамоллатди. Ҳаммасққа анор доналари сочилган, билмай босиб олсанг пирт-пирт қилиб, қизил сув сачратади. Муйлов кечаси билан йулак бурчига нос туфлаб чиққан экан. Усмонжон хул латтани оёғи билан суриб, артиб қуйди. Бир айланиб келса яна туфлабди. Бу гал туфламабди,пуркапти. Деворлар сепкил булиб кетибди.

Қимизхон барвақт ишга кетиб қопти. Усмонжон инқиллаб-синқиллаб сабзи тугради, ош дамлаб, тогорага солиб берди. Меҳмонлар ошни кутариб турмага кетишди. Усмонжон уйларни яна шамоллатди. Гиламга ёпишган сақичдек қора майизларни эмаклаб юриб тирноғи билан кучирди. Естиқ жилдларини, курпа гилофларини чиқазиб, тугиб қуйди.

Меҳмонлар кечга томон қайтиб келишди. Эшик берк. Қунғироқ тугмасини ҳанча босишмасин, ичкаридан садо чиқмади. Тугридаги эшикдан пижама кийган бир киши чиқди.

—Келдингларми? Усмонжоннинг яқин одамини автобус уриб кетипти. Хотини билан жанозага кетишди.

—Қачон қайтишаркан? —деб сурали Муйлов.

—Биратуласига еттисини утқазиб қайтишаров. Юкларингиз бизникида. Ҳозир опчиқиб бераман.

—Калитни ташлаб кетишмадими?

—Шошиб қолишганди, бундай пайтда калит эсига келадими.

Қушни шундай деб иккита чемодан билан қопни опчиқиб берди. Меҳмонлар туриб-туриб пастга тушиб кетишди.

Усмонжон икки кунгача қайнотасиникида ётиб

қолди. Замира деган қайнсинглиси келиб уйларни, идишларни қатрон қилди. Поччаси тугиб қуйган курпа гилофларини энди кутараман деб турганда қунғироқ чалинди. Эшикни очиши билан ассалому алайкум, деб урта яшар эр-хотин икки углини эргаштириб кирди. Болалардан бири яқинда кузини очган қопқора кучук боласини кутариб турарди.

—Усмонжоннинг қадрдонлари буламиз. Узоқдан йуқлаб келдик.

Замира нима қилишини, нима дейишини билмай серрайиб туриб қолди.

—Йуқмилар? —деди эркак меҳмон. —Бизларни Парпивой деган қадрдонлари юбордилар.

—Поччам билан опам —Янгийулга кетишган деди Замира.

—Поччангиз билан опангиз булмасалар, мана сиз борсиз-ку. Икки кунгина турамизу кетамиз. Ахир, холодильникда у-бу бордир. Қуриб-қақшаб ётмагандир?

Икки бола балконга чиқиб, пастга қараб ким узарга чоптириш қилишди. Пастдан хотинларнинг чувиллашгани эшитилди. Бу шур сув қайси қават болахонасидан тушаётганини билмай шовқин солишарди.

—Кечирасизлар, мен кетишим керак, —деди Замира.

—Бемалол кетаверинг, Усмонжон келгунча шу ерда кутамиз.

—Ҳали-бери келишмайди.

—Ундай булса, яна яхши. Шаҳарда ишларимизни хотиржам бажариб оламиз. Чайқов бозоридан булмиш келинга понбархат, парча, японча жемпер, узимга комсостав этик олишим керак. Манаву болакайларимни ҳайвонот боғига обориб, маймунларни курсатаман.

Замира нима қилишини билмай қолди. Охири қушни уйдан опасига телефон қилди. Қимизхоннинг тили гапга келмас, фақат ҳиқилларди. Трубкани Усмонжон олди.

—Почча, турт киши. Парпивой деган киши юборипти. Битта кучук бола билан икки юз граммча хандон писта олиб келишипти.

Қайнсинглиси меҳмонлар кучук бола олиб келишибди, деганидан кейин уни танигандек булди. Парпивой ака уни шаҳардаги дайди итларни аравага босиб олиб кетадиган бригаданинг "старший ит тутувчиси", деб таништирган эди. Ушанда старший ит тутувчи унга, зотли бир ит топиб бераман, дегани эсига тушди.

Усмонжон узоқ жимиб кетгандан кейин тилга кирди.

—Қушниларни чақириб, уларни уйдан чиқариб юборинг.

Боятдан бери телефон олдида Замиранинг гапларини эшитиб утирган қушни шатта урнидан туриб, тунини елкасига ташлади. Замирага эргашиб Усмонжоннинг уйига кирди. Меҳмонлар диванда ялпайиб утиришар, икки боланинг бири кийим шкафи устига чиқиб олган, яна бири оёғидаги тапочкасини ечиб пианино клавишларига урарди.

—Қани, марш! —деди қушни. —Бир марта салом берган одамнинг уйига куч-куронингни орқалаб, бостириб кириб келаверасанми! Э, сендақа иззатини билмаган меҳмондан ургилдим. Кутар жийда халтангни!

—Ия, ия, —деди старший ит тутувчи. —Тошкентликлар шунақа булишадими?

—Шунақа булишади, танимаган одамини уйга киритишмайди.

Ана шу воқеадан кейин Усмонжон турт хонали уйини шаҳар четидаги уч хонали уйга айирбошн қилиб кучиб кетди. Бу янги уйни, Усмонжоннинг тили билан айтганда, меҳмон экан-ку, ҳатто ОБХССнинг ити ҳам тополмасмиш.

Йуқ, у янглишган эди. Парпивой аканинг одамлари бу уйни ҳам топиб боришди...

"ОҚ УЙ"

Атрофи хунгира панжаралар билан уралган уч қаватли бу уйни микрорайондагилар "Оқ уй" деб аташарди. Унда обком ва горком ходимлари яшайдилар. Фақат пастдаги икки хонали уй семон заводининг ишчиси, жиндек-жиндек отиб, ширингина кайф қилиб юрадиган, бир этак боланинг отаси Қодиржон акага теккан эди.

Шундоқ казо-казолар орасига бу одам қандай қушилиб қолдийкин, деб уйлашингиз мумкин. Обкомнинг маъмурий-хужалик булими бошлиғи Турсунбоев бир иш қилса, билиб қиладиганлардан эди. Бу уйда шонли ишчи синфининг вакиллари ҳам бор, деб айтиш учун атайин шундай қилганди.

Қодиржон ака уйнинг уқ утмас қалқони ҳисобланарди.

Бошқа уйлар бир-бирига елка тираб, бир-бирига офтоб туширмайдиган қилиб қурилган. Аммо "оқ уй"нинг атрофи очиқ. Баҳаво.Олди гулзор, икки ёнида арчаю сарвлар қишин-ёзин кум-кук булиб туради. Болалар майдончаси панжара ичкарисида булганидан бошқа "дом"лардаги болалар буёққа киритилмасди. Семон ҳовузчада фақат "оқ уй" болалари" чумилишарди.

"Оқ уй" нинг микрорайон ҳаётидаги ижобий урни тугрисида ҳам гапириш керак. Шу уй бор экан, микрорайонда электр учмайди. Учса ҳам икки минутга қолмай ёнади. Водопровод қувурлари ёрилмайди. Газ бир меъёрда келиб туради. Угри ораламайди, тонг отгунча милиционер уй атрофини айланиб юради.

Тонг отар-отмас "оқ уй" олдига "Москвич" фургони келади. Оқ халат кийган давангирдек бир йигит этажма-этаж юриб картон қутилар тарқатади. Бу қутиларда бир кун олдин телефонда берилган буюртмага биноан қора-қизил икра, янги суйилган қуй гушти, қогоз банкада қаймоқ, апельсин, ҳинд чой, кук чой ва қази каби нсоб смишликлар бор.

Қодиржон неварасининг апельсин пучогини ҳидлаб юрганини куриб юраклари эзилиб кетди. Эртаси куни у фургонда келган йигитдан икки дона апельсин сураганди, бермади. "Ҳожиматова аядан суранг", "хуп" десалар бераман", дедию юқорига чиқиб кетди. Бироздан кейин иккинчи қаватдан Ҳожиматова аянинг шанги овози эшитилди. "Оббо, шу алкашнинг боласига апельсин ейишни ким қуйибди!"

Дили вайрон Қодиржон бозорга бориб апельсин тополмади, охири вокзалга чиқиб, вагон-ресторандан иккитагина апельсин сотиб олди.

"Оқ уйда"гилар маҳаллада буладиган туй-маросимда қатнашмайдилар. Хонимлар эса қаланги-қасанги қушниларни назар-писанд қилмайдилар.

"Оқ уй"га бирон марта булсин пиёда одам келганини биров эслаёлмайди (Қодиржоннинг уйи бундан мустасно). Болалари яслидан то институтни битирмагунларича машинадан тушишмасди.(Қодиржоннинг болалари бундан мустасно).

Учинчи қаватда яшайдиган Марлен деган киши бандаликни бажо келтирди. "Оқ уй" хонимлари ателье моддан шошилинч икки чевар чақиртириб эрталабгача қора куйлак тикдиришди. Марҳум детдомда усган экан, бирга тарбияланган уч-туртта дустлари етиб келишди.

Аммо ўғли келмади. БАМда уйланиб, қолиб кетган экан. Ундан: "Квартал охири бўлгани учун ишлар кўп, объект топширишим керак, узларинг кумиб қўяқолинглар!" деган телеграмма олинди.

Вохликкина етиб келган ювғучи пастда, кўпчилик ичида утирар, бу ҳунар унга бобосидан қолганини, падари бузрукворн Тошкентни урислар олганда шаҳид бўлганлардан икки юз кишини, ҳатто Тошкент беги Алимқул бекни ҳам ўзи ювганини, "Шаҳидон" қабристонида ётган марҳумларнинг деярли ҳаммасини ўзи кафанлаганини ширин бир энтикиш билан гапириб утирарди. Дадаси эса икки министр, уч артист, полковник-майорлардан ўн биттасини ювгани, у кишидан кейин ўзи ота касбини улуғлаб уч ёзувчи, беш депутатни ювганини завқ-шавқ билан ҳикоя қиларди.

Юқоридан "мурда тайёр" деган хабар тушди. Ювғучи "бисмилло" дея юқорига чиқиб кетди. Ўн минутча вақт ўтмай, қайтиб тушди.

—Бўлмайди. Ювмайман, дедимми, ювмайман. Суннат қилинмаган мурдани ювиб, гуноҳга ботмайман. Всё!

У шундай дедию этагини силкитганича кетди, қолди. Энди нима қилиш керак. Мурдани суннат қилиб бўлмаса.

Маслаҳат билан мурдани Қодиржон ака ювадиган бўлди. Унга босиб-босиб икки пиёла ичиришди. У "опкел, улигингни" деганча мурда ётган хонага кириб кетди...

Буни қаран-ки, тусатдан замон ўзгарди. Ер курраси тескарисига айланиб, ҳаммаёқ остин-устун бўлди. Микрорайондаги "оқ уй"дан путур кетди. Энди электр тез-тез ўчадиган, шу ўчганича эртасигача ёнмайдиган, водопровод қувурлари бот-бот ёриладиган, икки-уч кунгача сув келмай қоладиган, газ шам пилигидек липиллаб ёнадиган бўлди.

Ҳар куни тонг пайтида келадиган "Москвич" фургон йўқ бўлиб кетди.

"Оқ уй" аҳолиси қимтиниб, атрофга аланглаб, магазинга нонга чиқади. Эрталаб ёнбошига "Молоко" деб ёзилган машина келганда шиша банка кутариб, навбатда туришади.

Улар секин-аста тўйларга, жанозаларга чиқа бошлашди. Айниқса биттаси горкомнинг собиқ идеология бўлими мудири, Қуръонни жуда чиройли қироат қилар экан, уни ифторликларга, жанозаларга олиб борадиган бўлишди.

"Оқ уй" хонимлари ҳам бинойидек одамлар экан. Бешик туйларига, қизлар базмларига қатнашадиган булишди. Ўртага тортишса, шох ташлаб, бармоқларини шиқирлатиб уйинга тушадиганлари ҳам бор экан.

Микрорайонга эрта азон "мусор" машинаси келади. У тинимсиз сигнал бериб, тухтамай кетаверади. Бошқалар қатори "Оқ уй" эркаклари ҳам пақирда, картон қутида, тоғорада, қоғоз қопда ахлат кутариб машина орқасидан югуришади.

Шундай пайтларда бош оғриғини босиш учун жиндек отиб олган Қодиржон улар орқасидан қичқиради:

—Коммунистлар, олға!

Кейин Қодиржон бирпас нафасини ростлайди. Чап қулини шимининг чунтагига тиқади. Ўнг қулини олдинга чузиб:

—Сиз тугри йулдан кетаяпсиз, уртоқлар! —деб қичқиради.

ТОНГГИ ТОВУШЛАР

(Лирик манзара)

Олтинчи кварталдаги туққиз қаватли уйга одамлар кучиб кела бошлашди. Биров итини етаклаб, биров мушугини кутариб келди.

Саккизинчи қават балконига янги қушни турқовоқ илиб қуйди. Шу кеча бедана уч марта сайради. Кўпдан бу товушни унутган кишилар қандайдир ҳаяжон билан балконга чиқишди. Бедананинг яна сайрашини кутишарди. Ой туққиз қаватли уйнинг орқасига оғганда бедана салмоқлаб, узоқ сайради. Одамларнинг ҳуши оғди. Болалиги утган қишлоғи, жимжит бедапоялар куз олдига келди.

Бедана шовқинга тула бу шаҳарга қишлоқ, дала, боғлар ҳидини, танни яйратувчи шаббодаларини олиб келгандек булди.

Эртасига уша уйнинг биринчи қавати олдига сим тур билан уралган буйра энидай жойда уч-туртта товуқ пайдо булди. Жониворлардан, паррандалардан олисда туғилган болалар қулларига нима тушса, ҳатто еб турган нонларини ҳам бурдалаб товуқ катагига ташлашарди.

Икки кун утиб берига уйнинг иккинчи қаватидан

хуроз қичқиргани эшитилди. У тун ярмида узоқ қичқирди. Саҳарга келиб яна чақирди. Одамлар балконларига чиқиб қадрдон бу товушни яна эшитгилари келиб, узоқ кута бошлашди. Хуроз куп куттирмади. Эл уйгонмасдан туриб қанотларини питирлатиб қичқирди. У қичқиригига жавоб кутаётгандек атрофга қулоқ тутиб кутди. Жавоб булмади.

Тонг ёришиб келаётганда у нолигандек гамгин бир товушда яна қичқирди. Бу гал қанотларини патирлатмади.

Хуроздек қушёр парранда дунёда булмас экан. Кечаси келган булишига қарамай нариги туққиз қаватлида товуқ борлигини сезганини қаранг-а?

Унинг тоқати тоқ булди. Муштоқликка чидамади. Атласдек қанотларини париллатиб силкиндию иккинчи қават балконидан пастга учиб тушди.

Товуқ катаги олдида ошиқона гердайиб, товланиб-товланиб, уёқдан-буёққа безовта юра бошлади. Кетма-кет қичқирди. Қанотларини тапиллатиб ерга уриб қичқирди.

Иккинчи қаватдан унга кимдир шиппак отди. У писанд қилмади. Супурги отди, пинагини ҳам бузмади.

Охири товуқнинг эгаси бошига чойшаб ёпиниб балконга чиқди.

—Бу кимнинг хурози? Одамни ухлатадими, йуқми? Эгасини чақиринглар!

Бу пайт пастда одам купайиб қолган эди. Ҳаммаси шу ажойиб манзарадан, қадрдон товушдан ҳузур қилардилар. Хурознинг генералларга ухшаш куринишидан, уёқдан буёққа гердайиб юришидан завқланардилар.

—Кимнинг хурози бу? —деди чойшаб ёпинган киши уйқули товушда.

Пастдан жавоб қилишди:

—Қушни, сал кенгроқ булинг. Мудраган бу микро-районга шу хуроз жон киргизди-ку. Яхшиси, катакни очиб юборинг, шундоқ серсавлат хуёв уз оёги билан келганга севинмайсизми?!

Товуқнинг эгаси пастга тушиб катакни очиб юборди. Хуроз гердайганча туртта товуқни эргаштириб қурувчилар ҳали олиб кетмаган вагонетка-уй орқасига утиб кетди.

Тудадан бир йигит чиқиб товуқнинг эгасини багрига босди.

—Қани, бир танишиб қуяйлик, қудажон...

У ҳамманинг кунглига қувонч солган бабақ хурознинг эгаси эди.

ТУНГИ САРГУЗАШТ

Уй эгаси меҳмон кетаман деганда дарров хуп деса-да!

Салтанат икки-уч марта кетишга чогланиб урнидан турди, дугонаси елкасидан босиб утқазиб қуйди.

—Пирог қилаяпман. Духовкага қуйганман. Емай кетсанг, икки дунёда бетингга қарамайман!

Салтанат утиришга мажбур булди. У деразадан ташқарига тез-тез қарар, қоронғи тушиб келаётганидан кунгли ғаш буларди.

—Жон уртоқ, хуп дегин. Янги микрорайон, иккитагина автобус қатнайди.

—Вос, шунчаликмисан-а, автобус юрмаса такси бор-ку. Пулинг булмаса мен бераман.

Соат унларга бориб пирог пишди. Салтанат пирог эмас, заҳар еяётгандек минг азоб билан икки тишламини аранг ютди. Сабр косаси тулиб, "булди энди" дедию шартта урнидан туриб, хайр-маъзурни насия қилиб, кучага чиқди. Дугонасининг уйи автобус бекатидан анчагина узоқда эди. Салтанат келганда охирги автобус кетиб булган экан. Нима қилишини билмай, утган-кетган машиналарга қул кутарди. Қани бирортаси тухтаса!

Соат ун бир ярим булди. Салтанат дарахт панасига утиб, марваридини, билакузукларини, ёқасининг пастига қадалган тилла туғноғичини чиқазиб, сумкасига солди. Вақт алла-палла булиб кетди. Машиналар утадию тухтамайди. Салтанат қул кутаравериб ҳолдан тойди.

Бир "Жигули" у қул кутармаса ҳам ёнгинасида тухтади. Шофер деразадан бош чиқазиб:

—Синглим, қаёққа борасиз? —деб сўради.

Салтанатга шофер йигит шубҳалироқ куринди. Унга нима дейишини билмай эсанкиради.

—Синглим, мендан хавотир олманг. Жуда бемаҳалга қолиб кетибсиз, уйингизга обориб қуяй, деяпман. Мен бола-чақали одамман. Сиздан сал кичикроқ қизим бор.

Салтанат қурқа-писа:

—Такси кутаяпман. Частний машинага пулим етмайди, —деди.

Шофер кулди.

--Ахир мусулмонмиз-ку, савоб учун обориб қуяй.

Унинг "мусулмонмиз-ку" дегани Салтанатга далда берди. Иккиланиб машинанинг орқа уриндиғига утирди.

—Қаёққа оборай?

—Юнусободга бораман. Уйим айланма йўлдаги парник тўғрисида.

Шофер индамай машинани юргизди. У қизни гапга солай деса, ёввойи мушукдек ҳурпайиб утирипти. Ундан гап сўрамади. Куз олдига энди ўн еттига кирган қизи келди. Бордию укинг қизи шундай аҳволга тушса, нима қиларди? У уз уйидан узи сесканиб кетди. Айланма йўлнинг "Теплица" деган бекатига келганда қиз "етдик", деди. Машина тўхтади. Қиз шоша-пиша шофернинг ён томонидаги ўриндиққа уч сўм ташлаб машинадан тушди. Тепасида чироқ ёниб турган йўлакка кириб кетди.

Шофер қилган хайрли ишидан завқланганиданми, шундоқ гузал қизни машинасида олиб келганиданми, илжайиб борарди.

Қиз шошганидан эшикни яхши ёпмаган экан. У машинани тухтатиб пастга тушди-да, эшикни очиб, яна ёпмоқчи бўлди. Ўриндиқда қизнинг қип-қизил сумкаси ётарди.

Оббо, деди у. Энди нима қиламан? Қайтиб обориб бермасам булмайди. У шундай деб қайта утираётганида липиллаб қизил чироқ ёнаётганини курди. Бензин тугай, деб қопти-ку. Бензоколонкагача етсин-да ишқилиб, дедию бензинхона томон юра бошлади. Бирон километр юрмасидан мотор ўчди, қолди. Энди нима қилиш керак! У юкхонадан канистр олиб уттан-кетган машиналарга қўл кўтара бошлади. Аксига олиб бирортаси тўхтаса-чи. Ярим соат турди, бир соат турди. Бир самосвал тўхтади.

—Жон ука, бензиним тугади, беш литргина бериб туринг.

Самосвал ҳайдовчиси укинг аҳволини кўриб, пастга тушди. Шофер шофернинг дусти. Улар ҳеч қачон бир-бирларини ташлаб кетмайдилар.

У шланка олиб канистрига бензин қуйиб берди. Йигит унга раҳмат айтишни ҳам унутиб, бакка қуйиб олди. Ана шундан кейин орқасига қайтиб, боя қиз тушиб қолган жойга келди. Чироқ ёниб турган подъезд олдида тўрт-беш хотин нималарнидир қизишиб гаплашардилар. Йигит уларнинг олдига борди. Қиз йиғлайверганидан қовоқлари шишиб кеттан. Тинмай ҳиқилларди.

Йигит улардан сал нарида тўхтади. Ҳеч ким унга парво қилмади.

—Шофер зотидекноинсофи икки дунёда ҳам булмайди.

—Нимасини айтасиз. Бировнинг ҳақи ўлигингга буюргур, курдингки бечоранинг сумкаси қолиб кетибди. Инсофинг бўлса дарров орқангга қайтмайсанми.

—Ҳу, аварияга учраб, оғзингдан қонинг келсин-а!

Йигит чидамади. Уларнинг олдига келиб қизга сумкани узатди.

—Мана, синглим, қолиб кетган экан.

Қизнинг ёшли кўзлари ёниб кетди. Нима қилишини билмай серрайганча туриб қолди.

—Яхшилаб қара. Пулинг жойидами, нарсаларинг турибтимикин. Ҳозирги одамларда инсоф борми?

Қиз сумкани очди. Ундан тилла тақинчоқларини, марваридини олиб жемперининг киссасига солди. Кейин бир даста пул олиб, санай бошлади.

--Ҳа, тўғрими? Бутми? —деди ёнида турган жиккак хотин.

—Етмиш сўм кам... —дея олди қиз энтикиб.

Йигитнинг вужудини тер босди.

—Яхшироқ санаиг, синглим. Сумкангизга қўлимни ҳам тегизмагандим.

Қиз яна санади. Барибир етмиш сўм кам чиқди.

—Уялмайсанми? —деди бояги жиккак хотин. —Қоматинг-ни қара, тоғни урса талқон қиламан, дейди-я! Шу муштипарнинг пулини олгани уялмадингми?

Йигит ёмонам изза бўлди. Чўнтагидан шартта бир даста пул олиб қизнинг сумкасига тиқдию орқасига бурилганича машинаси томон жадал кетди.

—Ҳой, ҳой, —деди жиккак хотин. —Бунинг мингдан ошиқ. Ортиғини олиб кет!

Йигит қайрилиб қарамади. Машинасига ўт бериб қоронғиликка шўнғиб кетди.

—Вой ўлай, —деди қиз. —Менгина ўлай, ахир газга, электрга етмиш сўм тўлаган эдим-ку. Машинасининг номерига қарадингларми?

Йўқ. Ҳеч ким қарамаган эди. Ким у? Қаерда туради? Қаерда ишлайди? Исми нима? Буни ҳеч ким билмасди.

МАШАҚҚАТЛИ БАХТ

(Изқувар итнинг кундалик дафтаридин)

30 АПРЕЛ

Бошлиғимиз билан орамиз бузилиб қолди. Ўзимни атайин касалликка солиб нарядга чиқмадим. Байрамга ҳам чиқмай уч кун Мақсудали аканинг буйига етган томоғи оппоқ жонон кучукчасини уйлаб ётдим.

Уни уйласам нимагадир йиғлагим келади.

4 МАЙ

Бошлиғимиз ветдухтир итиатир Соломон Ғопштейнни чақиртириб келди. Ғопштейн усгимни курди, елка қисди, буёгимни курди, елка қисди. Ичимда, "пропессир булмай ул, сен нимани билардинг, бир итнинг ҳийласи қирқта филга юк булишини сен қаёқдан биласан" деймаи. У қон босимимни улчади, қултиғимга даража улчагич қуйди. Охири томиримни ушлаб туриб илжайди. Ҳа, ярамас, топдингга дедим.

—Бу итваччангиз битта манжалақини яхши куриб қолган. Тезда уйлантириб қуймасангиз узини бир бало қилиб қуяди.

7 МАЙ

Эрталабки наряд олдидан маслаҳат мажлиси булди. Мени уйлантиришга қарор қилишди. Оғзим қулоғимда. Ҳар куни думларимни тарайман. Медалларимни жаранглатиб Мақсудали аканинг балкуни тагида олифта юриш қиламан. Қани энди у қанжиқ бир марта қараб қуйса.

12 МАЙ

Эрталаб ювиниб-тараниб борсам тиш духтири Шахобиддин аканинг лумбоздек бадбашара ити гул ушлаб утирипти. Умрим бино булиб ит булиб туғилиб, бунақа хунук итни курмаганман. Башараси каркидон деган ҳайвон бор-ку, тумшуғининг тепасида илгаги бор, худди ушанинг узи. Итлигим тутиб бир таъзирини бериб қуйяйми,

дедим-у, чоғим келармикин деб ўйланиб қолдим. Умуман биз итларнинг одамлардан фарқимиз шундаки, узоқ ўйлаб ўтирмаймиз. Мен ҳар қалай милиса тарбиясини кўрган разрядли, зиёли ит сифатида ўзимни босишга мажбур эдим.

Бари бир итлигим тутди. Қўлимни ҳавода ўйнатиб туриб, ё устоз, деб ҳайқирдим (Бруслининг ити устозим бўлади). Ҳавода чир-чир айланиб туриб орқа оёғимнинг товони билан иягининг тагига солдим. Ерга шалоп этиб йиқилди-ю қимирламай қолди. Қорнига оёғимни тираб туриб, Мақсудали аканинг балконига қараб реверанс қилдим. Реверанс бу тантанали таъзим маъносини англатади.

Бизни М—13нинг жами итлари кузатиб туришган экан, қарсак бўлиб кетди. Шу қаҳрамонлигим учун жононнинг думидан бир бўса олиш бахтига мушарраф бўлдим.

29 МАЙ

Бошлиғимизга қарасам умрим ўтиб кетадиган. Ёшим ўтиб, қариганимда қайси қанжиқ менга тегарди. Минг суйкалсам ҳам нари тур, қари ит, дейишини биламан. Ўзинг учун ўл етим, деганлек, ўзим ҳаракат қилмасам бўлмайдиганга ўхшайди. (Буни бошлиқларимиз асло билмаслиги керак, чунки милисада хизмат қиладиган аслзода итларнинг насли бузилмаслиги учун таги паст итларга уйланиши тақиқланган).

ЎША КУНИ, КЕЧ СОАТ 6.00.

Яна ювиниб-тараниб, медалларимни тақиб, елим тўрвани суякка тўлдириб жононни кўргани бордим. Мақсудали ака жононимни сайр қилдиргани опчиққан экан. У ўртоқлари билан гаплашиб турган пайтда секин бориб маъшуқамнинг думини ҳидладим. Аёл кишининг кўнгли бўш бўлишини биламан. Бир ҳидлашимдаёқ кўзлари сузилиб кетди. Четга тортиб роса суякка тўйдирдим. Қочамиз, дедим. Майли, деди. Бир қочиш қилайлик...

Тонг отишига яқин эл уйғонмай туриб қуриган

акас дарахти тагида икки кишилик тўй қилиб расмий эр-хотин бўлдик.

Ҳозир рафиқамиз икки медал эгаси бўлдилар. Тўнғичимиз изқуварлик мактабини битириш арафасида. Кенжатойимиз келин аянгизга тортди, пардоз-андоздан бўшамайди...

Итчадан М. ИКРОМ таржимаси

ҲЕЧ КИМ ВА ҲЕЧ НАРСА УНУТИЛМАЙДИ

(Ёдгорлик)

Турдивойни дўстлари орқаваротдан Турди Илимилиқ деб аташарди. Бундай дейишларига сабаб, гап-гаштакларда унинг бор-йўқлиги билинмаслигида эди. Ҳеч қачон, ҳеч қаерда, палон сўзни Турдивой айтган, деган гап бўлган эмас. Ўзи тўнггина, гапи совуққина эди. Жўралари жононлардан гаплашаётганларида бир чеккада, уликдеккина бўлиб ўтирарди. Ўзи нозиккина, дўппи билан урсанг, йиқилгулик ҳоли бор эди.

Аммо у ўртоқлардан ёлчиган эди. Ҳаммаси ҳар хил. Бири қоп-қора, бири сап-сариқ, бири буғдойранг...

Шу бечора Илимилиқ юриб-юриб ўн етти йил деганда фарзанд кўрди. Севинганидан ўзини қўярга жой тополмай туғуруқхонага югурди. Чақалоқни кўрса сап-сариқ бола бўпти.

—Хотин, —деди Илимилиқ. —Авлодимизда бунақа сариқ одам ўтмаганди-ку. Ҳайронман...

—Ўлинг, —деди хотини эркаланиб, —Ўша пайтда худо берди, деб эртойи-кеч қовоқ сомса едингиз, энди бас, десам ҳам мендан бекитиб едингиз. Мана, нима бўлди. Болангиз сап-сариқ бўлди!

Содда Илимилиқ, гапинг рост, хотин, деб чиппа-чин ишонди.

Йил оралатиб хотини яна битта қўчқордек ўғил туғиб берди. Илимилиқ қараса, буниси қоп-қора.

—Ия, хотин. Уруғимизда қора одам бўлмаган эди, буёғи қандоқ бўлди?..

Унинг гапи оғзида қолди.

—Қора икра ўлгирни кўп еяверманг, десам қулоқ солмадингиз. Одамлар чой қошиқда олиб нонга суртса

сиз ўша қошиқда олдингиз. Боланинг қоралиги ўшанинг асорати.

Илимилиқ, хотиним ҳар балони билади, деб ғурурланди.

Икки йил оралатиб хотини бугдойранг қиз туғди.

—Ия, ия, —деди Илимилиқ. —Буниси ғалати бупти-ку...

—Наврўзга рухсат берилиб, сумалакдан бўкиб-бўкиб еганингиз эсдан чиқдими? Қизингизнинг буғдой ранглиги ана шу сумалакдан.

Йиллар ўтди. Турди Илимилиқ ҳам қариди. Дўстлари бирин-кетин бу ёруғ оламни тарк қилиб кетишди. Аммо нимжон, қилтириқ Илимилиқ ҳамон яшаб юрипти.

У сап-сариқ, қоп-қора, буғдойранг фарзандларига ҳар қараганда марҳум дўстларини аниқ кўргандек бўлади. Таҳорат олиб, уларнинг арвоҳига бағишлаб тиловат қилади...

ЯНА БИР ТУРДИВОЙ

(Хотира)

Турди пучуқнинг айни кучга тўлган бўз болалиги туғишган она шаҳридан олисда, юрт соғинчи билан ўтди.

Бундан эллик икки йил олдин биз боя айтганимиздек, Турди пучуқ ҳеч кимга сўз бермайдиган, ўтирган ерини пулга сотиб оладиган, бошидан дўпписи тушиб кетса, пул тўлаб, бировга кўтартирадиган, ориятли баланд йигит эди.

Бир хунук воқеа бўлдию бечора болалиги ўтган кўчаларни, сув ичган ариқларини ташлаб, олис юртларга бош олиб кетишга мажбур бўлди.

Маҳалла йигитлари гап ўйнашарди. "Гап"нинг нималигини биласизми? Ҳафтада бўладиган ўртоқлик базми. Ҳар бир базм иштирокчиси навбати келганда жўраларини меҳмон қилади. Ўша меҳмондорчиликда жўралардан бирига палов ошатилади. Агар у оғзи тўла ош билан отасининг номини айтса, қутулади, айтолмаса, зиёфат навбати унга берилади...

Турди пучуқ тўйларнинг хўрози, базмларнинг булбули эди. Ҳеч кимга сўзини бермасди. Жўралар унинг

тилини қисиқ қилиб қуйиш ўоғраларини уйлашарди. Бир базмда Турди пучуқ мусалласни куп ичиб ухлаб қолади. Журалардан бири унинг тагига бир коса сув қуяди. Турди пучуқ узига келганда қараса, таги ҳул. Саҳар пайти зиёфат бўлган уйдан қочади. Куча қаттиқ совуқ эди. Турди уйига келгунча шимининг орқаси муҳлаб қолади. У икки кун кучага чиқмай уйида қимирламай утиради.

Турди пучуқнинг таги ҳул булиб қолгани эртасигаёқ маҳаллага овоза булиб кетади. Ана шундан кейин Турди пучуқ туғилган маҳалласини, ёр-жураларини, чумилган анҳорларини ташлаб узоқларга бош олиб кетади.

Мана бугун орадан эллик икки йил утиб, у маҳалласига келяпти.

Қадрдон куча, дилга урнашиб қолган пасти-баланд. баъзи жойларида наҳраси бор пахса деворлар...

Турди бобо келяптилар. Даставвал у киши болаликда ош еб чойхурлик қиладиган, куприк биқинидаги чойхонага кирдилар. Чойхона уша-уша. Энди унда Ленин бурчаги йуқ, Маркснинг суврати урнига Навоийнинг сувратини рамкага солиб илиб қуйишипти.

Турди бобо чой буюрдилар. Патнисда иккита нон, бир сиқим қанд билан чой олиб келган болани гапга солдилар.

—Болам, маҳалла аҳли тинч-омонми? Ўзбеклардан купчиликмисизлар? —деб сурадилар. Кейин у, шу самоварда Журавой деган чойхоначи булгучи эди. Соғ-омон юриптими, деб усмоқчилади.

Бола уйланиб қолди. Кейин бирдан эсига тушиб суюниб кетди.

—Дадам айтган эдилар, Журавой самоварчи Турди пучуқ деган бир дусти орқасини ҳул қилиб қуйгандан бир йил утиб, улган экан.

Турди бобо ғалати бир аҳволга тушиб қолди. Бу қандай гап, орадан эллик икки йил утиб, бир авлод алмашса ҳам, арзимас бир ишни одамлар унутолмаса!

Бу дунёда ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди, деган гап чиппа-чин экан.

Турди бобо маҳаллани айланиш ниятидан кечиб, орқасига қайтди. Ким билади, у бу томонларга қачон келади. Келадими, йуқми? Ўзи келмаса ҳам, Турди пучуқ номи маҳаллада ҳали узоқ яшашига ишонди.

ЭКОЛЎГИЯ ВА БИЗ

(Зарарли касб)

Трестнинг ҳисоб-китоб ишлари бошлиқнинг таъбири билан айтганда, мушкий. Битта ҳайҳотдек катта хонада бош буғолтир, учта ёрдамчиси, тўртта кичик буғолтир, иккита ҳисобчи ва кассир Донохон ишлайди. Хонадагиларнинг Донохондан бошқа ҳаммаси чекадиганлардан. Чекканда ҳам тутунини тутунга улаб чекадиган кашандалар. Айниқса Хидиров деган биттаси бор, бай-бай-бай, сигаретни чекяптими, еяптими билиб бўлмайди. Кўз очиб юмгунча олдидаги тоғорадек кулдон тахта омборхонасидаги хода уюмига ўхшаб қолади. Чекиш авжга чиққан пайтларда ким қаерда ўтиргани кўринмай кетади. Шундай пайтларда қоғозларни тимирскилаб топиб, бир хонада бўлишларига қарамай, бир-бирлари билан телефонда гаплашишади.

Донохон тамаки тутунидан сасиб-бижғиб уйига келганда қайнонасидан, эридан эшитадиганини эшитади.

—Ҳой келин, нима бало, чилимнинг сувига бош ювганмисиз, сасиб кетибсиз-ку.

—Йўқ, —дейди пичинг билан эри. —Бизди хотин чилимди сувига бош ювмаган, тамакини қайнатиб "пепсикула" қилиб ичган. Э, боре, атир-патир суртиб ол, бўлмаса кечаси нариги уйга чиқиб ётаман.

Бу хил ҳаёт жонига теккан Донохон кашанда ҳамхоналари устидан вазирликка шикоят ёзиб юборди. Шикоятга ҳадеганда жавоб келавермади. Икки-уч марта телефон ҳам қилди. Охирги қўнғироқ қилганида, аризангиз коллегияда кўриладиган бўлди, деб жавоб қилишди.

Охири, вазирлик коллегиясининг қарори келди. Қарорда Донохонинин маоши узоқ қаҳратон шимол конларида, газ ва кимё саноатида, атом электр-станциясида ишлайдиганлар маоши билан тенглаштирилган эди. Ва шу ойлик устига қўшимча етмиш фоиз компенсация тўлансин, ҳамда у ҳар куни бир пакет сут, 50 мисқол сарёғ билан таъминлансин, харажатлар режадан ортиқ етиштирилган маҳсулот ҳисобидан олинсин, деб кўрсатилган эди.

Бу қарордан Донохоннинг кўнгли унчалик тўлмади. "Тамаки тутунидан сасиб кетган жемпирларимга,

куйлагу костюмларимга, сочларимга урнашиб қолган сассиқ ҳидга ким кампенсасия тулайди" деб нолиб, вазирликка яна езди.

Ҳозир Донохон коллегиянинг адолатли қарорини кутмоқда.

ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

(Муносиб мукофот)

Бошқармадан устига сурғуч ёпиштирилган иккита канверт келди. Бирида корхона маъмуриятидан зудлик билан алоҳида урнак хурсатган ишчилардан беш кишини "Фахрий ёрлиқ"қа тавсия қилишлари суралган. Иккинчисида илғор ишчиларни мукофотлаш учун йигирма беш минг сум ажратилгани айтилган.

Шу муносабат билан директор Дармонов бош муҳандис Дадашевни, рабочкум раиси Зайнуллинни, бош буғолтир Маллаевни ҳузурига чақирди. Мукофотлар эга-эгасига топшириладиган булди.

Ортиб қолган беш минг сум онлан битта "Фахрий ёрлиқ"ни кимга бериш кераклиги туғрисида узоқ уйлашди. Маслаҳат бошбух Маллаевнинг узидан чиқди.

—Ахрайник —Сангин отага бериб қуяқолайлик.

Сангин ота Дармонов акамизнинг қайноталари буладилар, гап булмасмикин?

—Булмайди. Бунга мен кафил, —деди Зайнуллин.

—Ундоқ булса у кишининг қайси хизматлари учун мукофот берамиз?

Бу саволга Маллаев жавоб топди.

—Албатта, у кишининг дарвозахонада таҳорат қилиб, номоз уқишдан бошка ишлари йуқ. У кишини корхона мулкини талон-тарож қилишга, уғриликка йул бермаган фидойи ахрайник деб ёзамиз.

Дадашев ҳам қизишиб кетди.

—Мундоқ қилайлик, булмасам. Учинчи сехда ишлайдиган Сарваров ҳар кучаға чиқиб келишида икки килодан сарёғни салафан халтага солиб, шимининг ичида опчиқиб кетади. У кунига икки мартадан кучага чиқиб келмаса кунгли жойига тушмайди.

—Булмайди, —деди бунақа ишларни узи ҳам кўп қилиб курган Зайнуллин.

—Сарваров чолни бир урса ўлдириб қўяди. Девдек кучи бор. Бунақа чолларнинг қўлига тушадиган анойилардан эмас у.

—Э, қизиқ одам экансиз-ку. Ўзи билан гаплашмиз. "Фахрий ёрлиқ" пенсага чиқишингда керак бўлади, пули отахонга деймиз. Қўлга тушиб беравер, ўртоқлик судида кўриб ўзимиз оқлаб оламиз, деймиз. Йўқ демайди. Кўндиришни менга қўйиб бераверинглар.

—Шу куниёқ Дадашев Сарваровни кўндирди. Эртага смена тугаш пайтида шу тадбирни ўтказадиган бўлишди.

Сарваров вахтадан ўтаётганда ахрайник отахон шартта билагидан ушлаб, қани иштонни еч, депти. Сарваров унинг қўлини қайириб орқасига бир тепкан экан, чол муккаси билан тушиб қимирламай қопти. Оғзидан оқ кўпик келаётганини кўрганлар дарров "Тез ёрдам" чақиришипти.

Эртасига Дадашев сехга кириб Сарваровга ўдағайлади.

—Одам эмас экансан! Сўзида турмайдиган номард экансан. Нега ваъдангни бажармадинг? Ахир келишган эдик-ку.

Сарваров тўнғиллади.

—Иккинчи чиқишимда ушлаши керак эди. Биринчи чиқишимдаёқ ушлаб ўтирипти бу мияси айниган чол. Солдим, айлантириб...

Зайнуллин ўйлаб-ўйлаб яна бир чора топди. Чолни ўғри ушлаш пайтида шикастланган қаҳрамон, деб мукофотга ёзадиган бўлишди. Сарваров эса "Фахрий ёрлиқ"ларинг керак эмас, менга тўрт хонали квартира берасанлар, бермасанглар қилган ишларингни овоза қилиб юбораман, деб ғалва кўтарди. "Фахрий ёрлиқ" рўйхати бошқармага юборилган эди. Энди уни қайтариб бўлмасди.

Шундай қилиб Сарваров ҳеч бало қилмай қўшалоқ мукофот эгаси бўлди.

Ахрайник чолга ҳали ҳам қон қуйиш давом этмоқда...

ЁР ИЗЛАБ

(Бадиий очерк)

Санъат саройида булаётган Саккизинчи март халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали йиғилишга мени киритишмади. Эшикда турган тилла тишли жужурний хотинга ичимда йиғилиб қолган ҳамма гапларни тукиб солдим.

—Ахир, мен ун гулидан бир гули очилмаган 72 ёшли йигит булсам, нечукки сен мени отахон, дейсан. Мен бу ерга узимга муносиб ёр излаб келганимни биласанми?

У булса мени масхара қилаётгандек тилла тишини курсатиб кулди. Кулиб туриб менга ғалатироқ қараш қилди. Хе йуқ, бе йуқ, мени олмайсизми, деб юборди--я! Сесканиб кетдим. Унга дурустроқ қарадим. Бинойидек. Қадди-қомати ҳам жойида. Ҳали қирқдан ошмаган, башарасида битта ҳам ажин йуқ. Жуда менбоп аёл экан. Унга сузилиб туриб, "олганим булсин", дедим. У булса эртага МВДга совчи юборинг, улар министрнинг олдига кириб, подполковник Холдоровага совчиликка келдик, деб айтишсин, деди.

Бир қочиш қилдим! Улай агар, бунақа қочишга ОБХСнинг ити ҳам етолмайди.

КЕЧАСИ СОАТ 3 ДА БЕВА ЁЗУВЧИНИНГ КАЛЛАСИГА КЕЛГАН ГАПЛАР

Қайта қуриш бундан қирқ йил олдин бошланган булса-ю, отанг билан онанг ҳам қайта ишланган булса, сени ким туғарди?

***

Бақироқ, ёқимсиз қушиқчи энди авжига чиққанда тухтатиб, соат неччи булди, деб сураш керак.

***

Баъзи ёш қизлар ёзувчиларнинг пули кўп деб ўйлашади. Ёзувчига эрга тегиб кўришса қанақалигини билишарди. Шу мирқуруқ - ёзувчигаку эрга тегибсан, кўраяпсанки тирикчилик ўтмаяпти. Ажраладиган бўлсанг, бўйнингдаги етти шода дурни, қулоғингдаги бриллиант кўзли зиракни, бармоғингдаги олмос қадалган узукни сотмасдан олдин ажралсанг бўлмасмиди?

***

Қабристонда мурдани лаҳадга қўйишаётганда масжид мутаваллиси халойиқдан сўради. "Биродарлар, марҳум қандоқ одам эди?" Оломон орасидан: "Коммунист эди, коммунист эди." деган овозлар чиқди. Шунда мутавалли: "Коммунистлар мозорига олиб бормапсизлар-да" деб, дунғиллади. Марҳумнинг тўнғич ўғли ўртага чиқди. "Дадам раҳматли ўлимидан уч кун олдин партбилетини топширган эдилар", деди "Ундоқ бўлса, дарров кўминг қўя қолинглар". Мутаваллининг шу гапидан кейин марҳумнинг устига тупроқ тортмаган одам қолмади.

***

Телестудиядаги чиройли диктор қизларни ишдан бўшатиб, ўрнига кампирларни қўйиш керак. Чолларнинг кўнглини бузишга йўл қўймаймиз. Ветеран пенсионерларнинг талаби шу!

БЎРИ ОВИ

I

Жавлонбек район марказига етганда тонг ёришиб, кўчалар гавжум бўлиб қолганди. Будка олдини супураётган чўткачи Муллақанд туёқ товушини эшитиб қаддини ростлади.

Баҳай, ака Жавлун? С утра кужо рафте? Иби,

сабил эчкини қайга олиб кетобсиз. Э, тушиндим, тушиндим, случкагаме? Бо сизга як маслаҳат. Марзия опойнинг серкасига свидания қилдирманг. Хонанг пажар булгур шерга ухшаб звер булиб кетган. Ледининг куни сарига тушмасин ахи.

Жавлонбекнинг энсаси қотди. Эшакдан ҳам тушмай, сендақа маслаҳатгуйдан ургилдиме,дедию эшагига хала берди.

—Қаёққа? Ҳеч булмасам эшокингизнинг туёғини мойлаб қуяй. Импорний мойлардан бор.

Эшак йуртиб кетди. Эчки ҳам худди онасига эргашган боладек орқада соқолини селкиллатиб борарди.

Ўзинг бир ямоқчи, чуткачи булсанг, энди сенинг маслаҳатингга куним қолдими.

Муллақанд Лединнинг номини тилга олгандаёқ Жавлонбекнинг юраги жиз этиб кетганди. Леди унинг жондан азиз, қадрдон ити эди. Бугун унинг ёруғ дунёдан куз юмганига қирқ кун булди. Жавлонбек қирқ кун чиллада утирди. Бугун чилла гузарон қилиб биринчи маротаба Ледисиз овга кетяпти. Қандоқ ит эди-я. Фақат одамга ухшаб гапиролмасди холос. Аммо нима десанг тушунарди. Зарда қилишни, уялишни,илтимос қилишни биларди. Худойи таоло ит умрини қисқа қилиб яратган. Ледидан бирон насл олиб қолиш керак. Шу ниятда Жавлонбек уни Абди чупоннинг бурибосарига оборди. Бурибосар эътибор берсин деб, буйнига мусобақаларда олган медалларини осди. Икки қулоғининг тагига хотинининг француз атридан пича суртиб қуйди. Чулда бурилар билан олишиб юрган ит атирни билармиди. Ит дум ҳидлайди.

Бурибосарнинг калласи "Запорожец" машинасидек келади, десам ишонаверинг. У ит эмас, самосвалнинг узгинаси. Леди унинг олдида самокатдай булиб қолди. Бурибосар бунақа ишларни кураверпб пишиб кетган экан, Ледининг уёқ-буёғини ҳидлаб утирмай, гарданидан шартта тишладию пичан ғарамининг орқасига олиб утиб кетди.

Анча пайтгача медалларнинг жиринглагани эшитилиб турди.

Ўша куни Жавлонбек Абди чупонга тун кийдириб, бир учига 25 сумлик тугилган қийқчани берди. Абди чупон, энди қуда булиб қолдик, юз куришиб турайлик, деб хайрлашди.

Эртасигаёқ Ледининг мазаси қочди. Уни мол духтирига курсатган эди, духтир бошини сарак-сарак

қилиб, бу итингиз энди одам булмайди, бир-икки кунлик умри қопти, деди.

Духтирнинг айтгани булди. Уч кун деганда Ледининг жони узилди. Жавлонбек куз-ёшларини дарс қилиб ушбу ғазални битди.

Ледиганим қайдасан, утди баҳори сенсиз,
Пишиб тукилди бул кун маккажухори сенсиз.
Йулбарсдек қоматингни ҳеч итда курмагандим,
Жавлон юрар паришон очу наҳори сенсиз.

Жавлонбек қирқ кунлик жудоликдан кейин бугун кетяпти. Ҳафизахон парранда гуштини емасди. Курса аллергияси қузғаб ҳаммаёғига қизилча тошиб кетарди. Шунинг учун ҳам Жавлон бури отиб хуморини босиб юрарди.

Хуш, у-ку овга кетяпти. Овда эчкига бало борми? Жавлонбек бир иш қилса билиб қиладиганлардан эди. Яхши эчки овда иккита итнинг ишини қилишини бошқа овчилар билишмасди. У ҳар гал овга чиққанда, албатта, бури уриб совхоздан мукофотга аллақанча қуй ундириб келади. Бошқа овчилар бу сир-синоатнинг тагига етолмасдилар.

Жавлонбек туқайни мулжалга олиб бораверди. Орқада эчки соқолини селкиллатиб келяпти. Жонвор нима бало еган экан, йул-йулакай қумалоқ ташлагани ташлаган. Қумалоқ ташлаши айни муддао эди.

Қайсидир овчидан қолган ҳамиш капага етганда Жавлонбек эшакдан тушиб, эчкини уттиз метрча наридаги ёввойи жийдага бойлади. Эшакни ҳеч нарсага бойламади. Эшак шунақа ҳайвон, турган жойида эшакка ухшаб тураверади.

Атроф жимжит. Яқин. уртадаги кулга тушган ёввойи урдакларнинг ғақ-ғуқи эшитилиб турибди. Жавлонбек эшакка хашак ташлади.Эчкининг олдига алюмин тоғорада ем қуйди. Узи термосдан чой қуйиб олисларга тикилганча уй суриб кетди. Унинг уйи нима буларди. Ледини уйлайди-да. У бу жойларга Леди билан куп келган, куп ғаройиб овлар қилишган эди.

Эчки безовталана бошлади. Арқонни узмоқчи булиб орқасига тисарилди. Жавлонбек ҳушёр тортди. Атрофга разм солди. Боя улар келган томондан қумалок ҳидлаб бир бури келяпти...

Бошқа овчилар худди мана шу тадбирни билиш-

масди. Бўри эчки қумалоғини ҳидлаб-ҳидлаб келаверади. Пистирмада овчи борлигини ўйламайди.

Жавлонбекнинг мўлжали тўғри чиқди. Бўри келяпти. Ердан бош кўтармай ҳар битта қумалоқни битталаб ҳидлаб келяпти. Жавлонбек ўзини панага олди. Милтиқни шайлаб, тайёр бўлиб турипти. Эшак эшак-да. Парвойи палак. Аммо эчки безовта. Осмонга сакрайди. Арқонни узаман, деб талпинади. Бўри тўхтади. Атрофга бир-бир кўз ташлади. Ана, у эчкига яқин келиб қолди. Беш метр қолди. Икки метр қолди. У ҳозир бир ҳамла билан эчкининг кекиртагидан олади...

Жавлонбек варанглатиб ўқ узди. Бўри бир метр баландга сакраб ерга шалоп этиб тушди. Жавлонбек яна тепки босди. Бўри тўнкарилиб қолди. Икки оёғини тинимсиз силкитиб, чамаси уч минутча жон беролмай охири тинчиб қолди. Жавлонбек кападан чиқмади. Бўри ёлғиз юрмаслигини билади. Мабодо у ёлғиз бўлганда ҳам бошқа бўри қон исини туйиб шу томонга келади. Чўл шамоли қон ҳидини атрофга олиб кетади. Бир эмас икки, учта бўри келиши ҳам мумкин. Унинг айтгани чиқди. Бир қўнғир бўри шу томонга ўқдек отилиб кела бошлади. Эчкини, еган бўрини кўради. Кўпни кўрган, кўп қопқонлардан қочган, тажрибали бўрига ўхшайди. Атрофга алангла6 бир дам ўтирди. Аммо димоғини қитиқлаётган қон ҳиди унинг иродасидан ғолиб келди. Эчки томон дадил кела бошлади. Ана, тўрт метр қолди. Уч метр қолди. Жавлонбек ўқ узди. Ўқ калласига тегдимикан, ҳар ҳолда бўри ёнбошига йиқилганча қимирламай қолди. Бош кўтармади ҳам, оёқ силкитмади ҳам... Жавлонбек милтиққа ўқ солиб ўтираверди. Кападан чиқмади. Эшакка бари бир. Нималар бўлаётгани билан иши йўқ. Эшаклигини қилиб хашак кавшаяпти...

Кўкраги оқ, ўзи қоп-қора бўри аллақайдан пайдо бўлди. Жавлонбек то милтиғини қўлга олгунча бўрилар тепасига келди. Гўё қайси бирини аввал есамикин, деб ўйлаётганга ўхшарди. Ўлигидан тириги маъқул, деб ўйлади шекилли эчки ёнига келди. Шунда Жавлонбек яна ўқ узди. Ба фармони худо, ўқ еган бўрининг бунақа сакрашини Жавлонбек умрида биринчи кўриши эди. У ўқ тегиши билан одам бўйи сакрадию ҳавода муаллақ туриб қолди. На юқорига учиб чиқиб кетади, на ерга тушади. Худди лентаси узилган мультфильмнинг ўзгинаси. Жавлонбек энди бас, учтасини урдим, ов деган ҳадеб, барор келавермайди, буёғига ўзим бўрига ем бўлиб

кетмай деб, ташқарига чиқди. Узоқда орқасида тузон бурқситиб қизил "Жигули" келастганини курди. Ким булди, экан бу?

"Жигули" унинг ёнгинасига келиб тухтади. Ундан кукрагига "Меҳнат ветерани" медали таққан бир йигит тушди.

—Нима қилиб қуйдингиз? —деди у алам билан.

—Нимани нима қипман? —деди Жавлонбек.

—Бу итни болалигида Доғистондан уч минг сулкавойга сотиб олганман.

Жавлонбек хайрон булиб жонсиз ётган учта бурининг тепасига келди. Уларнинг биттаси, кукраги оқ, бошқаёғи қопқора овчарка ит эканини билди. Ичида, овчи булмай ул, қора бури булмаслигини билмасмидинг, деган булди.

—Пулини тулайсиз. —деди ветеран. —Ҳозир бозор иқтисоди.Бир ҳафта олдин ун турт мингга бермагандим.

Жавлонбек бу йигитни қаердадир кургандек эди. Эслади. Автобус ҳайдайдиган Абдулазиз отасига йил оши берганда шу йигит билан бир лагандан ош еган эди. Ўшанда таниш-билишлари уни Хужақул деганмиди, Жумақул деганмиди... Итни Доғистондан олиб келганман деганидан у бу чуллардан арзон-гаровга қоракул сотиб олиб, Кавказда пуллайдиган учарлардан булса керак, деб ўйлади.

—Бупти, тўлайман, —деди Жавлонбек. —Аввал машинанинг юкхонасини очасан.

—Э, қизиқ одам экансиз-ку, итимни отиб қуйиб узимга дуқ урасиз-а. Нима ҳаққингиз бор, инспектормисиз, ё таможнийда ишлайсизми?

—Очмайсанми, очмайсанми? Энди узингдан кур!

Жавлонбек милтиқ оғзини Хужақулнинг киндигига туғрилаб бармоғини тепкига...

...Шу пайт машина ичидан "вой" деган товуш эшитилди. Жавлонбек шошиб уша томонга қаради. Шунда Хужақул ажиб бир чаққонлик билан унинг қулидаги милтиқни тепиб юборди. Жавлонбекнинг бармоғи беҳос тепкини босиб юборган эди милтиқ ерга тушмаёқ варанглаб отилиб кетди. "Жигули"нинг орқа эшиги очилиб уқ еган каптардек потирлаб бир аёл чиқдию қамишлар орасига узини урди. Жавлонбек уни таниди. У девор-дармиён қушниси Раббим чукчининг келини Сумбулхон эди. Жавлонбек нима буластганига ақли етмай анграйиб тураркан эшаги уқ овозидан қўрқибми,

йиғлаётгандек уксиб-уксиб хангрaй бошлади. Жавлонбек бу харом улгурнинг бунақа одати йуқ эдику, деб угрилиб қараса эшагининг думи йуқ. Ўқ учириб кетибди. Дум урнидан чак-чак қон томаяпти. Думи қаёққа кетди, деб атрофга аланглади. Ёввойи жийда шохига илиниб қолган дум калтакесакнинг чурт узилиб кетган думига ухшаб ликиллаб турибди. Эшак ҳамон хониш қилади. Жавлонбекнинг унга раҳми келди. Ёнидан даструмолини олиб эшакнинг думидан қолган икки энликкина тумтоқ жойини яхшилаб тангиб қуйди. У шу иш билан андармон булиб Хўжақулнинг жуфтакни ростлаб қолганини билмай қолибди. У гаранг эди. Жони жиндек ором олган эшак сал-пал тинчиб нафасини ичига ютаётгандек ора-сира ғингшиб қуярди.

Жавлонбек қараса милтиқ йуқ. Ярамас Хўжақул милтигини олиб кетибди. Ким билади, орқамдан отиб қуймасин, деб уйлаганми? Ё бошқа нияти бормиди, Жавлонбек буни билмасди. У жийда шохида хали ҳам жони узилмай ликиллаб турган думни олиб қаради.

Одамзот қизиқ булади-да. Думни олиб нима қилади? Ё духтирга обориб улатиб оладими. Жавлонбек бор-е, деб думни улоқтирди.

Жавлонбек буриларнинг тепасига келса, биттаси йуқ. Оббо аблаҳ-е, биттасини обкстибдику, дея минғиллади. Ё шошганидан итнинг улиги деб янглишиб обкетдимикин?

У қолган биттасини эшакка унгариб совхоз идораси томон кетди.

Директор йуқ экан. Бурининг улигини бош бухгалтер хонасига опкириб гупиллатиб полга ташлади.

—Мана, совхоз қуйларига қирон солган аблаҳ. Куриб қуйинглар!

Дора Моисеевна деган ҳомиладор хисобчи хотин бурини курдию кузлари олайиб диванга ёнбоши билан йиқилди. Икки киши уни суяб ташқарига обчиқиб кетишди.

—[illegible] эси йуқ, —деди бухгалтер. -Шу улгирни остонага ташлаб кирсанг ишонмасмидим.Ё ташқарида қолса тирилиб кетармиди. Моисеевна бола ташлаб қуйса нақ эридан балога қолардинг. Опчиқиб кет, бу улаксани.

—Қуй ёзиб бермайсизми? —деди Жавлонбек.

—Қуй йуқ. Эчки ёзиб бераман.

Жавлонбек деворга ёпиштириб қуйилган эълонга



Ёзувчи Саид Аҳмад, олим Бурибой Аҳмедов, ношир Асрор Самад — "Ҳусн танлови" ғолиблари

Саид Аҳмад Ғани Аъзамовга ҳажи донини сепяптилар.



Эркин Воҳидов билан Ўткир Ҳошимов Саид Аҳмад аканинг ичидан "кулги кавлаб" олишяпти.

Устоз Туроб Тўла бўйлари пастак, ўзлари кичкинагина одам бўлсалар-да, арбобларга хос сиполик ва салобатни сақлашга интилар эдилар. Аммо Саид Аҳмад ака билан Ғанижон Тошматовлар ҳузурида негадир оғизларининг таноби қочар эди...

Ўткир Ҳошимов доимо Саид Аҳмад ака билан бирга юрмаганда "Шумлик" китоби яратилмасмиди...

Етмиш йилда топган давлатимиз шу бўлди.

Кулги ҳам тўлғоқ азобидан кейин туғилади

ишора қилди. Унга "Кимда-ким бури овлаб келса битталан учтағача қуй мукофот олади" деб ёзилган эди.

—Бунда эчки дейилмаган, қуй дейилган. Мен сиздан учта қуй сураётганим йуқ. Битта булса ҳам етади.

Бош бухгалтер бу закон биладиган овчига бас келолмаслигини билиб тунғиллаб-тунғиллаб ферма мудирига хат ёзиб берди.

—Ол буни. Шу хат билан бурининг улигини фермага топшир, қуй беради.

Жавлонбек бурини кутармай думидан судраб ташқарига олиб чиқди. Бир қозоқ келинчак ҳали узига келмаган Дора Моисеевнага қайноқ чой ичиряпти.

—Иш, истиқ-истиқ шай иш. Казир миқтидайин буласан, айналайин.

Дора кузини очди. Очдию бурини куриб яна ҳушидан кетди. У беҳуш ётардию жағи қимирларди. Шу ётишида ҳам жевачка чайнарди.

Жавлонбек э, нозик булмай ул, қичиқ қилишини қаранглара, деди қул силтаб ферма томон кетаркан.

Жавлонбек ферма мудирининг хай-хайлашига қарамай бир қора қучқорни танлаб шохидан судраб чиқди.

У район марказига ғолибона-тантанавор бир қиёфада кириб келди. У гуё ё ҳаёт, ё мамот жангида ёвни яксон қилган қаҳрамон кайфиятида эди. Ўтган ҳам, кетган ҳам эшакка унгарилган қора қучқорға қарар, э, қойилс Жавлон мерган, деяётганга ухшарди. У узимни бир курсатиб қуяй, деб атай Муллақанднинг дукони олдидан утди. Бунақа ишлар менга писанд эмас, қанча бури булса менга қуйиб беринглар, шартта-шартта отиб ташлайвераман. Бундан буёқ совхознинг қуйлари меники, дегандек мағрур эди.

—Поздравляю с бараном ака Жавлун,— деди ҳайратда қолган Муллақанд. —Э маладес. Иби, бо бу эшок баччанинг думига нима булли?

—Эшакнинг қулини ҳалолладим.Раббим чукчи суннат қилиб қуйди.

—Ундоқ чикин булса бу сабилнинг думи қайга?

—Думи хуржинга,— деди Жавлонбек унга ҳамоҳанг лаҳжада.

Эшак бечора икки энлик қолган чултоқ думини одати буйинча ликиллатавергандан тангиб қуйилган даструмол ечилиб бир чеккасигина қотиб қолган қонга ёпишиб турар, шамолда қип-қизил булиб ҳилпирарди.

Муллақанд қаҳ-қаҳ уриб кулди.

—Э, ака Жавлун, бу эшокни ҳайдаб юборинг. Бу эшок Сталин давридан қолган эски тузумнинг эшоки. Курмайсизми, қизил байрогини орқасига кутариб келопти.

Жавлонбек шу билан пачакилашиб утираманми, деб эшагини йуртиб кетди. Куча бошидаги дорихонадан Раббим чукчи женшень деган дори олиб чиқаётганди.

Раббим чукчи бу атрофларда қули гул суннат устаси эди. Ўн мингдан ортиқ бола унинг қўлидан утган, десак хато булмас. У суннат қилган гудакларнинг олди элликка кириб, невара-чеваралик булиб кетишди. Унинг дилини бир армон уртарди. Худо менга ҳам бир невара берсаю, юртга ош бериб ўзим суннат қилсам, деб тонг-саҳарларда нола қиларди. Аммо унинг илтижолари шамолга учгандек самара бермасди.

Нариги қишлоқда донг таратган, замонасининг етук сартарошларидан уста Пулат дегувчи киши буларди. (Аллоҳ уни раҳмат қилган булсин). У ҳам ана шундай армон билан оламдан кетганди. Унга соч олдирамиз деб узоқ-узоқлардан биров эшакда, биров туяда яна биров отда келарди. Серфарзанд кишилар болаларини аравага утқазиб олиб келишарди. Шу уста Пулат қирқ ёшга кирганда қучқордек угил курганди. Уста бир йил кутди, икки йил кутди, қирқ йил кутди, боланинг бошидан соч тугул тук ҳам чиқмади. Боламнинг сочини узим оламан деб ният қилган уста Пулат ниятига етолмай оламдан утиб кетди.

Уста Раббим жуда содда, соддалиги етмагандек лақмагина одам эди. Ким нима деса, ишонаверарди.

Кейинги пайтларда Чукоткалиларнинг соддалиги тугрисида юзлаб латифалар пайдо булган. Қишлоқдаги гап-гаштакларда уша латифаларни айтиб, мириқиб кулишарди.

Уста Раббимнинг соддалиги учун Раббим чукчи дейишарди. Бу лақаб унинг соддалигига мос тушишидан ташқари касбига ҳам бир ишора эди.

Раббим чукчи, э, худо, уста Пулатнинг кунини бошимга солма, деб илтижо қиларди. Унинг илтижолари ижобат булмасди. Ўзинг учун ул етим. Худойи таоло "Сендан ҳаракат, мендан баракат" деган. Ҳаракатимни қилиб қолай, деб одамларнинг маслаҳати билан номи дори бўлса, боласига ичираверди. Машина мойидан тортиб куршапалакнинг ёгигача ялатди. Ўргимчак туридан хап дори ясатиб, юттирди. Туққиз угил курган хотиннинг остонасидан бир хокандоз тупроқ опкелиб боласининг

танасига суртди. Нафи булмади. Бухородаги Олот туз конида чумилтирди. Андижоннинг Сегаза қумига őориб, буғзигача кумди. Табибларга курсатди. Духтирларга боқтирди. Фолбинга фол очтирди. Домлага уқитди. Экстрасенсларга қаратди. Ҳатто мол духтирига ҳам курсатди...

Шу топда у Жавлонбекка дуч келдию Хизирга йулиққандек кузлари яшнаб кетди. Эшакка унгарилган қора қучқордан кузини узолмай туриб қолди.

—Оҳ, оҳ, қора қучқор экан-ку, —деди Раббим чукчи. —Худди шунақасини қидириб юрган эдим. Турт чоршанбадан бери қуй бозорига қучқор келмайди. Жон укам, шуни менга сотинг, қанча десангиз берай. Ўзингиз биласиз, ёлғиз уғлим нимжон булиб қолган. Уйлантирганимга туққиз йил булди, фарзанд йуқ. Табиблар, қора қучқорнинг нозик жойини чала пишириб едиринг, фойда қилади, дейишяпти. Келиним, онамникига кетаман деб ҳархаша қилгани-қилган. Шуларнинг тотув яшаб кетишига сабабчи булинг, қучқорни менга сотинг. Ўғил туғса отини Жавлонбек қуяй, хуп денг.

Жавлонбекнинг унга раҳми келди. Аммо боя келинининг туқайга қочгани эсига тушиб, йуқ, булмайди деб эшагига хала чуп босди.

Уйига келса хотини Ҳафизахон кир ювиб, синкага солинган куйлак-иштонларни дорга сяётган экан.

—Хужақул деган бир ошнангиз милтиғингизни ташлаб кетди... —У "милтиғингизни" дегандаёқ Жавлонбек тамом булганди. Оббо худо урди, булган воқеани хотинимга айтиб кетган, деб уйлади. —...Туртта урдак билан беш-олтита балиқ бериб юборган экансиз, ошхонада ётибди. Ўзингиз тозалаб, узингиз пиширинг. Курсам алергиям тутади.

Жавлонбек хайрият-е, деб узини унглаб олди. Ҳеч нарса демапти. Нима ҳам дерди у ярамас. Ўзининг тили қисиқ булиб турипти-ку. Мен ундан эмас, у мендан қурқсин.

—Ов зур булди, хотин. Сен емайсан, деб йигирмата урдак билан бир қоп балиқни йулда одамларга тарқатдим.

—Айтганча, эсимдан чиқай дебди, —деди Ҳафизахон. —Жавлон акам билан ерсизлар, деб Раббим чукчининг келини Сумбулхон иккита иссиқ жиззали нон чиқазибди. Дастурхонга урэб қуйганман, еб олинг.

Жавлонбек уйга кирди. Хонани димоқни қитиқлайдиган иссиқ жиззали нон ҳиди тутиб кетганди. Жавлонбек

зўр иштаҳа билан дастурхонни очди. Сўлқиллаб турган нонга қўл узатди. Зум ўтмай қўлини қайтарди. Негадир сапчиб ўрнидан турди-ю, орқасига икки қадам чекинди. Деразадан хотинини чақирди.

—Ҳафиз, ҳо, Ҳафиз!

—Ҳа, нима гап?— дея ичкарига кирди Ҳафизахон.

—Манаву нонларни ҳозироқ эгасига қайтариб бер.

—Вой, нега? Сумбулхон атайин чиқазган-а.

—Э, ўша Сумбулхонингни... Опчиқиб бер. Мен ҳаром қўл теккан таомни емайман. Мендан сенга насиҳат, сен ҳам ема!

У шундай деб кўчага чиқиб кетди. Анчагина юргандан кейин орқасида шип-шип этган енгил оёқ товушини эшитгандек бўлди. Ўгирилиб қаради. Кўзлари ёшга тўлган Сумбулхон унга эргашиб келаётганини кўрди.

—Бек ака,—деди у синиқ товушда.— Қандоқ қилай, турмушим турмуш эмас. Умрим ўтиб кетяпти. Авжи ўйнаб-куладиган пайтимда муздек ёстиқни бағримга босиб ётибман. Кетай десам, қайнотам уламан саттор, жавобингни бермаймиз, дейди. Эрим бўлса унақа... Айтинг, нима қилай?

Жавлонбек жавоб қилмади. Нарироқ бориб орқасига яна ўгирилди. Сумбулхон тут тагида мунғайиб турарди. Жавлонбекнинг унга раҳми келди.Орқасига қайтиб уни юпатгиси, йўл-йўриқ кўрсатгиси келди.

—Бечора, —деди у. —Сенга ҳам қийин.

У то Муллақанднинг дўконига етгунча ўзидан-ўзи, қийин, қийин, жуда қийин, деб жавраб борарди...

II

—Бўлди, бўлди-е! —деди Ҳафизахон кўрпани елкасига тортиб. —Битта гапни ҳадеб қайтаравերасизми? Дадангизнинг ғорга кирганларини бир эмас, олти марта айтдингиз. Ҳар гал ҳар хил айтасиз. Бўлди-да, ов ҳам ўлсин...

—Ҳа, малол келдими? Ёқмаса, эшитма, —деди ранжиб Жавлонбек.

—Эшитмаганга қўясизми? Дадангиз ғорга ким билан киргани ҳам минг хил бўлиб кетди. Ёлғон гапни эслаган гапиради. Аввал яхшилаб ўйлаб, кейин ёлғон гапиринг-да.!

—Хўш, нимаси ёлғон экан?

—Қурққан олдин мушт кутарар булмай улсин. Айт, дедингиз, айтганим булсин. Биринчи марта айтганингизда, дадам бир татар уртоқлари билан борганлар, унга "айда охотага борабиз", деганлар. Кейинги айтганингизда бир тожик уртоқларига "Рафиқжон, ба шикор рафтем" деганлар, ундан кейингисида бир туркман уртоқларига, "ова гиттик, сенда боржақ, деганлар, ундан кейингисида урис уртоқларига "на охоту, пойдем", деганлар, ундан кейингисида грузин уртоқларига, "геноцивала, геноцивала" деганлар, ана энди қиргиз уртоқлари билан борганлар, деяпсиз. Қайси бири тугри?

Жавлонбек хотинидан бунақа гап кутмаган эди. Чаккасини қашлаб илжайди.

—Оббо хотин-е, ҳаммасини каллангга жойлаб юрган экансан-да! Дадам раҳматли айтган гаплари жудаям эсимда туравермайди. Уртоқларини адаштириб юборган булсам бордир. Биласан-ку, скелерозман. Баъзида сенинг отинг ҳам эсимдан чиқиб қолади.

Жавлонбек зур баҳона топганидан мамнун илжайди.

—Скелерозмисиз? Хотирангиз бушашиб кетибдими? Ундай булса, эсингиздан чиқмай туриб, кечаги олган икки минг сумни чузиб қуйинг.

—Қачон сендан пул олибман? Унақа туҳмат қилма, хотин.

—Кеча соат иккидан ун беш минут утганда, тушлик қилиб утирганимизда олгандингиз-ку.

—Эсинг жойидами? Кеча соат иккида аканг билан тахта искалатида эдик. Тушлик булиб қолиб уша ердаги исталовойда лагмон едик. Лагмон яхши экан, аканг бир порси олиб машинада кеннойингга олиб борди. Мен косага гаров булиб исталовойда қимирламай утирдим. Ишонмасанг, кеннойингдан сура, акангдан сура. Исталовой бош ошпазидан сура! Гаров булиб утирганимда радиода Насим Ҳошим ашула айтаётган эди. Икки марта момақалдироқ булиб чақмоқ чақди. Радио бумба портлагандек варанглаб кетди. Иккидан қирқ етти минут утганда лагмонхона тугрисидаги дуконга бир машина арақ тушди. Ҳамма ёпирилди. Дукончи, бугун сотилмайди, деб одамларни тарқатиб юборди. Бештакам иккида аканг косани олиб келиб мени гаровликдан қутқарди...

Ҳафизахон қах-қах уриб кулди.

—Э, омон булинг, скелероз одам шунақа буладими? Булган ишни минут-минутигача биласиз. Дадангиз раҳматли ҳам худди узингизга ухшаган эканлар. Ёлгонни

қийиб қуярканлар. Қайнонам раҳматли, қайнотангизнинг гапларига купам ишонаверманг, ёлғонни гувала қилиб думалатиб қуядилар, деб айтган эдилар. Нега ёлғон гапирасиз, деб сураганларида, мажбурман, ёлғон гапирмасам, овчилар союзидан учиришади, деган эканлар.

—Шунақа дейсан-у, хотин, дадам зур овчи булганлар, агар раҳматли Ҳиндистонда яшаганларида, кунига улдим деганда туртта шер, иккита фил отишлари ҳеч гап эмасди. Точний урардилар. Бир грузин майор военкоматимизга бошлиқ булганди. Узинг биласан, грузинлар кийик шохида вино ичишади. Дадамга, агар кийик отиб шохини келтириб берсанг, сенга "участник войни", деб испарапка ёзиб бераман, деган. Дадам қуш тиғини елкага илиб тоққа равона булдилар. Қарасалар, бир кийик баланд тошда иккита боласи билан пастга қараб турганмиш. Дадам агар отсам, икки нораста боласининг уволига қоламан, дебдилар-у, милтиқдан сочма уқни олиб, урнига простой уқ жойлабдилар. Мулжаллаб туриб тепкини босган эканлар, ба фармони худо, уқ кийикнинг калласидан бир миллиметр юқорига тегиб шохини чурт учириб юборибди. Кийик нима гаплигини билолмай енгил булиб қолган бошини ликиллатиб курармиш. Кийик шохлари тошдан-тошга урилиб шундоққина дадамнинг оёқлари олдига тушибди. Военком номардлик қилиб испарапка бермабди, "камаржоба, камаржоба", деб қуя қопти.

—Х...н, дадангиз яна нима қиптилар?—деди Хафизахон атайин уни калака қилиб.

—Э, куп антиқа овлар қилганлар. Қайси бирини айтай? Шу десанг, дадамни Сталин ҳам ниҳоятда ҳурмат қилган. Усмон Юсупов ҳар Москвага борганда Сталин ундан, овчи ошнам Толиб Йулдошевич яхши юрибдими, уғли Жавлонбек ҳам катта йигит булиб қолгандир, мендан салом айтиб қуй, деб тайинлар экан.

—Мюнхаузен салом айтмаганми?—деди Ҳафизахон узини гулликка солиб.

—Салом айтган. Албатта салом айтган булиши керак. Айтганча, у ким узи?

—Дадангизнинг қадрдон ҳамкасб ошналари, —деди Ҳафизахон лақиллатаётганини сездирмай жиддийлик билан.

—Энди эсимга тушди. Телеграмма келган, олтмишга кирганларида.

—Ҳафизахон пиқирлаб кулиб юборди.

—Нега куласан?

—Чап қулоғингиз унгига қараганда анчагина кичик экан.

—Энди билдингми? —деди Жавлонбек тунғиллаб.

—Ҳеч эътибор бермаган эканман.

—Нима деяётган эдим, —деди Жавлонбек калаванинг учини йуқотиб.

—Сталин салом айтган, деяётган эдингиз,—деб гапни юриштирди Ҳафизахон.

—Шу десанг, хотин, политбюро аъзоларидан Тошкентга кимки келса Чимёнгами, Оҳангаронгами овга олиб чиқишарди. Биронта ов дадамсиз утмасди.Хрушчев Тошкентга келганда дадам уни Мирзачулга, тулки овига олиб борган. Хрушчев йулда "Тулкини қопқонда овлаш керак, отса, териси тешилиб сифати бузилади, афсус, қопқонинг йуқ экан", дейди. Шунда дадамиз, хотиржам бул, Никита, терисини бузмай уқ узиш қанақа булишни сенга курсатаман, дейдилар.

Улар Крупская колхозига келишганда тепаликдаги туйнукдан ниҳоятда чиройли бир тулки чиқиб атрофни кузата бошлайди. Хавф-хатар йуқлигини билгандан кейин тош устига ётиб узини офтобда тоблайди. Хрушчев от, отмайсанми, деб қисталанг қилади. Дадам уни жеркиб ташлайдилар. "Жим турасанми-йуқми? Никита, сабр қилсанг-чи, бунча бесабрсан, уқ тешмаган сифатли тери керак булса, пича кутиб тургин-да", дейдилар.

Тулки урнидан туриб керишади.

Тилло ранг муйнаси офтобда ялт-ялт қилиб кузни олади. Кейин у думини гоҳ кутариб, гоҳ тушириб раққосаларга ухшаб айланиб-айланиб уйнай бошлайди. Дадам мулжалга олиб туриб, тулки думини кутарганда тепкини босадилар...

Дадам туйнук олдида ётган тулкини гижгагидан кутариб уёқ-буёғига ҳам қарамай Хрушчевга узатадилар.

—Мана, терисининг бирон жойини уқ ялаган булса, мени дустларинг руйхатидан учириб қуявер.

Дарҳақиқат тери бутун эди, Хрушчев дадамни бағрига босиб "Слушай, ти герой", дейди.

Дадам раҳматли ана герой буламан, мана герой буламан, деб икки йил райониниг ёнидан кетмадилар. Хрушчев ишдан тушгандан кейин ҳафсалалари пир булиб геройликдан умид уздилар. Яна овчиликка шунгиб кетдилар. Бир куни Муллақанднинг дадаси билан овга чиқиб...

Жавлонбекнинг дами ичига тушиб кетди.

Нимагаям шу гапни айтдим. Айтай десам, Муллақанднинг дадасидан бошқа одам қуриб кетганмиди-я! Э, каллам қурсин".

—Абрам тоғани айтяпсизми? —деди Ҳафизахон ҳайрон бўлиб. —У киши ҳам овчимидилар? Ахир, товуқни ҳам бировга сўйдирадиган одам қандоқ ов қилади?

"Қўлга тушдим", деб яна ўйлади Жавлонбек. Бу хотинни алдаш қийин. Шошма, хотин, сен шохида юрсанг, мен баргида юраман. Битта хотинни алдаёлмаган эркак, эркакми?

—Шу десанг, хотин, дадамиз жуда шум бўлганларда! Бир чўпон дўстимникига овчилар билан тўйга борамиз, ашула айтиб, беш-тўрт сўм ишлаб оласан, чўпонлар артистларга кўп қистиришади, деб алдаб, овга олиб боришган экан... Энди бўлди, ухлайлик. Вақт ҳам алла-палла бўлиб қолди. Эртага ишларим кўп.

—Йўқ, бугун ухламайсиз. Қаёқдаги гаплар билан уйқумни қочириб, энди ўзингиз ухламоқчимисиз?- деди Ҳафизахон зарда билан.

—Гапимга ишонмасанг, нимани айтай?

—Нима бўлса айтаверинг. Рост бўлса эшитавераман.

—Бўпти. Агар ов тўғрисида бўлса кечаю кундуз сув ичмай гапиравергамим бўлсин.

Жавлонбек бир муддат ўйланиб, гап бошлади.

—Бундан бир ҳафта олдинмидийкин, телестудия олдидаги фонтан орқасидан ўтаётсам оёғим тагидан юзтача бедана пирр этиб кўтарилса бўладими?

—Бўлмайди, —деди Хафизахон. —У ерда шунча бедана нима қилади?

—Элликтача десам ишонасанми?

—Йўқ, ишонмайман. Буёғи метронинг "Пахтакор" станцияси, буёғи панорама киноси, сал нарида политехника университети, одам демаганинг қайнаб турибди. Беданага бало борми?

—Ўнта десам, ишонасанми? Бешта десам-чи? Ишонмайсанми? Ростини айтсам, битта бедана париллаб учди.

—Э, қанақа одамсиз, телестудия олдидаги юзлаб машиналардан томган бензин ҳиди тутиб кетган жойда бедана нима қилади?

—Очиғини айтайми, айтмайми? Айтсам, оёғим тагидан бир нима парр этиб учгандек бўлганди.

—Мусича бўлса керак, —деди Ҳафизахон. —Мусича

жуда бефаҳм қуш булади. Трамвайнинг изига ҳам ин қуриб, тухум босиб, жужа очаверади. Трамвай айланиб утади, деб уйлайдими?

—Хотин, бўлди қил, ухлайман.

—Йуқ, ухламайсиз. Агар айтадиган гапингиз тамом булган булса, энди мен айтаман.

—Нимани айтасан?

—Эшитганингизда биласиз! Менга қаранг. Онангиз раҳматли, қайнотангиз оғизларида овчилар, аслини олганда овчиларнинг милтиғини кутариб юрадиган, ов қилган жойда гулхан ёқиб битта-яримта урдакними, қашқалдоқними пишириб берадиган дастёр эдилар, деб айтардилар. Сиз ҳам худди дадангизларга ўхшаган овчисиз. Нима кўп, мухбир ошнангиз кўп. Нима кўп, ёзувчи ўртоғингиз куп. Битта чумчуқ отсангиз, уч марта газетада чиқаришади.

—Ҳой, оғзингга қараб гапир! Сен билан эртага гаплашаман.

—Йуқ, ҳозир гаплашасиз. Анави бурни катта ёзувчи ошнангиз нима деб ёзди. Бир кунда иккита бури билан ит отди, деб ёзди-я? Бунга қайси аҳмоқ ишонади? У ҳам майли-я, бухоролик ёзувчи дустингиз, бўрининг тирноғи унга даво, бунга даво, деб ёзди. Ким ҳозир бунақа ирим-сиримларга ишонади? Бешариқлик ёзувчи қадрдонингиз Жавлонбек эшакка доялик қилди, деб ёзиб чиқди. Ишхонадаги дугоналарим олдида шармандайи шармисор булдим. Ҳутикчагина соғлом усаяптиларми, деб сурашади. Улмай улгир, Леди-ку юзимизни ерга қаратиб кетди. Уни тўй куни қурбон бўлган келинчак, деб эрмак қилишади. Э, медалиям қурсин, дипломиям ордона қолсин!

Жавлонбекнинг дами ичига тушиб кетди. Курпага бурканиб олди. У қанча ухлаганини билмайди. Кўзини очса, тонг отиб, бошига офтоб келиб қопти. Хотини кўзи юмуқ, мудраганча ҳали ҳам гапирарди.

—Уғлингиз ҳам узларингга ўхшаган чиқди. Жуғрофия уқитувчиси арз қилиб келди. У болаларга, дадам билан икковимиз Сирдарёдан ҳатлаб утганмиз, деб мақтанибди.

—Яна нима депти? —деди Жавлонбек офтобдан кўзи қамашиб.

—Ҳайвонот боғидаги битта фил билан иккита шерни дадам икковимиз тутиб келганмиз, депти.

—Воҳ аҳмоғ-е, жуда оширворибди-ку. Битта шер

демайсанми, дурак. Ёввойи фил-ку майли, тутиш осон. Аммо шер...

Ҳафизахон, боринг-е, деб юзини бурди.

Жавлонбек қараса, ҳали-бери хотинининг жаги тинадиган эмас. Апил-тапил кийиниб, кучага чиқиб кетди. Орқасидан хотини жавраганча қолди.

Муллақанд аллақачон дуконини очиб булган экан. Уни куриб ҳар галгидек сўради.

—С утро кужо рафте ако Жавлун?

—Гапни қўй, чой-пойинг борми?

—Айн момент, ако. Ҳозир қаноқ чой тахлайман. Дунёга нима гап?

—Нима гаплигини сендан сураймиз. Айтганча жиянинг эри билан Америкага кетиб қолибдими? Эри чурт сним. Аммо-лекин узи зур қушиқчи булганди. Оғизга тушиб, радиоларни обод қилаётганди. Халқ артисти булганди-я?! Нима жин урди уни?

—Э, сиз сураманг, мен айтмай, ака Жавлун. Айтсам забоним куяди. Менга касайсаси булмаса ҳам, айтай, Бухородан чиққан булбул энди Америкага сайрайди, ай, жалка.

—Ишқилиб, ўзинг Исройилга кетиб қолмайсанми?- деди Жавлонбек унинг жиғига тегиш учун.

—Кетадиганлар кетаверсин. Мен кетмайман. Шу ерга туғилдим, шу ерга уламан. Ўзбекнинг липошкасини мен еган, қарзимни узай.

Шу пайт осмони фалакдан ёввойи урдакларнинг ғақ-ғуқ товушлари эшитилди.

Жавлонбек тўдасидан ажралган мажруҳ урдакдек кукка маъюс қараб турарди. Муллақанднинг гапи хаёлини булди.

—Сизди газитка ёзиптими? Таможнийнинг итини откан, дептими-е, мелисани тулки ўғриси қилган, дептими-е, моча эшакка акушер булгин дептими-е... Ишқилиб, одамлар оғзи тула гап. Сизга маслаҳат, адвокат олинг. Айтганча, Рузимат мерган итига тилла тиш қуйдирган эмиш... Эшитдингизми?

Бир пайтлар Тошкентнинг иккита машҳур жойи буларди. Бири Чорсу билан Хадра оралигидаги Асқар полвоннинг самовари булса, иккинчиси Каллахона маҳалласига кираверишдаги Тоға чегачининг дукони эди.

Асқар полвоннинг самоварига отарчи-артистлар тупланишиб туй-маърака қиладиганлар билан шу ерда шартнома тузишарди. Тоғанинг дукони эса буёғи Фарғона—

Андижону, уёғи Чимкент, яна буёғи Хужанд аскиячиларининг дийдор куришадиган куп файзли жойи эди.

Бугунги кунга келиб шаҳримизнинг энг гавжум жойларидан бири Муллақанднинг дукони булиб қолди. Муллақанд ун-ун бешта йиғма курси ясаб дуконнинг ичкарисига тахлаб қуйган. Айниқса жума кунлари Тошкентдек шаҳри азимда қанчайики овчи булса, эрта азондан шу ерга тупланади. Муллақанднинг электр плитаси бир дам булсин учмайди. Теппасидаги тунука чойнак вақирлаб қайнагани-қайнаган.

Овчиларнинг жума куни тупланишлари бежиз эмасди. Мусулмончиликда жума куни то пешин намозигача ов қилиш бехосият ҳисобланади. Елкасида милтиқлилар, қармоқ кутарганлар, матраб судраганларнинг бари Муллақанднинг дуконида дунё янгиликларидан гаплашиб жума намозининг тугашини кутишади. Қайси жонивор "Қизил китоб"га кирди, қайси бири чиқди, қайси жониворни отишга рухсат булди, қайси бири тақиқланди, шу ерда билинарди.

Гапнинг очиғини айтсам, овчидек аҳил халқни умримда курмаганман. Ов мавсумида тоби қочиб қолган мерганларга овга борганлари насиба олиб келишни шарт қилиб қуйилган. Ўрдакми, қирговулми, турттагина беданами, балиқми, ишқилиб бир улуш олиб келиб йуқлаб қуйиш шарт. Бу қоидани бузганлар "овжура"ликдан чиқарилади.

Бугун салкам бир ойдирки,Муллақанднинг дукони ҳувиллаб қолган. Ҳар жума дуконга файз киритадиган овчилардан дарак йуқ.

Ораларидан қил ўтмайдиган овчилар уртасидан қора мушук утди. Бир-бирига рақиб, бир-бирига ёв. Бири ов қилган жойга бошқаси бормайди. Бири мулжалга олган қуённи бошқаси ҳуркитади. Ораларида қандайдир кузга куринмайдиган таранглик анчадан бери бор эди. Бу таранглик тортилиб-тортилиб пулат занжирни ҳам узиш даражасига етди. Охири бу занжир Жавлон овчининг юбилейи куни узилди. Ота-боболаридан бошланган аҳиллик бир кундаёқ барбод булди. Занжирнинг бир томони Овчилар уюшмаси булиб, Муллақанднинг дуконида қолди, бир учи мерганлар иттифоқи булиб узига макон қидириб кетди. Уларни бирлаштириш учун кимлар уртага тушмади дейсиз? Тоғдан овчилар тушиб муросаи-мадорага келтирмоқчи булишди. Чулдан мерганлар келиб "бхай-бхай" булинглар дейишди. Булмади. Фақат узини

уйлайдиганлар уюшмасига қушилмаймиз, деб булар айтди. Жанжалкашлар иттифоқига улсак ҳам қушилмаймиз, деб улар айтди.

Хуллас овдан гов чиқиб Ҳасан-Ҳусанлар "пом" булиб кетишди.

Тошкентда Тухли мерган деган бир табаррук отахон булардилар. Уйларида иккита бургутлари, биттадан миққий лочинлари буларди. Ҳовлилари кучага тушиб, "дом"дан уй беришганда туролмай, Оҳангаронда яшайдиган угилларининикига кучиб кетган эдилар. Ёшлари туқсондан ошиб овга ярамай қолган, фақат хонаки бургутлари билан гаплашиб, тогу-тошларда утган шамолдек югурик йиллларини эслаб утирардилар.

Отахон Тошкент овчилари уртасига ола аралашибди, деб "Жигули"нинг орқа уриндигида икки бургутни икки ёнларига олиб, шу баҳонада жума намозини Хасти Имомда уқийман, деб Тошкент қайдасан, деганча йулга тушибдилар.

Бу хабар ҳам одатдагидек биринчи булиб Муллақанднинг қулогига етди. Шунинг учун ҳам бугун ҳаммадан олдин туриб, дукон атрофини ёг тушса ялагудек қилиб тозалаб қуйди.

Жавлонбекнинг бу гаплардан хабари йуқ эди. Хотиржам утириб Муллақанд дамлаб берган чойни хуриллатиб ичарди.

—Эшитдингизми, мулла Жавлун, пир келаётганмишлар.

—Йуг-е, —деди Жавлонбек ҳайрон булиб. —Тинчликми? Қари одам йулда уриниб қолмасмикинлар?

—Сизларнинг ноаҳилликларингиз шундоқ отахонни ҳам беспокойса қилопти. Нимани талашасизлар? Ота-боболарингдан қолган хазинани талашяпсизларми?

Жавлонбек уйланиб қолди. Кунгли бир нарсани сезгандек булди. Отахон буладиганини булади, булмайдиганини булмайди, деб чурт кесиб кетадилар. У кишига гап қайтариб булмайди.

—Маҳмуд муйловга айтайми, палов тахласин,-деди Муллақанд.

—У кишига ош ботмайди. Ҳазми осонроқ овқат қилиш керак.

—Э, омон булинг, ака Жавлун. Ўзингиз мусулмон булсангиз ҳам, таомилни билмайсиз. Ахир руза-ку! Ифторга у-бу тахлаб қуйиш керак.

Жавлонбек хижолатдан кузини қаёққа яширишни билмай- қолди.

Бу хабар мерганлар иттифоқига ҳам етганди. Турт-беш мерган тупланиб, Пир нима десалар, шу булади, деган қарорга келиб қуйишган эди.

Муллақандга, икки томондан ун беш кишидан Маҳмуд муйловнинг ошхонасига тўпланишсин, отахон шу ерга келадилар, деб битилган хат келди.

Ошхонада ўн бештаси у томонга, ун бештаси бу томонга қараб, бир-бирига орқа угириб, отахонни кутарди.

"Жигули" келди. Унда икки бургутни икки ёнларига олиб отахон утирардилар. У киши машинадан тушмадилар. Бир-бирига тескари утирган шогирдларига деразадан қараб битта гап айтдилар.

—Аҳмоқлар!

Ҳеч кимдан садо чиқмади.

—Билиб қуйинглар, дуои бад қилсам, у дунё-бу дунё овларинг унг келмайди. Қани урниларингдан турларинг!

Муйловли, муйловсиз, пакана, новча овчилар гур этиб урниларидан турдилар.

—Бундан буён сен овчи, мен мерган, деган гап йуқ. Икковинг ҳам бирсан. Тамом, Аллоҳу акбар!

Отахон бошқа гап айтмадилар. Шофёр болага, ҳайда, дедилар-у, жўнаб кетдилар...

Ўрта Осиё ва Қозоғистонда, янгича қилиб айтганда, Марказий Осиёда отахоннинг бир гапини икки қиладиган мард топилармикан?

Жавлонбек икки кун утиб аптекадан хотинига пахта олишга чиққан эди, Муллақанднинг дуконида бошқа одам утирганини курди. Ундан Муллақанд қани, деб сураган эди, дустингиз Изроилга жуфтакни ростла/дилар, деб жавоб қилди.

Жавлонбек, вой липошка тешиб чиққур-е, деб кулиб қўйди.

ХАЖВЧИНИНГ ИЗТИРОБЛАРИ

(Суҳбат)

КЕКСАЛАРИ ГЎДАГУ, ГЎДАКЛАРИ КЕКСА ЮРТ

—Домла, таржимаи ҳолингиз билан яхши таниш бўлмаган киши сизни қишлоқда туғилган, деб ўйлайди. Далани, қишлоқ ҳаётию одамларини шундай ишонч ва муҳаббат билан тасвирлайсизки, асарларингизни ўқиган киши муаллифнинг катта шаҳарда туғилган "оқ билак" инсон эканлигини ҳаёлига ҳам келтирмайди. Ё ростдан ҳам, қишлоқда туғилганмисиз?

—Йўқ. Мен Тошкентнинг қоқ марказида Самарқанд дарвоза маҳалласида туғилганман. Адабиётга, рассомликка жуда эрта қизиқдим. Уйимизга Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қодирий, Зиё Саид, Комил Алиевлар тез-тез келиб туришарди. Чунки шоир Элбек ташқари ҳовлимизда яшарди. Унинг исми фамилияси Мирмашриқ Юнусов бўлиб, асли Бўстонлиқдан эди. Дадам у киши билан Чимён тарафларга овга борганда танишиб қолган ва Тошкентда бошпанасиз қийналаётганини билиб, ташқари ҳовлимизга кўчириб келган эди. Шоиру ёзувчиларнинг адабий гурунглари бу ерда ўтарди. Мен уларга чой ташиб, бир четда ўтирганча, суҳбатларига қулоқ солардим.

Элбек ака ҳар гал қишлоғига борганда, менга қурут олиб келарди. Энди менинг "қишлоқи"лигимнинг сабабларини айтай. Болалигимда расм чизишга жуда уста эдим. Ўртоқларим мени "рассом" деб чақиришарди. Ўша йиллари ўзбек алифбоси биринчи бор ўзгарган, араб алфавитидан лотин графикасига ўтиш жараёни кетаётган эди. Колхозлар, идоралар ва турли ташкилотларда пешлавҳалар (вивескалар) ўзгараётган эди. Айниқса, шиор ҳаддан ташқари кўп бўларди. Булардан ташқари, чойхоналарда, клубларда "Ленин бурчаги" деган жой бўлардики, у ерни ҳам безаш лозим эди. Хуллас рассомга иш ошиб-тошган замон. Отда келишиб мени шиор ёздириш учун қишлоққа олиб кетишарди.

—Демак, мактабингиз қишлоққа яқин жойда бўлган экан-да?

—Унчалик яқин бўлмаса ҳам, отда, пиёда бемалол борса бўларди. Ҳозирги Янги ТошМИнинг ўрни колхоз эди. Унга Хайитвой оқсоқол деган гўдактабиат бир киши

раис эди. У мактабимга, уйимга туп-туп қизил алвон ташлаб кетарди. Кечаси билан ухламай шиор ёзиб чиқардим. Кундузи эса мактабимиз деворига алвон тортиб яна ёзардим. Бошқа болалар дарсга кирмай, ҳовлида "маза қилиб" шиор ёзаётган "рассом"га ҳам ҳавас, ҳам алам билан қараб утиришарди.

Шиор, айниқса байрамларда жуда куп ёзиларди. Октябр байрами, 8 Март, 1 Май... . Эҳ-ҳс, мен шиор ёзган алвонларни бир-бирига улаб курпа қавилса, Оролга ёпқич булар-ов!... Баъзан раислар уртасида талаш булиб кетардим. уйимизга аравада картошка, сабзи-пиёз ҳам олиб келишарди.

—Демак, пул ҳам беришар эканда?

—Дадам пул олмайсан, деб тайинлаганди. Сабзи-пиёз менинг "иш ҳақим" эди.

—Расмлар ҳам чизармидингиз?

—Ҳа-да. Ўша пайтда халқнинг ташқи сиёсатдан билгани Англия Бош министри Чемберленнинг, Хитой Бош министри Чан Кай Шикинг, Италия Бош министри Муссолинининг номи эди. Улар Шуро ҳукуматига нима ёмонлик қилган, айби нимада билишмасди. Мажлисларда гап маккажухори экиш тугрисидами, қисир қолган сигирларни сотиш тугрисидами, кимни "Қизил тахта"га, кимни "Қора тахта"га ёзиш тугрисидами, нотиқ, барибир, сузини Чемберленни сукиб тугатиши керак эди. атто мана бундай қушиқ ҳам чиққан:

Чемберлен, Муссолини, Билмас унгу сулини. Хуп яхшилаб тузиблар, Фашистлар усулини.

Бу қўшиқни парадларда купчилик булиб айтардик.

Колхозларга борганимда деворларга ҳам Чемберленнинг суратини чиздиришарди. Юзлаб одамлар келиб бу суратни томоша қиларди. атто айитвой оқсоқол колхоз идораси деворига узининг Чемберленни кетмон кутарганча қувлаб кетаётган суратини ҳам ишлатган эди.

Хуллас, мендаги далага, қишлоққа булган меҳр ўша пайтларда туғилган булса ажаб эмас.Гудакфеъл Хайитвой оқсоқолни эса ҳалигача меҳр билан эслайман.

"ҚИЗЛАРНИ ЁМОН КЎРАРДИК"

Адабиётга, санъатга берилган успирин кунглига муҳаббат эртароқ келади, дейишади. Сиз ҳам бундан мустасно булмагансиз, чоги?

Аксинча. Қизларни жуда ёмон курардим. Уларни қийқиртириб қувиб юрардим. Ҳатто урардим ҳам. Ниҳоятда шух, тизгинсиз бола булган эканман. Бир қарасанг, артист булгим, бир қарасанг, дарбоз булгим, бир қарасанг, масхарабоз булгим келарди. Қаерда бирон қизиқ одамни курсам, ушанга ухшагим келаверарди. Самарқанд дарвоза маҳалласига дор келганда бир масхарабоз қопдаги шиша синиқларини буйрага тукиб устида ялангоёқ уйин тушган. Мен ҳам унтача шишани синдириб, устига девордан сакраганим, сунг икки-уч ҳафтача қултиқ таёқда юрганим эсимда. Дор уйнаб йиқилиб оёгим синган. Дарахтдан, томдан қулаб беш мартача қулим чиққан. Ҳар гал қулим чиққанида, Лабзакдаги Маҳсум табибга олиб бориб, қулимни тахтакачлаб келишарди.

—Гапларингизга қараганда, утганнинг урогини, кетганнинг кетмонини олиб қочадиган бебош бола булган экансиз. Оилада нечта фарзанд эдингизлар?

—Уч акам, уч опам бор эди. Мен кенжатой эдим.

Дарвоқе, биринчи муҳаббат тугрисида гапираётган эдик.

У пайтларда қизларда ҳам, йигитларда ҳам ибо, шарм-ҳаё баланд эди. Кучада қиз кишининг угил бола билан гаплашиб туриши катта айб саналарди. Оврупонинг беҳаё одатлари ҳали биз томонларга етиб келмаганди. Ўпишиш қаёқда, қултиқлашиб юриш қаёқда, ҳатто қул бериб куришиш ҳам гуноҳ саналарди. Бечора йигитлар яхши курган қизлари утган кучаларнинг ҳавосини ҳидлаб, гингшиб юришарди. Худога минг қатла шукрки, мен вояга етганимда, баъзи қизлар унча-мунча "беҳаё"лашиб, йигитлар билан кинога бориш, қилват богларда сайр қилиш айб булмай қолганди.

Эндигина буйга етиб, қизларга гап ташлайдиган пайтим келганда, уруш бошланиб кетди. Кийим-бошим тузиган, ранг-руйим бир алпозда... Менда қизларнинг кузини уйнатадиган ҳусн ҳам йуқ. Унаҳа нотавонни қизлар бошига урадими. Шу алпозда ёшлигим ҳам утиб кетди. Бирон қизни упмаганман, десам, албатта ишонмайсиз. Ишонмай тугри қиласиз. Насибамга яраша худо

етказганини унган булсам, унгандирман. Эсимда йуқ. Хотирамнинг мазаси қочган, склероз бошланаяпти, шекилли...

—Болалик чоғларингизни эслаганингизда, энтикиб кетадиган бирон воқеани айтиб бера оласизми?

—Болалигим, ёшлигим оғир йилларга тўғри келган. Катталар тортган кўргуликларни биз, болалар ҳам татиб курганмиз. 33-йилда уймизни тортиб олиб, детдом қилишди. Кесак қурғондан бир чолдевор ҳовли топиб кучиб бордик. Бари бир тинч куйишмади. Уйимизни тез-тез тинтув қилишиб, қулларига илинган нарсаларни олиб чиқиб кетавершарди. Ана шундай кунларнинг бирида уймиздаги ёзув столини молия идорасига керак, деб опчиқиб кетмоқчи булишди.

—Кимлар?

—Молиячилар-да. Онам дод солиб, столга ёпишди. Молия агенти уни туртиб юборган эди, онам бечора столга урилдию, хушидан кетди. Кейин билсак, биқини эзилиб кетибди. Икки кундан кейин бир оёғи узилиб кетган қиз туғди. Синглим жуда чиройли қиз эди. Беш ёшга етаретмас оламдан утди. Эсласам, бутун вужудимга титроқ киради.

"ҚАЧОН ҚУРУЛТОЙ БЎЛАР ЭКАН?"

Бир умр йиртиқ-ямоқдан боши чиқмаган чорикорнинг уйида энди дутор, танбур каби кунгилочар асбоблари бор. (Йулдош Охунбобоевнинг грампластинкага ёзилган нутқидан.)

Сиз бир суҳбатда, машҳур Дадахужабойнинг невварасиман, деган эдингиз. Бобонгиз туғрисида нималарни биласиз?

Билганим шуки, бобом инқилобдан олдин Тошкентда иккита рус-тузем мактаби очган, маърифатпарвар киши булган, 20-йиллардаги узбек зиёлиларининг купчилиги шу мактабларда таълим олишган эди. Дадахужабой муаллимларнинг маошини, уқувчиларнинг стипендияларини уз ҳисобидан бериб турган. Мактабнинг барча сарф-харажатларини уз зиммасига олган.

Дадам, амакиларим ҳам шу мактабда таълим олишган эди. Дадам Хусанхўжа рус тилини мукаммал биларди. Ҳатто айрим урислар ҳам хат ёзишса, дадамга

ўқитиб, тузаттириб олишарди. Раҳматли, айниқса, овни яхши курарди.

Яна бир бобом, онамнинг отаси Тахтапул даҳасининг қозиси экан. У кишининг хусусий тошбосмаси бўлган. Бобомнинг номи "Мулла Ғулом Расул" муҳри босилган Жомий, Суфи Оллоёр, Ҳувайдо китобларини курганман. 1913 йилда Қози бувамнинг муҳри билан нашр қилинган Қуръондан бир нусхаси жавонимда сақланади.

Онам Зулфихон Ғуломхон қизи саводхон аёл эдилар. Кечалари Ҳувайдо ғазалларини ўқиб ўтирардиларки, эшитиб йиғлагим келаверарди.

Катта акам Имомхон Ҳусанхўжаев биринчи ўзбек стенографиясини ижод қилган. Мактаб очиб, ўзбеклардан стенографлар тайёрлаган. Аҳмад Шораҳмедов, кейинчалик халқ артисти булиб етишган Назира Алиева ва ўртанча акам Зуҳуржон Ҳусанхужаев шу мактабда таълим олишган. Улар йигирманчи-уттизинчи йилларда бўлиб ўтган жами қурултойларда, пленумларда Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Йулдош Охунбобоевнинг докладларини, нутқларини сузма-суз ёзиб олишган. Ўша йилларнинг тарихини ёзиб қолдиришган, десам хато булмайди.

Мен қачон қурултой буларкин, деб сабрсизлик билан кутардим. Чунки акам Қурултойдан конфет, печенье ва сувратли китоблар олиб келарди.

"БАҒРИ БУТУН ЁЗУВЧИМАН"

—Отангиздан Сизга қандай фазилатлар ўтган?

Қизиқувчилик. Отам раҳматли гул "жинниси" экан. ҳовлимизда, боғимизда хилма-хил гуллар буларди. Боғи-мизни шаҳарликлар "Гулбоғ" деб аташарди. Дадам темир-терсакка ҳам уч эди. Овчилик жони-дили эди. Шундан булса керак, чап кузини қисиброқ қарашга одатланиб қолганди. Кейинги пайтларда у серзарда, жаҳлдор, тажанг бўла бошлаган. Дарсдан қочган пайтларимда бир-икки марта калтаклаган ҳам. Ўша кезлари мол-дунёси қўлдан кетган, ўзи қатори зиёлилар бирин-кетин қамалаётган эди. Бир нохушликни кутиб, тажанг булаётгани билиниб турарди. Мени етаклаб кинога, паркларга олиб борганда ҳам бировга қушилмас, салом берганда алик олиб, индамай қайтиб келарди.

Уни 1938 йилнинг эрта баҳорида олиб кетишди. Лабзак кучасигача курпасини кўтариб чиққандим. Юк машинаси орқасидан кунглим вайрон булиб қараб қолганман. Дадам қийноқларга чидолмай, Тошкент турмасида жон берди.

—Невараларингизга қайси фазилатларингиз утишини истайсиз?

Қандай фазилатим борлигини узим билмайман. Аммо меҳмонсиз яшай олмаслигимни биламан. Одамларга яхшилик қилгим келади. Элликка яқин ёш ёзувчига оқ фотиҳа берган, газета, журналлар орқали "оқ йул" тилаган эканман. Китобларига сўзбоши ёзибман. Неъмат Аминов, Ўлмас Умарбеков, Уткир Ҳошимов, Носир Фозилов, Худойберди Тўхтабоев... Шуларсиз туролмайман. Кунда булмаса ҳам, кунора учрашиб турамиз. Баъзан ҳазиллашиб: Мабодо, улиб-нетиб қолсам, остонамда бел бойлаб турадиганларим куп, деб қуяман. Бағрим бутунлигидан қувонаман. Невараларимнинг ҳам атрофида шунақа вафодор дустлари куп булсин, деб ният қиламан.

ФЕЛЬЕТОНЧИНИНГ БИР ПОЙ БОШМОҒИ

—Илк ёзган асарларингизни эслай оласизми?

—Эслайман. Фельетончилар сардори Комил Алиев "Муштум"да ишларди. Унга "Ишқибоз" деган биринчи ҳикоямни олиб боргандим. Комил ака ҳикояга куз югуртириб, бир пой туфлисини еча бошлади:

Туфлимни Ўрдага обориб яматиб келсанг, ҳикоянгни мана шундай қилиб, (у бош бармоғини курсатди) тузатиб бераман.

Мен хуп, дедиму устозининг "табаррук бошмоғини" кўтарганча, Ўрдага қараб йуртдим. Қайтиб келсам, домла ҳикоямни таҳрир қилиб қуйипти. Ўқидим. Ниҳоятда зур бупти. "Биров итга, биров беданага ишқибоз..." деб ёзгандим. Хурознинг ҳам таърифи бор эди. Комил ака уни мана бундай қилиб тузатибди: "Кал чуччи, қора томоқ, тепса деворни йиқитади, чўқиса, тошни узук қилиб қуяди".

Ҳикоя босилиб чиққач, Абдулла Қаҳҳордан бошқа ҳаммага ёқди...

"БАДАВЛАТ КЕЛИН"

—Бир ҳикоянгиз тўғрисида "Қизил Ўзбекистон" газетасида танқидий мақола босилган экан. Қайси ҳикоя эди, у?

—"Бадавлат келин" деган ҳикоям.

Ўзбекнинг қиз узатиши қурсин. Умр бўйи йиққанинг бир кунга етмайди. Қиз бола уғри булади, деб бекорга айтишмаган. Шунинг учун ҳам қиз туғилган кундан бошлаб онаси мол йиғади. Урушдан тутдек тукилиб чиққан оила, қандоқ қилиб қиз узатади?

Ҳикояда эрга теголмай юрган қизнинг заёмдан катта пул ютиб олиши-ю, катта тўй қилиб, куёвга чиқиши тасвирланган. Ҳикоя хомгина, ночоргина, бўшгина чиққан, аммо газетага урилишининг сабаби бошқа ёқда. Танқидчи ҳикоядан сиёсий хато топмоқчи булган: яъни Совет оиласи туқ, бадавлат яшайди. Заёмдан пул ютишга зор эмас. Бу совет воқелигига туҳмат. Зарарли ҳикоя...

"Ҳой, инсофинг борми, уруш кеча тугади. Ҳали биринг икки булишига қанча қовун пишиғи бор. Товуқ сўйиб уйланган уртоғимизнинг туйига борганимиз эсингдан чиқдими? Фронтдан қайтиб келган қанча йигитлар уйланолмай юрганини, қанча қизлар эрга теголмай, қари қиз булиб қолаётганини куриб турибсан-ку!.."

Ана шундай изтиробли уйларга бориб турсам, Ғафур Ғулом келиб қолди:

"Нима булди? Сал бошқачароқсан?"

Мен унга газетани курсатдим. У елкамга қулини қўйиб:

"Оббо тентаг-е, шунга ҳафа бўлиб утирибсанми? Қуй, ҳафа булма. Бу эндиги ейдиган калтакларингнинг биринчиси. Эҳ-ҳе, ҳали қанча калтаклар сени кутиб турибди. Биласанми, уттиз еттинчи йилда мени урмаган газета қолмаган. Ҳатто Қуйлиқдаги корейсларнинг газетасида ҳам "пустагимни қоқишган", узларича... Юр пиво олиб бераман".

Қаранг, Ғафур Ғулом каромат қилган экан. Газета танқиди кейинги кургиликларим олдида ҳолва булиб қолди.

— Ҳа, Сталин қамоқлари, уруш, қаҳатчилик... Сизни ҳам четлаб утмаган. "Халқ душмани" булиб қамалгансиз. Бундай кулфатларга шерик булган айрим тенгдошларингиз "қайта қуриш" деб аталган жараён бошланиши билан кечмишлари ҳақида хотиралар, ҳатто қиссалар ёздилар. Аммо Сиз негадир жимсиз. Ноҳақликни курмагандек, билмагандек юрибсиз.

— Ёзгим келмайди.

— Ҳеч булмаса, уша кунлар туғрисида гапириб беринг.

Уйланганимга олти ой булганида қамашган. Одамлар, нимага қамаган экан, деб сурашади. Очигини айтсам, узим ҳам ҳалигача билмайман. Назаримда, айбимни терговчиларнинг узлари ҳам билмасалар керак. Фақат узинг айт, узинг айтсанг, суд иқрор булганингни ҳисобга олади, дейишарди. Қанча қийнашмасин, айбим йуқ, деб туриб олганман. Охири шоир Ёнгин Мирзони гувоҳликка олиб киришди. У кузимга қараб туриб: "1949 йилнинг 5 ноябр куни Рамз Бобожоннинг уйида "Ўрислар яхши яшайди, айниқса ленинградликлар маза қиляпти. Ўзбеклар хор", деб айтгансан. Ўша куни биринчи қор ёққан эди", деди.

Эсладим. Ҳақиқатан ҳам, биринчи қор бешинчи ноябр кечқурун ёққан эди. Мен уша пайтда Ўрта Чирчиқ районига, Қаҳрамон пахтакор Замира Муталова туғрисида очерк ёзгани боргандим. У билан гаплашиб утирганимда қор ёға бошлаган эди. Ўша кеча райком котиби Қаҳҳор Пулатовнинг уйида тунаб қолдим. Кечаси уша ердан редакцияга телефон қилиб, стенограф Аҳмад Шораҳмедовга очеркни диктовка қилдим. Эрталаб нонуштадан кейин Пулатов мени Тошкентга машинада опкелиб қуйди.

Биринчидан, 5 ноябр куни Тошкентда эмасдим. Иккинчидан, Ленинград блокададан чиқиб, ҳали узини унгламаган, одамлари ҳам вайроналарда яшарди.Улар қандай қилиб "маза қилиб" яшашлари мумкин? Бу даъвода мутлақо мантиқ йуқ эди. "Гувоҳ" эса айтгансан, деб туриб олди. Терговчи менинг гапларимни ёзмади, фақат унинг гапларини ёзди. Терговчи ундан, Саид Аҳмад туғрисида яна нималарни биласан, деб сурали. У оғзига келган гаплар билан мени айблай бошлади. Терговчи мендан ҳам сурали: "Ёнгин Мирзо туғрисида, унинг аксилинқилобий ишлари туғрисида нималар биласан?"

Мен унга Ёнғин тўғрисида бир ёмон гап билмайман, у билан фақат Ёзувчилар союзида, редакцияларда кўришганман, деб жавоб қилдим. Шунда Ёнғин бирдан жазавага тушиб қолди. Ўзини муштлаб, додлай бошлади: "Мен сени агент, мени сотган, деб ўйлаган эдим. Шунинг учун сенга туҳмат қилдим. Айтганларимнинг ҳаммаси ёлғон, ҳаммаси бўҳтон", деб букириб йиғлаб юборди. Бу гапларнинг биронтасини терговчи ёзиб олмади. Ёнғинни сукиб-сукиб, камерасига тушириб юборди.

—Сизни терговчилар урганми?

—Урмаган. Ургани минг марта яхши эди. Ухлатмасди. Баъзан кечасию кундузи кабинетда олиб ўтиравераради. Уйига жўнаётганида ёнимга соқчи қўйиб кетарди. Икки оёғим шишиб, туфлимга сиғмай қоларди. Бошим ғувиллаб, қандай қоғозларга имзо чекканимни ҳам билмасдим. Тўғри, бир марта урган. Пўлат линейка ўралган газета билан. Нега урасан десам, "Правда" ("Ҳақиқат") қаттиқ тегдими, деб масхара қилган.

Мени суд қилишмаган. "Дело"мни Москвага юборишган, Тройка (Особое совещание) ўн йилга ҳукм чиқарган. Шундай қилиб судсиз, прокурорсиз, оқловчисиз, гувоҳларсиз ўн йилни "бўйнимга олиб" кетганман.

ҲЕЧ КИМ АЙТМАГАН ГАП

—Ҳеч йиғлаганмисиз? Гўдаклик пайтларингизни айтаётганим йўқ. Вояга етиб, ўзингизни таниганингиздан кейин йиғлаганмисиз демоқчиман. Кўп кўргуликлар бошингизга тушган, замон зарбаларига дуч келгансиз. Шундай пайтларда хўрлигингиз келиб, йиғлаган пайтларингиз бўлганми?

—Мен ҳам инсонман. Энг азиз, энг қадрдон кишиларимни йўқотганимда ўкириб-ўкириб йиғлаганман. Аммо ҳар қандай ноҳақликка кўз ёшсиз туриб берганман. Фақат.... Фақат бир марта ўксиб йиғлаганман.

1950 йили қамоқхонанинг бир кишилик камерасида тўққиз ой ўтирганимдан кейин Саидахон билан ўн минутлик учрашувга рухсат бўлган. (Сиёсий маҳбуслар қамоқхонада ётмас, ўтирарди. Академик Иван Павловнинг итига ўхшаб, ҳуштак чалганда ётиш, ҳуштак чалганда туриш рефлексга айланарди. Бу жойда деворга суянишнинг ҳам иложи йўқ, фақат ўтириш мумкин эди.) Кўзим қоронғига мослашиб қолганданми, Саидахон жуда узун,

новча бўлиб кўринди. Ранги ҳам бир ҳол бўлиб қолганга ўхшайди. У менинг кўнглимни кўтариш учун бўлса керак, "Сизга яхши пижама олиб қўйдим" деди. Бу гапни эшитиб, томоғимга нимадир тиқилгандек бўлди_ю, овозим чиқмай қолди. Шунча уринаман, қани овозим чиқса. Бир оғиз ҳам гапиролмадим. Кўзимдан дув_дув ёш оқаверди. Учрашувга ажратилган 10 минутлик вақт ҳам тугади. Гапларим ичимда қолиб кетди. Якка жой камерада уй уйлаб ўтирибман. Нега йиғлаганимнинг сабабини билмоқчи бўламан, билолмайман. Саидахон менга атаб олган пижама тушимга кирибди. Ажойиб, ҳеч кимда йўқ ҳаворанг пижамани кийиб Союзга борган эмишман. Ёзувчи ўртоқларим қасрдан олдинг, деб сўрашар эмиш, Саидахон олиб берди, деяр эмишман. Ўшанда Саидахон менга ҳеч ким айтмаган гапни айтди. Эсимни таниганимдан буён бундай илиқ гапни ҳеч кимдан эшитмаган эдим. "Халқ душмани"нинг ўғлига биров меҳрибончилик қилмаган, бошини силамаган. Болалигини боладек ўтказмаган. Болалигини тирикчилик куйида исроф қилган киши учун бундай сўз жаҳоннинг жами хазинасидан қимматроқ, ўксик қалбга оқиб кирган шаффоф тоғ ҳавосидек қадрли эди...

Ўша замонларда қамоқхона остонасидан ҳатлаб ўтган бирон кишининг қайтиб чиққанини кўрмаганман. Энди мен ҳам қайтиб келишим гумон йўлга кетаяпман. Саидахоннинг илтифотида, бардам бўл, дийдор кўришамиз, бу кунлар ўтиб кетади, деган маъно бор эди. Бу сўзнинг йўқлик қаърига сингиб кетаётган одамга қандай таъсир қилишини биласизми? Дийдаси қаттиқ одамни ҳам йиғлатадиган сўз эди у.

МУШУК БОЛАЛАРИ

— Лагерда кечган ҳаётингизни эслаш Сизга жуда оғирлигини биламан. Шундай бўлса-да, кўрган-кечирганларингизни гапириб беришингизни илтимос қилардим.

— Жезқозғонда дунёга машҳур мис конлари бор. Маҳбуслар очиқ карьерлардан, ер остидан руда қазиб чиқарадилар. Тутқунларнинг кўпи мис гардидан ўпка касалига мубтало бўладилар. Мис самоварни кўрганмисиз? Зангдан кўкариб кетади. Коннинг атрофи ҳам баҳорда кўм-кўк бўлади. Бу кўкат эмас, занглаган тупроқ.

Рассомлигим иш берди. Лагерда ким куп угри-ю, каллакесар куп. Аввалига ушаларнинг кукрагига, билагига игна билан ҳар хил наколкалар (суратлар) ишладим. Улар "Не забуду мать родную" (туққан онамни унутмайман) деган ёзувни яхши курицарди. Кейин кукракларига бир шиша арок, карта ва аёл суратини ишлатиб, тагига "мана шулар бизни хароб қилади", деб ёзишимни буюришарди. Рассомлигимдан хабар топган бошлиқлар маҳбусларнинг кийимларига номер ёзадиган қилиб қуйишди. ҳар бир маҳбуснинг уз номери буларди. Тутқунлар ҳам исми фамилияси билан эмас, номери айтиб чақириларди.

Хуллас, оч қолмадим. Рождество, пасха байрамларида маҳбуслар уйларига откритка жунатишарди. Уша откриткаларга суратлар чизиб берардим. "Даромадимни" ҳамшаҳар маҳбуслар билан баҳам курардим.

Бошлиқларимизнинг айримлари ҳаддан ташқари шафқатсиз кишилар эди. Кимдир мушук олиб келиб боқа бошлади. Баракдаги қолган саксон маҳбус ҳам топган-тутганини олиб келиб шу жониворнинг огзига тутадиган булди. Мушук уларга узоқда қолган, унутилаёзган уй-оилаларини, бола_чақаларини эслатарди. Бир куни мушугимиз еттита бола тугди. Улар сал кунда кузга куриниб қолишди. Барчага эрмак, барчанинг қувончи эди улар! Кутилмаганда, навбатчи офицер кириб, ҳаммасини халтага солиб олиб чиқиб кетди ва новвойхона учогида ловуллаб ёнаётган алангага уларни навбати билан битта-битта отиб, ёнишини томоша қилди!...

Лагердаги бараклар қулфлаб қуйиларди. Бир тонг баракдан ёнгин чиқди. Олов печь ёнига қуритиш учун ёйиб қуйилган пайтавага илашиб, қатор териб қуйилган пийма (валенка)ларга утибди.

Мен кутубхонада ҳарбий қисм учун янги йил плакатини ишлаётган эдим. Ёнаётган баракка югуриб келдим. Назоратчига, очмайсанми, десам, бошлиқлар буйруқ бермагунча очмайман, деди.

Одамлар тутунда бугилиб улади-ку!- дейман ялиниб.

Улса улаверсин, менга нима. Менга саналганда тирикми, уликми, 200 та куйган калла билан 400 та оёқ чиқса булди. Қолгани билан ишим йуқ.

Бундай даҳшатли манзаралар узоқ вақтгача хаёлимдан учмади. Эсимга тушганида сесканиб кетардим...

"МАЖРУҲЛАР ОНАСИ"

— Ана шу кўрган-кечирганларингизни китоб қилиб ёзсангиз бўлади-ку?

— Бўлади. Лекин мен ёзмоқчи эмасман. Ёзаман, деб бир-икки марта уриниб ҳам кўрдим, юрагим кўтармайдиганга ўхшайди. Биласизми, Мопассаннинг "Мажруҳлар онаси" деган машҳур ҳикояси бор. Ўқиганмисиз?

— Йўқ.

— Бир аёл ҳар гал бола туғиши олдидан қорнини чандиб, сиқиб боғлаб олади. Кейин мажруқ бола туғади. Қийшиқ-қингир туғилган болаларни ажойиботлар ишқибозларига сотади. Улар эса мажруҳларни ажойибхоналарда намойиш қилишади. Хотин ўз азобларини, изтиробларини пулга сотади. Азоблардан келган даромаддан бойимоқчи бўлади.

Лагерда кўрган-кечирганларимни, тортган азобларимни ёзмоқчи бўлсам, хаёлимга мажруҳлар онаси келаверади. Мен ҳам унга ўхшаб азоб-у изтиробларимни пулга сотадигандек бўлавераман. Ёзишга қўлим бормайди.

...Кўксимда аламлар қалашиб ётибди. Болалигим ўксиб ўтди. Отам, акам, ўзим "халқ душмани" бўлдик. Деярли бир умр бўйнимни қисиб, ўксиб яшадим. Оқланиб, қайтиб келганимдан кейин ҳам бахтим очилмади. Ёзувчилар союзида бирон хайрли иш бўлса, рўйхатдан ўчиришарди. Мажлислардан бошимни эгиб чиқиб кетардим. Бошимдан ўтганларни ёзиш учун хаёлан бўлса-да, яна қамоққа боришим, жами азобларни яна руҳан тортишим керак. Буни энди юрагим кўтара олмайди, деб қўрқаман.

ЭРКАКЛАР ҲАММОМИ

— Сизни Фарғонача аскияга жуда уста дейишади... Аския халқ ижодида энг мураккаб жанр. Бу тез фикр қилиш мусобақаси. Рақиб томонидан берилган зарбага бир-икки лаҳзада ундан ўтказиб жавоб қилиш керак. Жавоб мавзудан чиқмаслиги, кишини ҳайрон қолдирадиган даражада мантиқли, сўз тагига рақибни "фош" қилувчи сўз яширинган, айни пайтда жуда ақлли, кулгили бўлиши шарт. Жавоби қандоқ буларкин, деб тикилиб турган юзлаб кўзлар қаршисида довдирамасдан, ўзини йўқотмасдан, рақибининг "саломи"га шундай "алик"

айтиш керакки, давра аҳли бомба портлагандек, гумбурлаб кулиб юборсин.

—Фарғона томонларда уста аскиячилар куп. Мен ҳам йигитлик пайтларимда, ишқибозлик қилиб, улар билан аския айтишганман.

Аммо аския фақат эркаклар даврасида айтишга мулжалланган жанр. Абдулла Қаҳҳор бир мақолачасида, "Аския ...нг устида очилган гул" деб айтган эди. Бу-жуда аниқ ва туғри баҳо.

Аския замирида аёллар олдида айтиб булмайдиган уят гап ётади. Баъзан телевизорда аския мусобақаларини курсатишади. Унда аёлларнинг ҳам гурра-гурра кулишаётганини, баъзан уларнинг ҳам аскияга аралашишларини куриб ҳайрон буламан. Аския бамисли эркаклар ҳаммоми, унга аёлларнинг кириши мумкин эмас.

УМР ҲИСОБИ

Қаноатда Саида филча булурму ҳай-ҳай.
(Қушиқдан)

—Домла, севимли адибимиз, рафиқангиз Саида Зуннунова қазо қилганларига 15 йилдан ошди. Ёлғиз узингиз қийналиб қолмаяпсизми. Иссиқ-совуғингиздан кимлар хабар олиб турибди?

—Боя айтганимдек, уйимдан меҳмон узилмайди. Қизим, куёвим, невараларим ҳолимдан хабар олиб туришади. Ёлғизликка куникиб ҳам кетдим.

—Шундай булса-да, уйланганингиз маъқулмиди? Ёш бир жойга борганда ётиш бор, туриш бор, дегандек, қийин-да?

—Уйланиш... Бу гапни иккинчи оғзингизга олманг. Энди турмушга чиқиб, уйнаб-куламан, деган келинчакнинг навқирон умри қийноқларда утди. Бу азобларга у мен туфайли гирифтор булган. Мен қамалганимда унга газета журналлар, нашриётлар эшиги беркитилди. Союз аъзолигидан учирилди. Икки диплoли булатуриб, ишсиз, саргардон булиб юрди. Эрингдан кечсанг, ҳамма йулларни очиб берамиз, дейишди...

Буқаҳа кургуликларга у аёл боши билан бардош берганда, наҳотки мен-эр киши чидамасам!..

Дунёда ҳар бир ишнинг уз ҳисоб-китоби бор. Ҳар бир айтилган сузнинг жавоби булади. Дунёдан куз юмиб

кетгунча ҳисоб_китоб қилиб қуйиш керак. Айтилган гапга жавоб бериб қуйиш керак.

Бундан ташқари, худодан тилаб олган биттагина қизимиз бор. Ёлғиз боламнинг дили оғришини истамадим. Саидахоннинг кино ленталарига олинган қиёфаси, суратлари, грампластинка ва магнитофонга ёзилган овозлари, жавон тула китоблари, қулёзмалари менга қолган қимматбаҳо хазинадир.

"СУЯНАДИГАН ЧИНОРЛАРИМ БОР"

— Бир куни Сиз устозингиз Ғафур Ғуломдан, тенгдошларингиздан қайси бирининг асарларини яхши курасиз, деб сураганингизда у киши, гапни ҳазилга буриб юборган эканлар. Энди шу саволни узингизга берсам, нима дейсиз?

— Қариганимда тенгдошларимнинг бири яхши, бири ёмон деб балога қолмай. Яхшиси шогирдбаччалардан суранг.

— Майли, шогирдларингизни айтинг, булмаса...

— У "безобразний"ларни шогирд дейишга тилинг бормайди. Қолаверса, уларнинг узи энди катта устоз булиб қолишган. Эркиннинг қанчадан-қанча шогирдлари бор. Уткирнинг ортидан қанча ёш талантлар эргашиб юрибди. Неъматни айтмай қуя қолай. У ҳажвчиликда узига хос мактаб яратаяпти.

— Пенсияга чиққан кишининг бирон эрмаги булиши керак. Масалан, Айний домла буш вақтларида нишолда пиширган эканлар. Сиз-чи?

— Мен эллик йилдан бери сурат оламан. Қаерга бормай, елкамда фотоаппарат осиғлиқ. Темир-терсакни яхши кураман, радио, магнитофон, телефон аппаратларини кавлаб-кавлаб охири бузиб қуяман. Устага тузаттириб келгандан кейин ҳам кавлайвераман. Ичида нима борлигини билгим келади-да.

— Абдулла Орипов билан девор-дармиён қушни экансиз. Куришиб турасизларми?

— Ҳа, албатта. Абдулла болалари каникулга чиққанда боққа кучиб келади. Боғимизни гулдор панжара ажратиб туради. Уникига шоирлар, меникига носирлар келишади. Дам олиш кунлари уникида шеърхонлик, меникида аския, латифагуйлик булади.

— Ўртадан ўша панжара олиб қўйилса бўлмайдими?

— Бўлмайди. Назм билан наср ўртасида чегара бўлиши керак.Тақдир тақозоси билан Ёзувчилар союзи иккига бўлиниб қолган. Бари бир ижодкорлар бир-бирларини соғиниб қолишади.Яқиндагилар тишлашади, узоқдагилар кишнашади, деганларидек, улар кишнашиб қолган пайтларида менинг боғимда учрашиб дилларини ёзиб кетишади.

— Демак, боғингиз "пом" чиққанларни яраштирадиган жой экан-да?..

— Шундай десангиз ҳам бўлади.

— Шогирдларингиз билан қандоқ тил топишасиз?

— Уларнинг феъл-атворлари менга маълум. Ўткир донолик қилиб куйдиради. Носир гапни чимчилаб-чақиб айтади. Неъмат гуноҳ қилиб қўйганда, Бухоро лаҳжасида иккита латифа айтиб, кулдириб қутулади. Худойберди "пора" беради. Узоқ келмай кетса, бирон пақир шафтолими, шотут мураббосими олиб келади. Еган оғиз уялар, деганларидек уни қойишга тилим бормай қолади. Дўст сафарда билинади. Бу шогирдбаччалар кўп сафарларда синалганлар. Шундай, суянсам бўладиган чинорларим борлигидан қувонаман.

МАШҲУРЛИК МАРТАБА ЭМАС

— Домла, Сиз жумҳуриятимизнинг машҳур ижодкорларидан бирисиз. Қаерга борманг, олдингиздан мухлисларингиз чиқиб келаверади. Бу Сизга ёқадими?

— Устоз Абдулла Қаҳҳор ҳазиллашиб, "Мен, қилган меҳнатни маймун қилганда у ҳам ёзувчи бўлиб кетар эди", деган. Нимагаки эришган бўлсам, фақат меҳнатим орқали эришганман. Машҳурлик масаласида бир нима дейишим қийин. Ким билади, у балки масъулият деганидир. Машҳур киши халқнинг кўзида бўлади. Ҳар гапи, ҳар бир ҳаракати эл назарида туради.

Худо мени меҳнатдан жудо қилмасин.

Қ. Очилов суҳбатлашди.

Ёзёвон район ХДП саркотиби
Ҳайдарали ЙЎЛДОШЕВГА.

Район ҳокимининг уринбосари
Ҳайдарали МАМАЖОНОВГА!

МУТЛАҚО ОЧИҚ ХАТ

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" ҳафтаномасида менга йуллаган телеграммангиз қўлимга тегди. Райондаги 14-мактабга номим қуйилганини уқиб кузларимдан ёш чиқиб кетди. Бундай бахт ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди. Мен э, худо, берадиган булсанг, тириклигимда бер, деган бандаларингдан экинман. Минг шукурким, бундай бахтга тириклигимда эришдим. Шунчалик изат қилганларингиз учун минг қуллуқ!

Ёзёвонлик қадрдонларим! Мен сизни жуда яхши кураман. Кичкинагина бир телеграммадаги одамнинг дилига қувват буладиган, фақат Фарғоналикларга хос қувноқ оҳанг мени ҳаддан ташқари қувонтирди.

Азизларим! Сиздан пича гинам бор. Бу йил Тошкентда узумга офат текканини биласиз. Бир ғужумига зор булдик. Ҳовлингиздаги . упаДа осмонга қараб ётиб, тепангизда. ı суриДа ҳар бири сариқ пилладек келадиган ҳусайни ғужумларига кузингиз тушганда ҳам бир бечора фаҳрий фуқаронгизни эсламадингиз. Сарсонқумда ўзим қадамлаб улчаб берган пайкаллардаги ҳар бири қуйдек қовунларнинг ҳиди Тошкентгача келиб турди. Мана, куз ... утди. Полизлар хазанак булди. Эсламадингиз. Ҳеч булмаса қуруғидан /порахурлар оладиган қуруғи эмас/ — қоқисидан бир тишламини раво курмадингиз.

Нима бало, бирингиз Қори Ишкамба, бирингиз Иноят оқсоқолнинг невараси эмасмисиз?

Ҳадеб кел, кел, деяверасиз. Бориш осон буптими!! Бир қултум бензин бир пақир коньякка баробар булиб турган пайтда машина олдига боришга юрагим бетламайди.

Африканинг аллақайси мамлакатида фаҳрий фуқароларга текинга бензин беришар экан. Ушалардан ибрат олсанглар булмайдими!

Бунақа хасислик қилаверсанглар бор-е, дейману Олтиариққа ичкуёв булиб кетвораман. У ерда ичкуёвлар

автоматик равишда фахрий фуқароликка ўтишар экан. Келиннинг сепига тўртта ғилдирак, битта аккумулятор қўшадиган одатлари менга маъқул тушди. Сигареталарни куёв боланинг оёқлари тагига сочиб юборишларини айтмайсизми? Мендек хуснда ягона фуқаронгиздан ажралиб қолишингиз мумкинлигини бир ўйлаб кўрсангиз ёмон бўлмасди!

Ёзёвонимиздаги жами катта-кичик, новча-пакана, узун-қисқа, сахий-хасис, семиз-қилтириқ, соқолли-бесоқол қадрдонларга самимий саломимни етказинг. Уларга йўқдан бор бўлган Ёзёвонимизнинг шарафли қирқ йиллик тўйини кўп ичиб қўймай, ўйнаб-кулиб, хурсандчилик билан ўтказишларини тилайман.

Етмишдан ошса ҳам пардоз-андозни тарк қилмаган, қишда ҳам қошидан ўсма кетмаган, уламасоч бева кампирларга қараб қўйилмаган бева фахрий фуқародан алоҳида кўзёш тўла салом.

Айниқса муҳрига исмим ўйиб ёзилган 14-мактаб педагогларига, ўқувчиларига дил-дилдан саломлар йўллайман.

Мана қаранг! Бу кеча ғаройиб туш кўрибман. Тушимда ўз номимдаги мактабда ўзим ҳам ўқиётган эмишман.

САИД АҲМАД,
Ёзёвоннинг фахрий фуқароси.

Тузатиш:

Ушбу китобда "артистка" сўзи "картишка" бўлиб, хато кетган. Шуни "мартишка" деб тузатиб ўқишларингизни сўраймиз.

МУНДАРИЖА

Лаб ҳақида достон.. 3
"Ж" ҳарфи ёзилган девор тагида. . 5
Гуштнинг зарари ҳақида. 7
Офтобга чиққан мушук. 10
Азиз ва Бонопарт. 11
Ҳиндча қўшиқ. 15
Минг йиллик жанжал. 23
Наполеон Мамажонов. 24
Бевош қаламнинг ёзганлари. 27
Қилич кесолмаган бошлар. 29
Қайси Ойбек?. 29
Белимдан юқориси ишламаяпти. . . 30
Луччак шафтоли. 30
"Казбек" текинга тушди. 31
Қовун туширай дебман-ку. 31
Қайтиб бермасанг ҳам майли. . . . 32
Юр, ювамиз. 33
Маза билмаслик дарди. 33
Масали гурба. 35
Бир сиқим хандон писта. 36
"Оқ уй". 42
Тонгги товушлар. 45
Тунги саргузашт. 47
Машаққатли бахт. 50
Ҳеч ким ва ҳеч нарса унитилмайди 52
Яна бир Турдивой. 53
Эколугия ва биз. 55
Турмуш чорраҳаларида. 56
Ер излаб. 58
Кечаси соат 3 да бева ёзувчининг калласига келган гаплар. 58
Бўри ови. 59
Ҳажвчининг изтироблари. 78

Адабий-бадиий нашр

САИД АҲМАД

ХАНДОН ПИСТА

Ҳажвлар

Мусаввир *М.Самойлов*
Техн.муҳаррир *В.Н.Барсукова*
Мусаҳҳиҳалар *М.Ҳошимова, К.Зиёмуҳамедова*
Оригинал макетни тайёрловчи *Қ.М.Юсупов*

Ушбу китоб "Хазина" илмий-ижодий ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли компьютерда "Xerox Ventura Publisher 2.0" дастурида тайёрланди.

ИБ №5248

Теришга 29.10.93 да берилди. Босишга 16.11.93 да рухсат этилди. Бичими 84х108 1/32. Янги-оддий гарнитура Юқори босма усулда босилди. Шартли босма табоқ 5,46. Нашр табоқ 4,3. Адади 50000 нусха. №. 69 буюртма. Баҳоси келишилган нархда. Шартнома №139-93.

"Хазина" ижодий илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, 700097, Халқлар дўстлиги шоҳкўчаси. 28.

Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 700129. Навоий кўчаси. 30.

1, Зак. Б 15- 10 млн.- 80 г.

Книга должна быть возвращена не позже указанного здесь срока

Количество предыдущих выдач________

ППК. Зак. Б-192—20 млн.—84 г.